


496
1993/89

ISSN 0134-2207



6
GULISTAN
ГУЛИСТОН
8-9
1993



8—9

(522—523)

СУМБУЛА —

МЕЗОН

(Август —
Сентябрь)

1993

Ойнама 1925 йилдан
чиқа бошлаган

МУАССИС:

Ўзбекистон жумҳурияти «Шарқ»
нашриёт-матбаачилик концерни
ҳамда «Гулистон» жамоаси.

НОШИР:

Ўзбекистон Республикаси
«Шарқ» нашриёт-матбаа
концерни

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Бош муҳаррир:
МИРМУҲСИН

Абдураazzoқ КАРИМ,
(масъул котиб),
Мирвосил ОДИЛОВ
(бош мусаввир),
Машраб НУРИНБОЕВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ

Ислом ШОҒУЛОМОВ,
ШУКУРЛЛО,
Азиз ҚАЮМОВ,
Раҳим АҲМЕДОВ,
Ҳамид ЗИЕЕВ,
Дилфуза ҒУЛОМОВА,
Жамол КАМОЛ,
Сабоҳат АЗИМЖОНОВА,
Абдусайд КУЧИМОВ,
Эргаш МУҲАМЕДОВ.

Манзилгоҳимиз:


Тошкент — II, 700000,
Буюк Турон кўчаси, 41.

Тахририят телефонлари: бош муҳар-
рир — 33-35-20; масъул котиб —
33-36-02; умумий бўлим — 33-35-90; бе-
затиш бўлими ва мусахҳих — 33-36-59.

ГБ УЎСОР
Ж

«Ўзбекистон Ҳамдўстликдаги шериклари билан ўз муносабатларини кўп
томонлама давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномалар ҳамда битимлар дои-
расида ҳам, шунингдек тўғридан-тўғри икки томонлама мулоқотлар, ўзаро
манфаатли савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни ўрни-
тиш асосида ҳам йўлга қўйиш ниятидадир».

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ




ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛГА ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлатлари бош-
ликларининг Москвадаги учрашуви энг муҳим ҳужжатларни имзолаш билан якун-
ланди. Бу учрашув ушбу давлат бошлиқларининг тўла ҳамжиҳатликка эришган-
ликларидан далолат беради.

Суратда: Ҳамдўстлик мамлақати раҳбарларининг учрашуви ташаббускорлари
Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ислом КАРИМОВ**, Қозоғистон Республикаси
Президенти **Нурсултон НАЗАРБОВЕВ**, Россия Федерацияси Президенти **Борис
ЕЛЬЦИН**.

ЮКСАЛИШГА ҚЎЙИЛГАН ЗАМИН



Мамлакатимиз президенти Ислом Каримовни оқсоқоллар дуо қилмоқдалар.

Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги содир бўлаётган ўзгаришлар унинг янги давр сари дадил боришидан далолатдир.

Албатта, мамлакатимизнинг мустақиллик пойдеворини вужудга келтириш, ривожлантириш, унинг иқтисодий ва мафкуравий қирраларини шакллантириш осон кечаётгани йўқ. Авваламбор мустақиллик тушунчасини, ватанпарварлик, миллий истиклол гурурини фуқаролар онгида шакллантириш лозим бўлмоқда. Чунки миллий истиклол мафкурасини яратмасдан туриб, меҳнаткашлар ҳаракатини, баракали меҳнатини, иқтисодий, маънавий имкониятларимизни мустақил жумҳурият истикболига йўналтириб бўлмайди.

Иқтисодда тadbиркорлик, сиёсатда донолик билангина мамлакат раван йўлга чиқиб олиши мумкин. Бу ўринда давлатимиз раҳбарияти томонидан илмий асосда, узокни қўзлаб амалга оширилаётган фуқаропарвар амалий ишлар диққатга сазовордир.

Шунингдек мустақиллик сиёсати, жумҳуриятнинг юксалиш сари йўли Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг китобларида, нутқларида ҳар томонлама аниқ-равшан қилиб асослаб берилмоқда.

Айниқса, Ўзбекистоннинг тараққиёт сари босқичма-босқич боришини Президентимиз Ислом Каримов бешта асосий принципа асослаб берган:

1. Иқтисодиёт сиёсатга база бўлмоғи шарт, сиёсатни иқтисодиётга хизмат қилдирмоқ керак.
2. Давлат ислохотчи родини бажармоғи керак.
3. Фуқароларни иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя қилиш давлатнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим.
4. Қонунлар ва қонунчилик асосий куч бўлиб, ҳамма нарса устидан ҳокимлик қилиши керак. Қонун олдида барча баробар. Демак, биз, ҳуқуқий давлат қураймиз. Асосий ҳуқуқ давлат қўлида эмас, фуқаролар қўлида бўлади. Демак, халқ давлати қураймиз.
5. Бозор иқтисодиётини шароит кўтаришига қараб, аста-секин жорий қилиш зарур. Чунки бизнинг шароит шундайки, бир бозорчи топиб-тутиб келади-

ган ҳаражатга беш-олтитаси оғиз очиб туради. Сер-фарзандмиз.

Бу асослар мамлакатимиз келажагига катта умид туғдиради ва беш принцип асосида амалга оширилаётган ишларга ҳаммамиз гувоҳмиз.

Конституциямиз қабул қилинган ҳуқуқий давлат қурилишига ўтишда. Ўтиш даври хусусиятларини ўзида акс эттирган тоталитар тузумдан, бозор иқтисодиётга ўтишнинг ҳамма жабҳалари илғаб олинган, амалиётда қўлланилганда маълум ҳуқуқий иқтисодий социал ижобий маҳсулга эга бўлган қонунлар тизими вужудга келтирилди.

Маълумки, ҳуқуқий ва демократик давлатни вужудга келтиришнинг бош мезонларидан бири ана шу ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳар бир фуқаро томонидан англаб олиниши ҳаётга тadbик этилиши кўп жиҳатдан республикамиз равнақини белгилайди.

Хозир Ўзбекистон ўтиш даврини, яъни бозор иқтисодиётга кириб бориш жараёнини ўз бошидан кечирмоқда. Мулкнинг турли шакллари вужудга келишига қонуний имконият берилиши, демократик ҳаёт учун ҳуқуқий пойдеворнинг яратилиши тadbиркорликка кенг йўл очди. Бундай имконият яъни мамлакатимиз ривожини учун яратилган янги йўл, ҳақиқий ватанпарварларга хусусий, акционерлик ширкат мулкларини вужудга келтириш билан иқтисодиётни кўтаришга восита яратди.

Бугунги кунда республикамизда ижара ва акциядор қорхоналарда ишловчиларнинг ўртача сони 210 минг кишидан, хусусий қорхоналарда ишловчилар сони қарийб 50 минг кишини, кичик бизнесда — ишчилар сони 200 мингдан ошди.


Демократик жараён ҳам кишиларнинг маънавий, илмий, маданий имкониятларини давлатимиз истиклолига йўналтириш учун имконият туғдирди. Бу йўлда фуқароларимиз орасидаги ишчан кишилар ташки ва ички савдо, тижоратнинг ҳамма соҳаларида фаолият кўрсатмоқда.

Мустақил давлатнинг ривожини ва юксалишини учун халқимизнинг бақувват маънавий, тарихий, илмий, сиёсий ва иқтисодий илдизи бор.

Ўзбекистон нисоният тараққиётининг бешикларидан биридир. Аждодларимиз ўз замонасининг буюк давлатларини ташкил этиб, ривожлантириб жаҳон маънавий ва моддий маданиятига бекиёс хисса қўшди.

Марказий Осиё худудидagi давримизгача етиб келган маҳобатли меъморчилик обидалари, санъат асарлари, адабиёт, моддий ва маънавий ҳаётнинг ўчмас излари фикримизнинг далилидир. Туркiston худудида вужудга келган буюк Амир Темур давлати ўзбек халқи аждодларининг ташки ва ички сиёсатда ўта равшан мустақил фикр юритганликларидан мисолдир. Аммо ўтмишда фуқаролар орасида сиёсатдонлар қаторида яқдиллик мавжуд бўлмаганлиги, мустақилликнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий жабҳалари аҳамиятини тўла тушуниб етмаслик бизнинг худудимизда узок йиллар ўзгалар ҳукмронлик қилишга олиб келди. Шундай экан, хозирги даврнинг энг муҳим масаласи мустақилликнинг гоявий негизини мустаҳкамлашдир.

Ўзбекистоннинг БМТга қабул қилиниши, 130 дан ортиқ давлатларнинг тан олиши республикамиз пойтахтида қатор хорижий мамлакатлар элчихоналари-



нинг очилиши ёхуд бизнинг юртимиз элчиларининг чет элларда фаолият кўрсата бошлаганлиги Ўзбекистон ташки сибсати ёки мустақиллигимизнинг бу соҳадаги дастлабки қадами. Мамлакатимизнинг дунё банклари тизимида ўрин эгаллаганлиги, кўпгина халқаро ташкилотларга қабул қилинганлиги қувонарли ҳол.

Аммо мустақиллик дастлаб ички имкониятларга алоҳида эътибор беришни тақозо қилади. Чунки ҳар бир ривожланган давлат дастлаб ички моддий ва маънавий имкониятларини тўла сафарбар этгандагина дунёдаги тараққий этган давлатлар қаторига кирган. Бунга Туркия, Таиланд, Сингапур, Жанубий Корея, Малайзия, Хитой, Япония каби мамлакатларнинг тараққиёти ёрқин мисолдир. Бу давлатлар ҳам дастлаб ўз ички иқтисодиёти, маънавий имкониятлари ҳисобига шу даражага етди.

Ўзбекистон иқтисодиёти эса ҳамма вақт кишлоқ хўжалиги, кейинги асрда кўпроқ пахтачилик билан, чамбарчас боғлик бўлди. Бозор иқтисодиётига ўтиш бу муҳим соҳада мавжуд бўлган салбий ҳолатларга барҳам бериб, илмий техника ва фан ютуқлари асосида жумҳуриятимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш вазифасини қўйди. Чунки дунёдаги аҳолини кўпайиши озик-овқат маҳсулотларига, айниқса сифатли маҳсулотга бўлган талабининг ўсиб бориши, Ўзбекистонда кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг доимий суръатда бозор учун зарур бўлган маҳсулот бўлиб қолишини тақозо этади.

Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда ҳукуратимиз томонидан қабул қилинган асосан кишлоқ аҳолисининг моддий аҳолини яхшилашга қaratилган қарорлар ва президент фармонлари узоқ келажакни кўзлаган тадбирдир. Ўзбек дехқонидаги ерга, сувга бўлган меҳр унинг ота-боболаридан мерос. Аммо вужудга келган янги хўжалик юритиш усуллари, кишлоқлардаги кўп мулкчилик, таъминотдаги ўзгаришлар, нарх-навоининг кўтарилиши дехқонни мушкул аҳволга солиб қўйди. Шундай шароитда дехқончилик давлатимиз хомийлигидагина ривож топиши мумкин. Шунинг билан биргалликда кишлоққа янги замонавий технологияли олиб келиш, яъни кишлоқ хўжалиги экинларини экиш, териб, йиғиб олиш, жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган маҳсулотларни қайта ишлаб, истеъмолчига етказиш зарурдир. Ўзбекистон табиий шароити шундай имконият яратгани бизнинг экспорт имкониятларимизнинг яъни жумҳуриятимиз ҳазинасига валюта олиб келиниши воситаси чексиз.

Давлатимиз раҳбарияти ўтиш даврининг қийинчиликларини ечишни турли йўлларини топишмоқда, бу соҳада мавжуд бўлган жаҳон амалиётига ҳам мурожаат қилинди. Жумладан, чет эл инвестициясига, яъни хоржий юртлар вакиллари билан қўшма корхоналар тузиш, ёхуд хўжалигимизнинг баъзи соҳаларида яъни унинг замонавий технология билан таъминланишида чет эл сармосидан фойдаланиш, замонавий корхоналар вужудга келтиришда, қуришда чет давлатлар ёрдамидан фойдаланиш. Бу борада кишлоқ хўжалиги ҳам мустасно эмас. Жаҳон кишлоқ хўжалиги муаммоси бўлган юқори ҳосилдорлик, сувдан тадбиркорлик билан фойдаланиш, экологик тоза маҳсулот етиштириш, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини узоқ мuddатда сифатли сақлаш ёки уларни териб олиш ва аҳолига етказиб бериш технологиясини такомиллаштириш бизнинг дехқонларимиз учун ҳам зарурдир.

Ўтиш даврининг қийин масалаларидан бири аҳолининг кам даромадли қисмини ижтимоий ҳимоясини ташкил қилишдир. Бу муаммонинг ҳал қилиниши мамлакатда осойишталик, миллатлар ва элатлар ҳамжиҳатлиги, ташки ва ички сибсатдаги муваффақият билан боғлиқ.

Шу жиҳатдан Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоялашнинг давлатимиз ўз ҳимосига олди. 1993 йилнинг биринчи чорагида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун ҳукуратимиз 35 миллиард сўм сарфлади. Нафақахўрлар, талабалар, кўп болалик оналаримиз нафақалари оширилди. Бу соҳадаги давлат дастурини амалга ошириш учун махсус идоралар вужудга келтирилди.

Бозор иқтисодиёти ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларини қамраб олаётган пайтда ижтимоий соҳа ходимлари қундалик ҳаётда қийинчилик бўлаётганлиги сир эмас. Бу масалага Президентимиз шундай баҳо берди. «Бозор муносабатига ўтиш даврида ижтимоий соҳа — соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва санъат, шунингдек, илм-фан айниқса мушкул аҳволда қолмоқда» (И. А. Каримов. Ўзбекистон — келажак буюқ давлат. Т.: «Ўзбекистон», 1993, 23-бет).

Ижтимоий соҳа ходимлари юртимиз бугунги кунги, келажак учун меҳнат қилаётган ижодий меҳнат вакиллари. Улар меҳнатининг ўзига хос хусусияти бевосита моддий бойликда бирданига ифода бўлмайди. Лекин маънавий соғлом бўлмаган давлатнинг келажак йўқ. Маънавий бойлиқни шакллантирадиган инсонлар таълим-тарбия, илм-фан, маданият, тиббиёт ходимлари.

Мустақил Ўзбекистон учун, ҳар томонлама баркамол давлат биносини қураётган даврда билимдон мутахассислар билангина қўзланган максадга эришиш мумкин. Ваҳоланки биз илмга сизини ҳақиқатда ўйласак, фикр юритсак, шу йўлда юртбошимиз нздан борсак ватанимиз олдидаги бурчимизни бажарган бўламиз.

Тўла билимга эга бўлмаган, маданиятдан, миллий ифтихордан йироқ бўлган баъзи мутахассислар билан халқ хўжалиги тизимида бозор муносабатларига хос бўлган ички ўзгаришларни амалга ошириб бўлмайди. Мамлакатимиз иқтисодиётининг долзарб масаласи жумҳуриятимизни хом ашё сотадиган давлатдан тайёр маҳсулот сотадиган давлатга айлантиришдир. Сабаби, жаҳонда ҳеч бир мамлакат хом ашё сотиш ҳисобига буюқ давлат даражасига кўтарилгани йўқ. Бизнинг жумҳуриятимиз табиий захираларидаги газ, кўмир, олтин, нефть, турли хил бошқа маъданлар маҳсулотга айлантирилса ёки кишлоқ хўжалигидаги хом ашё тайёр маҳсулот даражасига етказилса, мамлакатимиз хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришда янги технологияга ўтиб, жаҳонда рақобатга чидай оладиган даражадаги маҳсулот етказиб бера «республикамизда ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқариши икки баробардан зиёд, миллий даромадини эса тахминан уч баробар кўпайтириш мумкин» (И. А. Каримов. Ўша китоб, 25-бет). Афуски, жумҳуриятимиздаги баъзи корхоналардаги мавжуд ишлаб чиқариш воситаларининг эскирганлиги ёхуд жаҳон технологияси талабларига жавоб бериш имкониятига эга эмаслиги, маҳсулот ишлаб чиқаришда бизнинг юртимизга катта тажрибага эга эмаслиги (чунки жумҳурият хўжалиги асосан хом ашё тайёрлашга мўлжалланган) чет эл сармосини хўжалигимизга жалб қилишни талаб қилмоқда. Чет эл сармосини юртимизга олиб келиш учун ҳамма имкониятлар мавжуд.

Биринчидан, давлатимиз ҳудудининг табиий маъданларга бойлиги, улар мавжудлиги илм-фан томонидан ишбoтланганлиги.

Иккинчидан, республикамизда бой ишчи кучининг мавжудлиги ҳамда уларни зарур ҳолларда қайта ўқитиш имконияти борлиги.

Учинчидан, чет мамлакатлар фирмалари давлат ташкилотларининг бизнинг иқтисодимизга молиявий ёрдам кўрсатишига рози эканлиги.

Тўртинчидан, Ўзбекистон давлати ҳукуратининг тўла қонли ички ва ташки сибсати туфайли мамлакатимизда мавжуд барқарорлик.

Бешинчидан, чет эл инвестициясини жорий қилиш лозим бўлган хўжалик тармоқларининг маълумлиги ва давлатимиз хомийлиги остида эканлиги сармос эгаларига Ўзбекистонда, унинг иқтисодида, ҳар иккала томон учун катта имкониятларни вужудга келтирди.

Бу муҳим тадбирнинг асосий натижаларидан бири Ўзбекистоннинг экспорт имконини оширишдир. Хўжаликка кириб келаётган чет эл сармоси маълум қисқа мuddатда натижа бериши лозим.

Экспорт имкониятлари ошиб бориши Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон бозорида миллий маҳсулотларимиз ўз ўрнини топишига ёрдам беради, қолверса мустақил республикамиз валюта захираларини тўлдирининг асосий манбаларидан биридир.

Жаҳон бозори рақобатига бардош берадиган маҳсулотнинг мавжудлиги ижтимоий соҳага ҳам ўз таъсирини ўтказди, чунки мустақил сибсатининг асосий томонидан бири янги иш жойларини вужудга келтириш, юқори малакали ишчи кадрлар тайёрлаш йўналишини шакллантириш, кишлоқ аҳолисининг моддий аҳволи маълум даражада яхшиланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Шундай экан, яна бир бор ёшларимиз таълими даражасига эътибор берсак, уларнинг билими, тарбияси бугунги кун Ўзбекистон талабларига мос келиши, унинг келажак буюқ давлат фуқароси сифатида шаклланиши учун хизмат қилишимиз лозим.

Назар ҲАКИМОВ,

фалсафа фанлари доктори, профессор,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети
«Тарих» кафедраси мудири



Фахрланиш туйғуси

Биз яна улуг байрам, тарихий сана Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллигини нишонладик. Бир асрдан ортқ вақт мобайнида дикққан қалбларимиз бу муқаддас шодиёна шукуҳ ила нафас олмақда.


Кўчалардаги бинолар пештоқида, тамгамиз осиглик, байрогимиз ҳилираб, инсоний қамолатимиз ва саодатиимизнинг бош ва ўзгармас мезони бўлиб қолаётганлигидан дарах бермоқда. Она ватан, ота юрт туйғулар жон томирларимизда қайтадан кўпирмоқда, миллат туйғусини англаш, она юртин азиз ва муқаррам билишни, боболар руҳини юз қарра, минг қарра улуглашимизни тақозо қилмоқда. Узоқ йиллар кўзи мажбурий беркитилган маънавият бўлоғи яна энтиқиб-энтиқиб оқмоқда. Бу бутун халқимизда, бизнинг техникум ўқитувчи ва талабалари орасида ҳам, ҳамма қилинаётган ишларида, режа ва умидларидан, сўзлаган қаломларидан ҳаётбахш нурлар таралмоқда.

Ҳа, бизга бу туйғулар иқтисодий муаммоларнинг қалашиб ётганлигидан қатий назар давр руҳи — ўзбеклар олдида маънавият бобиди сифатий янгилашни вазифаларини қўймоқда. Мана шу вазифалар бажарилган тақдирдагина ўзбек халқи келгуси аср бўсағасида ўзлигини янада, бугунгидан ҳам чуқурроқ англашга олиб бориши аниқ.

Чунки ўзлигини англаган халқ, мазмунан боқий бойийди, умуман олганда зохиран гўзаллашади. Минг-миг йилларга тенг халқимизнинг умрига янада бароқа қиради. Ана шундай дилларга, қалбларга пайваста висолга олиб боражак йўллардан бири — Ватан, юрт, миллат туйғуси, азиз юртдошларим!

Дилором ТЕШАБОВЕВА,

Тошкент коммунал
қурилиш техникуми директори,
техника фанлари номзоди



Қалб қўри билан

Хар бир мустақил Давлатнинг фукароси қалбида Ватанга муҳаббат туйғуси устивор бўлиши керак. Аввало, бу муҳаббат нималарда зуҳур бўлади. Фуқаро шу юртинг Конституциясини, тугани, тамғасини, мадҳиясини, қолаверса ўзи сайлаган Президентини чап кўксиде уриб турган юрак қадар севиши, ардоқлаши керак. Уларга бўлган эътиқоди ва садоқати заррача сохта бўлмастлиги лозим. Шундагина у шу мамлакатнинг бир бўлагига, бир томчи қонига, уриб турган жонига айланади. Шундагина у Ватанини кўз қорачиғидай ардоқлай олади.

Биз азалдан Ватан тупроғига жон риштамиз билан боғланиб келган халқмиз. Ватан тупроғини кўзга суртиб, уни қорачиғи каби асраган, унинг шабини жажонаро танитган буюк Амур Темур, Мирзо Улуғбекдек, шу тупроқдан оқилларда, Ватан дея афгон чеккан Шох Бобур сингари боболаримиз бизнинг бу борадаги ибрат бўлгулик даҳоларимиздир.

Не тақдирки, биз Ватанини қайтадан овоз ва мустақил кўраймиз. Ҳаммамизнинг бахтимизга юртимиз камолга камол кўшилсин. Куч-ғайратимизни порлоқ келажакимиз учун сарфлаймиз. Мустақиллигимиз барқарор бўлсин илоҳим!

Абдугофур ҒАЙБУЛЛАЕВ,

Самарқанд кишлоқ хўжалиги институти доценти, фалсафа фанлари номзоди

Маълумки, собиқ совет ҳокимияти даврида миллий тилларнинг, жумладан, ўзбек тилининг ривожланиши, гуллаб-яшнаши учун давлат томонидан етарлича эътибор берилмай, аксинча, рус тилини ўргатиш биринчи ўринга қўйилиб, ўз она тилимиз турли йўллар билан камситилар эди. Холбуки, ўзбек тили бой ва қудратли, гўзал ва сержило тил сифатида жажонадаги бошқа кўп тиллардан асло қолишмайди. Буни, айниқса, сўз санъаткорларининг ўзлари чуқур хис этганлар ва тилимизнинг фазилатлари хақида катта ифтихор ва гурур билан ёзганлар.

Ўзбек тилининг бой ва қудратли тил экани хақида академик ёзувчи Ойбек ўзининг машҳур «Навой» романида бошқа тилларни ҳеч бир камситмаган ҳолда ўзбек тилини самимият билан улуғлаган эди. Ойбек асарнинг бош қахрамони номидан гапириб, «тилимизнинг афзаллиги биз учун улур ҳақиқатдир. Биз гўдақликда бу ҳақиқатнинг ишқини кўнглимизга жо қилганмиз, ўлганимизча сақлаймиз! Шаҳарларни, қишлоқларни, саҳро ва тоғларни тўлдирган эл-улусимиз, уруғ-аймоғимиз бор, унинг ўз завқи, фаҳми, идроки бор. Биз элимизнинг завқини, табиятини назарда тутиб, унинг ўз тилида қалам сурайликки, унинг кўнгли фикр гуллари билан тўлсин. Туркона соз билан тараннум этайликки, элнинг юраги мавжага келсин. Сўз гулшанидан ўзга эллар қаторида бизнинг элимиз ҳам баҳраманд бўлсин», — деб куйлаган эди.

Давлат тили муқаддасдир

ЎЗБЕК ТИЛИМ—

Сайдулла МИРЗАЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Турли даврларда яшаб ижод этган шоир ва адиблар ўзбек тилининг фазилатларини қайд қилиш билан кифояланмаганлир. Аксинча, улар турли жанрларда хилма-хил асарлар ёзиб, тилимизнинг хуси ва салобатини амалда намойиш этганлар. Аҳмад Яссавий, Навоий, Бобур, Нодира, Увайсий, Машраб, Муқимий, Фуркат, Завкий, А. Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаххор, Миртемир, Мирмуҳсин, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқа ёзувчиларнинг ажойиб асарлари ўзбек тилининг фазилатлари, имкониятлари чексиз-чегарасиз эканидан далолат берувчи жонли гувоҳдир. Шоиримиз Абдулла Орипов ана шу фазилату имкониятларини, ўзбек тилининг хар қандай фикр ва нозик туйғунини ифодалашга қодир эканини назарда тутиб, қуйидаги назмий хулосани яратган эди:

*Она тилим, сен борсан, шаксиз,
Билбд қуйин шеърэа соламан,
Сен йўқолган қуниг, шубҳасиз,
Мен ҳам гўти бўлиб қоламан.*

Ўзбек тили кадр-қимматининг баланглигини тасдиқловчи ва намойиш этувчи пурхикмат мисраларни шеъринимиздан яна кўплаб келтириш мумкин. Лекин, шуниси ачинарликки, турли даврларда улур мутафаккирлар, буюк ёзувчилар томонидан бой ва гўзал тил сифатида таърифланган ва амалда қайта-қайта исботланган она тилимиз узок йиллар давомида давлат тили мақомини олиш ҳуқуқидан маҳрум этилиб келинди. Бу адолатсизликдан халқимиз қанчалик азият чекмасин, қанчалик руҳан қийналмасин, тушқуликка тушмади. Келажакка қомил

ишонч билан қаради. Ўзбек тилининг давлат тили мақомини олишини орзу қилиб яшади ва бу йўлда изчил кураш олиб борди.

Ҳа, ўзбек тилининг қонуний ҳуқуқларини тиклаш ҳаракатида бутун халқ иштирок этди. Ёзувчилар, журналистлар, маданият, санъат ва илм-фан арбоблари эса бу ҳайрли ишда ҳам қарвонбоши бўлдилар. Улар жамиятни қайта қуриш даври шарофатларидан илҳомланган ҳолда мақсад сари дадил қадам ташладилар. Охир-оқибатда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ойбек, Усмон Носир каби қаламкашлар орузси, захматкаш халқимизнинг буюк орузси амалга ошди. 1989 йилда ўзбек тилига Давлат тили ҳуқуқи берилди. Жумҳурият Олий Кенгаши сессиясида бу ҳақда яқдиллик билан махсус Қонун қабул қилинди.

Халқимиз ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилишидан хар қанча шодланса, хар қанча фахрланса арзийди. Чунки, бу давлат аҳамиятига эга бўлган улкан сиёсий воқеа, тарихий ғалаба, буюк юрт сифатида халқимизнинг кўнглини кўтарди, юзини ёруғ қилди. Халққа, жамиятга жуда катта маънавий ва моддий фойда келтирди ва келтирмоқда.

Бугунликда ўз она тилини севган ва уни юксаликка кўтариб ардоқлаган инсонларга «миллатчи» деган машъум тамга боғланилади. Номигагина ўзбек бўлган, аслида ўз она тилини унутган, ўз она тилида ёзишни, ҳатто, гапиришни ҳам билмайдиган айрим ватандошларимизнинг кўзи очиб қўйлади. Дарҳақиқат, ҳаётда шундай ношуқур шахслар ҳам учрайдики, миллати ўзбек, лекин ўзбек тилини билмайди, билишни ҳам истамайди. Эндиликда бундай ҳол асло кеңирилмайди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Мирмуҳсин ёзганидек, «тилини сотмоқ жиноят ҳисобланади».

Эндиликда, катта-кичик йиғинларда, хусусан, илмий анжуманларда «барчага тушунарли бўлсин» деган баҳона билан ўзбек тилида маъруза қилишни чеклаш-чегаралаш ҳоллари барҳам топди. Мустақил овоз республикамизнинг барча фуқароларига истаган тилларида нутқ сўзлашга, маъруза қилишга тўлиқ эркинлик яратилди. Турли идораларга ариза билан мурожаат қилувчи фуқароларга таржимон излаб елиб-югуришга эҳтиёж, ортиқча сарф-харажат қилишга ҳожат қолмади. Чунки, ўзбек тилида ёзилган хар қандай ариза, мурожаатнома, билдириш хати ва бошқа мақтублар ҳамма жойда тўлигинча инобатга олинади. Худди шунингдек, жумҳуриятимиздаги турли идора ва ташкилотларнинг ўзаро алоқа хатлари, хусусан, юқорининг қуйи ташкилотларга юборадиган қарору буйруқлари, турли кўрсатмалари ўз она тилимизда ёзилган ва халққа ўзбекий забонда етказиладиган бўлди. Бу соҳада ҳам тежамкорликка, самардорликка ва ҳозиржавобликка кенг йўл очилди.

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганининг яна бошқа афзалликлари ҳам бор. Чунки, бу буюк воқеа туфайли тилимизнинг янада бойишига, гуллаб-яшнашига кенг имкониятлар, зарур шарт-шароитлар ҳозирланди. Ўтган қисқа давр ичиде тилимизда ҳаёт талабига кўра янги-янги сўз ва атамалар пайдо бўлди. Унутилган ёки унутилиши даражасига бориб етган кўплаб ўзбекча сўзлар ва иборалар қайтадан тикланди ва истеъмолга киритилди. Шунингдек, ўз сўзларимиз бор бўлган ҳолда чет эл сўзларини бўлар-бўлмагса яшилтиш ҳолларига чек қўйилди.

Бироқ, кези келганда шунини ҳам айтиш лозимки, сўнги вақтларда баъзан тилимизни бойитиш ва

унинг софлигини таъминлаш баҳонасида тушуни-
ли кийин бўлган ҳар хил сунъий сўз ва атамалар
ясашга уриниш ҳоллари ҳам сезилади.

Тўғри, янги сўзлар, янги атамалар яратишни ҳеч
ким маън этмайди. Лекин бунда ҳам қонун-қоида,
тартиб-меъёр бор ва улар сунъийликка эмас, табний-
ликка асосланади. Зотан, халққа тушунарли бўлган
ва тилимизга чуқур сингиб кетган сўз ва атамаларни
сунъий равишда ўзгартириш ва алмаштиришга ҳеч
қандай эҳтиёж йўқ. Ўзбекистон Республикаси Ата-
малар Давлат қўмитасининг ана шу мантиқ асосида
иш олиб бораётганлиги таҳсинга лойиқдир.

Шуни алоҳида қувонч билан кайд этиш лозимки,
ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши
адабиётнинг халққа янада яқин бўлишига, унинг
халқчиллигини, табийлигини, жонлигини оши-
ришига кўмаклашди ва кўмаклашмоқда. Шу билан
бирга, бадиний асарлар сифатининг яхшиланishiга
самарали таъсир этди ва этмоқда. Чунки, ёзувчилар-
римиз бадиний асарлар тилини ўз сўзларимиз ҳисо-
бига жонли халқ тили ҳазинасидаги ранг-баранг
бойликлари ҳисобига янада кўпроқ безаш имкони-
ятига ва ҳуқуқига эга бўлдилар.

Ўзбек тили ва адабиётида сўнги вақтларда юз
берган бундай ўсиш-ўзгаришларнинг ҳаммаси мам-
лакат мустақиллигининг шарофати, унинг ҳосиятли
самараси ва ёрқин нишонасидир, албатта. Бунинг
1993 йил апрель ойида Навоий шаҳрида «Давлат
тили ҳақидаги қонуннинг амалга оширишнинг дол-
зарб муаммолари» мавзуда ўтказилган жумҳурият
илмий-амалий анжумани ҳам тўлиқ тасдиқлади ва
маъноли эди.

Тўғри, ўзбек тилига Давлат тили мақоми бериш



тараккий эттириш учун катта маблаг сарфлаётган-
нида чуқур маъно ва кўп ҳикмат бор. Чунки, ёшлар-
ни хорижий мамлакатларда ўқитиш жумҳуриятимиз-
ни жаҳондаги сара илмларни, ноёб билимларни
мукаммал эгаллаган замонавий мутахассислар билан
етарли даражада таъминлашга қаратилган муҳим
тадбирдир. Давлат ва халқ ҳўжалиги ахамиятига
эга бўлган бу эзгу тадбирнинг яқин келажақда ўз
самараларини беришига шак-шубҳа йўқдир.

Умуман олганда, ўзга тилларни билиш қадим-
қадим замонлардан буён инсон учун фазилат сана-

Абу Абдуллох Муҳаммад
Ибн Исмоил Ал-Бухорий

Ҳадиси шарифдан

САЛОМ БЕРИШ
ИСЛОМ АМАЛЛАРИДАНДИР

Саҳоба Аммор айтганлар: Учта ҳислатни ўзида
муҳасан қилган кишининг иймони мукаммал бўл-
гайдир:

- инсофли ва адолатли бўлмоқ;
- барчага салом бермоқ;
- камбағаллигида ҳам садақа бериб турмоқ.

Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бир
киши сўради: «Исломида энг яхши қилганлар қайси-
дир?» Дедилар: «Очларга таом бермоқлик, таниган
ва танимаганга салом бермоқлик».

ЭРНИНГ ҚАДРИГА ЕТМАСЛИК
ҚУФРГА ЯҚИН НАРСАДИР

Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтди-
лар: «Менга дўзах кўрсатилди, қарасам, ундаги
одаларнинг кўли инкор қилувчи хотинлар экан».
Саҳобалар: «Оллоҳни инкор қилганми?» — деб сў-
радилар. «Эрнинг яхшилигини инкор қилганлар,
эрнинг қадрига етмаганлар. Агар буларнинг биттаси-
га бир умр яхшилик қилсанг-у, кейин сендан бир
кичик ёмонлик кўрсатса: «Сендан нима кўрдим, ҳеч
яхшилик кўрмадим», — деб айтадир», — деб жавоб
бердилар.

МУНОФИҚНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Жаноб Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам:
«Мунофиқнинг учта аломати бор: сўзласа, ёлгон
сўзлар; ваъда қилса, бажармас; омонатга хиёнат
қилур», — деганлар.

Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтган-
лар: «Кўйидаги тўртта ҳислат кимда бўлса, аниқ
мунофиқ бўлгандир, кимдаки улардан биттаси бўл-
са, уни тарк этмагунча мунофиқликдан бир ҳислати
бор экан, дейиладир:

- омонатга хиёнат қилгандир;
- сўзласа, ёлгон сўзлагандир;
- шартнома тузса, шартда турмайдир;
- уришиб қолса, кек сақлагандир ва ноҳақлик
қилгандир».

ИЛМ ФАЗИЛАТИ ТУҒРИСИДА

Оллоҳ таоло ояти қаримасида: «Оллоҳ таоло
сизларнинг орангиздаги иймон келтирганларни ва
илмни юксалтирганларни бу дунёда ярақлаб, мар-
табасини улуг қилгандир, охирада жаннатга кир-
моқликни насиб этгусидир. Оллоҳ таоло қилаётган
ишларингиздан хабардордир», — дейилган. Яна
бошқа ояти қаримада эса: «Е раббий, илмимни зиёда
қилгайсен, деб айт!» — дейилган.



ЖОН ДИЛИМ

ҳақидаги қонун ҳамма жойда бирдек юқори дара-
жада ҳаётга жорий этилаётгани йўқ. Бу соҳада
нуқсонлар ҳам бор; бажарилгани шарт бўлган, аммо
халигача бажарилмаган юмушлар, ечилмаган му-
аммолар ҳам мавжуд. Баъзи идоралар хозирги кун-
ларда ҳам ўз ҳужжатларини ўзбек тилида расмий-
лаштиришни одат тусига киритгани йўқ. Айрим ви-
лоят ва шаҳарларда бошқа миллатга мансуб ҳам-
юртларимизга ўзбек тилини ўргатиш иши анча сус-
тормоқда. Бу ишда аниқ изчиллик, қатъиятлик
етишмайди. Шунингдек, мавзуга доир илмий ада-
биётлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари кам то-
пилади.

Бундан ташқари, ёшларнинг бошқа тилларни
ўрганишини ҳам тубдан яхшилаш ва уни хозирги
кун талаблари даражасига кўтариш лозим. Дар-
ҳақиқат, бошқа тилларни билишнинг ахамияти кат-
та. Бу ишот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Шун-
дай экан, ёшларимиз ўз она тилини мукаммал би-
лиш билан бирга, инглиз, рус, немис, француз, араб,
форс сингари чет тилларини пухта ўргансалар нур
устига аъло нур бўлади. Айниқса, хозирги вақтда,
Ўзбекистон мустақил жумҳурият сифатида чет мам-
лакатлар билан иқтисодий, сиёсий, маданий ва дипло-
матик алоқаларни кенг миқёсда йўлга қўйишга
ва мустақамлашга бел боғлаган бир пайтда, чет
эл тилларини мукаммал билишнинг ахамияти катта-
дир.


Чет тилини билмасдан хорижий мамлакатлардаги
ишбилармонлар билан беvosита алоқа қилиш, ху-
нар ўрганиш, иш битириш, савдо — тижорат иш-
ларини йўлга қўйиш мушкул. Ана шунинг учун ҳам
Президентимиз Ислам Каримов бошлиқ Ўзбекистон
ҳукуматининг жуда кўп ёшларни чет элларга ўқини-
шга юбориш йўли билан етак мутахассислар тайёр-
лашга махsus эътибор бераётганлиги ва бу соҳани

либ келинади. Чунки, улар ўзга тилларни билишни
халқларни бир-бирга яқинлаштириш, халқлар
дўстлигини вужудга келтириш ва мустаҳкам воси-
таси деб билганлар. Шунингдек, тил билишни жа-
ҳондаги маънавий-маданий бойликларни, илғор
билимларни эгаллашнинг қайнати деб ҳисоблаган-
лар. Масалан, машҳур халқпарвар шоир Аваз
Утар ўғли «Тилни фойдали қондир» деб атаган ва
ёшларга мурожаат қилиб, уларни чет тилини ўр-
ганишга ҳақирган:

*Ғайри тилини савби қилинг билгали ёшлар,
Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек...
хор бўлмасин онлар доғи тил билмай Аваздек
Тил билмаганидан они бағри тўла қондир.*

Мумтоз адабиётимизда бўлган ўзга тилларни
ўрганишга даъват этиш анъанаси хозирги замон
ўзбек адабиётинида изчил давом эттирилмоқда ва
ишодий ривожлантирилмоқда. Зотан, ижодкорлар-
римиз инсоният томонидан узок асрлар давомида
яратилган ва авлоддан авлодга ўтган сари сайқал-
лашиб, бойитилиб келинган тилини буюк кашфиёт —
мўъжиза деб билдилар. Тил ўзаро алоқа қуроли
бўлиш билан бирга, «етти иқлим маърифат дара-
ридан баҳраманд бўлишнинг энг ишончли воситаси
эканини чуқур идрок этидилар.

Хуллас, азиз ватандошлар! Ўз она тилимизни
севиб, ардоқлаб ўрганиш билан бирга, ўзга халқ-
лар тилларига самимий, дўстона муносабатда бўлиб,
уларни ҳам кунт ва ихлос билан ўрганиш лозим.
Бу ҳаёт талаби ва тараккиёт омилдир. Ўзбек ти-
лига Давлат тили мақомини бериш ҳақидаги Қо-
нуннинг асл маъноси ва туб моҳияти ҳам ана шунда.
Бунинг хозирги адабий жараён ҳам тўлиқ тасдиқлайди
ва қўллаб-қувватлайди.



Қалб қўри билан

Ҳар бир мустақил Давлатнинг фукароси қалбида Ватанга муҳаббат туйғуси устивор бўлиши керак. Аввало, бу муҳаббат нималарда зухур бўлади. Фуқаро шу юртининг Конституциясини, тугини, тамғасини, мадҳиясини, қолаверса ўзи сайлаган Президентини чап кўксига уриб турган юрак қадар севиши, ардоқлаши керак. Уларга бўлган эътиқоди ва садоқати заррача сохта бўлмаслиги лозим. Шундагина у шу мамлакатнинг бир бўлагига, бир томчи қонига, уриб турган жонига айланади. Шундагина у Ватанини кўз қорачигидай ардоқлай олади.

Биз азиздан Ватан тупроғига жон риштамиз билан боғланиб келган халқимиз. Ватан тупроғини кўзга суртиб, уни қорачиги каби асраган, унинг шаънини жаҳондари танитган буюк Амур Темур, Мирзо Улуғбекдек, шу тупроқдан олинсаларда, Ватан ден афғон чеккан Шох Бобур сингари боболаримиз бизнинг бу борадаги ибрат бўлгулик даҳоларимиздир.

Не тақдирки, биз Ватанини қайтадан озод ва мустақил кўраётимиз. Ҳаммамизнинг бахтимизга юртимиз камолига камол қўшилсин. Куч-ғайратимизни порлоқ келажакимиз учун сарфлаймиз. Мустақиллигимиз барқарор бўлсин илоҳим!

Абдуғофур ҒАЙБУЛЛОЕВ,
Самарқанд кишлоқ ҳўжалиги институти
доценти, фалсафа фанлари номзоди

Маълумки, собиқ совет ҳокимияти даврида миллий тилларнинг, жумладан, ўзбек тилининг ривожланиши, гуллаб-яшнаши учун давлат томонидан етарлича эътибор берилмай, аксинча, рус тилини ўргатиш биринчи ўринга қўйилиб, ўз она тилимиз турли йўллар билан камситилар эди. Холбуки, ўзбек тили бой ва қудратли, гўзал ва сержило тил сифатида жаҳондаги бошқа кўп тиллардан асло қолишмайди. Буни, айниқса, сўз санъаткорларнинг ўзлари чуқур хис этганли ва тилимизнинг фазилатлари ҳақида катта ифтихор ва гурур билан ёзганлар.

Ўзбек тилининг бой ва қудратли тил экани ҳақида академик ёзувчи Ойбек ўзининг машҳур «Навой» романида бошқа тилларни ҳеч бир камситмаган ҳолда ўзбек тилини самимият билан улуғлаган эди. Ойбек асарнинг бош қаҳрамони номидан гапириб, «тилимизнинг афзаллиги биз учун улуг ҳақиқатдир. Биз гўдақликда бу ҳақиқатнинг ишқини кўнгилмизга жо қилганмиз, ўлганмизча сақлаймиз! Шаҳарларни, қишлоқларни, сахро ва тоғларни тўлдирган эл-улусимиз, уруғ-аймоғимиз бор, унинг ўз завқи, фаҳми, идроки бор. Биз элимизнинг завқини, табиятини назарда тутиб, унинг ўз тилида қалам сурайликки, унинг кўнгли фикр гуллари билан тўлсин. Туркона соз билан таранум этайликки, элнинг юраги мавжга келсин. Сўз гулшанидан ўзга эллар қаторида бизнинг элимиз ҳам баҳраманд бўлсин», — деб куйлаган эди.

Давлат тили муқаддасдир

ЎЗБЕК ТИЛИМ—

Сайдулла МИРЗАЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Турли даврларда яшаб ижод этган шоир ва адиблар ўзбек тилининг фазилатларини қайд қилиш билан кифояланмаганлар. Аксинча, улар турли жанрларда қилма-хил асарлар ёзиб, тилимизнинг хусни ва салобатини амалда намойиш этганлар. Аҳмад Яссавий, Навоий, Бобур, Ноҳири, Увайсий, Машраб, Муқимий, Фурқат, Завкий, А. Қодирий, Чўпон, Ойбек, Ғафур Ғулум, Хамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Мирмуҳсин, Саид Аҳмад, Одиладдин Ёқубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқа ёзувчиларнинг ажойиб асарлари ўзбек тилининг фазилатлари, имкониятлари чексиз-чегарасиз эканидан далолат берувчи жонли гувоҳдир. Шонимиз Абдулла Орипов ана шу фазилату имкониятларини, ўзбек тилининг ҳар қандай фикр ва нозик туйғунини ифодалашга қодир эканини назарда тутиб, қуйидаги назмий хулосани яратган эди:

*Она тилим, сен борсан, шаксиз,
Булбул қийиш шеърга соламан.
Сен йўқолган қуниг, шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан.*

Ўзбек тили кадр-қимматининг баянлигини тасдиқловчи ва намойиш этувчи пурҳикмат мисраларни шеърятимиздан яна қўлаб келтириш мумкин. Лекин, шуниси ачинарлики, турли даврларда улуг мутафаккирлар, буюк ёзувчилар томонидан бой ва гўзал тил сифатида таърифланган ва амалда қайта-қайта исботланган она тилимиз узок йиллар давомида давлат тили макomini олиш ҳуқуқидан маҳрум этилиб келинди. Бу адолатсизликдан халқимиз қанчалик азият чекмасин, қанчалик руҳан қийналмасин, тушқунликка тушмади. Келажакка қомил

ишонч билан қаради. Ўзбек тилининг давлат тили макomini олишини орозу қилиб яшади ва бу йўлда изчил кураш олиб борди.

Ҳа, ўзбек тилининг қонуний ҳуқуқларини тиклаш ҳаракатига бутун халқ иштирок этди. Ёзувчилар, журналистлар, маданият, санъат ва илм-фан арбоблари эса бу хайрли ишда ҳам қарвонбоши бўлдилар. Улар жамиятни қайта қуриш даври шарофатларидан илхомланган ҳолда мақсад сари дадил қадам ташладилар. Охир-оқибатда Абдулла Қодирий, Чўпон, Фитрат, Ойбек, Усмон Носир каби қаламкашлар орозуси, захматкаш халқимизнинг буюк орозуси амалга ошди. 1989 йилда ўзбек тилига Давлат тили ҳуқуқи берилди. Жумҳурият Олий Кенгаши сессиясида бу ҳақда яқдиллик билан махсус Қонун қабул қилинди.

Халқимиз ўзбек тилига Давлат тили макомининг берилишидан ҳар қанча шодланса, ҳар қанча фахрланса арзийди. Чунки, бу давлат аҳамиятига эга бўлган улкан сиёсий воқеа, тарихий ғалаба, буюк юрт сифатида халқимизнинг кўнглини кўтарди, юзини ёруғ қилди. Халққа, жамиятга жуда катта маънавий ва моддий фойда келтирди ва келтирмоқда.

Бугунликда ўз она тилини севган ва уни юксалликка кўтариб ардоқлаган инсонларга «миллатчи» деган машҳур тамға босилмайди. Номигагина ўзбек бўлган, аслида ўз она тилини унутган, ўз она тилида ёзишни, ҳатто, гапиришни ҳам билмайдиган айрим ватандошларимизнинг кўзи очиб қўйилади. Дарҳақиқат, ҳаётда шундай ношуқур шахслар ҳам учрайдики, миллият ўзбек, лекин ўзбек тилини билмайди, билишни ҳам истамайди. Эндиликда бундай ҳол асло кечирилмайди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси

унинг софлигини таъминлаш баҳонасида тушунилиши қийин бўлган ҳар хил сунъий сўз ва атамалар ясашга уриниш ҳоллари ҳам сезилади.

Тўғри, янги сўзлар, янги атамалар яратишни ҳеч ким маън этмайди. Лекин бунда ҳам қонун-қонда, тартиб-меъёр бор ва улар сунъийликка эмас, табиийликка асосланади. Зотан, халққа тушунарли бўлган ва тилимизга чуқур сингиб кетган сўз ва атамаларни сунъий равишда ўзгартириш ва алмаштиришга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Ўзбекистон Республикаси Атамалар Давлат қўмитасининг ана шу мантқ асосида иш олиб бораётганлиги таҳсинга лойиқдир.

Шуни алоҳида қувонч билан қайд этиш лозимки, ўзбек тилига Давлат тили макомининг берилиши адабиётнинг халққа янада яқин бўлишига, унинг халқчилигини, табиийлигини, жонлигини оширишига кўмаклашди ва кўмаклашмоқда. Шу билан бирга, бадий асарлар сифатининг яхшиланishiга самарали таъсир этди ва этмоқда. Чунки, ёзувчиларимиз бадий асарлар тилини ўз сўзларимиз ҳисобига жонли халқ тили хазинасидаги ранг-баранг бойликларни ҳисобига янада кўпроқ беъаҳ имкониятига ва ҳуқуқига эга бўлдилар.

Ўзбек тили ва адабиётда сўнги вақтларда юз берган бундай ўсиш-ўзгаришларнинг ҳаммаси мамлакат мустақиллигининг шарофати, унинг хосиятли самараси ва ёрқин нишонасидир, албатта. Буни 1993 йил апрель ойида Навоий шаҳрида «Давлат тили ҳақидаги қонуннинг амалга оширишнинг долзарб муаммолари» мавзусида ўтказилган жумҳурият илмий-амалий анжумани ҳам тўлиқ тасдиқлади ва намойиш этди.

Тўғри, ўзбек тилига Давлат тили макомини бериш



тараккий эттириш учун катта маблағ сарфлаётганида чуқур маъно ва кўп ҳикмат бор. Чунки, ёшларни хорижий мамлакатларда ўқитиш жумҳуриятимизни жаҳондаги сара илмларни, ноёб билимларни мукамал эгаллаган замонавий мутахассислар билан етарли даражада таъминлашга қаратилган муҳим тадбирдир. Давлат ва халқ ҳўжалиги аҳамиятига эга бўлган бу эзгу тадбирнинг яқин келажакда ўз самараларини беришига шак-шубҳа йўқдир.

Умуман олганда, ўзга тилларни билиш қадим-қадим замонлардан буён инсон учун фазилат сана-

Абу Абдуллох Муҳаммад
Ибн Исмоил Ал-Бухорий

Ҳадиси шарифдан

**САЛОМ БЕРИШ
ИСЛОМ АМАЛЛАРИДАНДИР**

Саҳоба Амрор айтганлар: *Учта хислатни ўзида мужассам қилган кишининг иймони мукамал бўлгандир:*

- инсофли ва адолатли бўлмоқ;
 - барчага салом бермоқ;
 - қамбағалликда ҳам садақа бериб турмоқ.
- Расулulloх саллalloху алайҳи ва салламдан бир киши сўради: «Исломида энг яхши хислатлар қайси-дир?» Дедилар: «Очарга таом бермоқлик, таниган ва танимаганга салом бермоқлик».

**ЭРНИНГ ҚАДРИГА ЕТМАСЛИК
ҚУФРГА ЯҚИН НАРСАДИР**

Расулulloх саллalloху алайҳи ва саллам айтдилар: «Менга дўзах кўрсатилди, қарасам, ундаги одамларнинг кўпи инкор қилувчи хотинлар экан». Саҳобалар: «Оллоҳни инкор қилганми?» — деб сўрадилар. «Эрнинг яхшилигини инкор қилганлар, эрнинг қадрига етмаганлар. Агар буларнинг биттасига бир умр яхшилик қилсанг-у, кейин сендан бир кичик ёмонлик кўрс: «Сендан нима кўрдим, ҳеч яхшилик кўрмадим», — деб айтадир», — деб жавоб бердилар.

МУНОФИҚНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Жаноб Расулulloх саллalloху алайҳи ва саллам: «Мунофиқнинг учта аломати бор: сўзласа, ёлгон сўзлар; ваъда қилса, бажармас; омонатга хиёнат қилур», — деганлар.

Расулulloх саллalloху алайҳи ва саллам айтганлар: «Қуйидаги тўртта хислат кимда бўлса, аниқ мунофиқ бўлгандир, кимдаки улардан биттаси бўлса, уни тарк этмагунча мунофиқликдан бир ҳислати бор экан, дейилайди:

- омонатга хиёнат қилгандир;
- сўзласа, ёлгон сўзлагандир;
- шартнома тузса, шартда турмайдир;
- уришиб қолса, кек сақлагандир ва ноҳақлик қилгандир».

ИЛМ ФАЗИЛАТИ ТУҒРИСИДА

Оллоҳ таоло ояти қаримасида: «Оллоҳ таоло сизларнинг орангиздаги иймон келтирганларни ва илми юксалтирганларни бу дунёда ярақлаб, мартабасини улуг қилгандир, охирада жаннатга кирмоқлики насиб этгусидир. Оллоҳ таоло қилаётган ишларингиздан хабардордир», — дейилган. Яна бошқа ояти қаримада эса: «Е раббий, илмимни зиёда қилгайсен, деб айт!» — дейилган.



ЖОН ДИЛИМ

ҳақидаги қонун ҳамма жойда бирдек юкори даражада ҳаётга жорий этилаётгани йўқ. Бу соҳада нуқсонлар ҳам бор: бажарилиш шарт бўлган, аммо ҳалигача бажарилмаган юмушлар, ечилмаган муаммолар ҳам мавжуд. Баъзи идоралар хозирги кунларда ҳам ўз ҳужжатларини ўзбек тилида расмийлаштиришни одат тусига киритгани йўқ. Айрим вилоят ва шаҳарларда бошқа миллатга мансуб ҳам-юртларимизга ўзбек тилини ўргатиш иши анча суст бормоқда. Бу ишда аниқ изчиллик, қатъиятлик этишмайди. Шунингдек, мавзуга доир илмий адабиётлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари кам топиллади.

Бундан ташқари, ёшларнинг бошқа тилларни ўрганишини ҳам тўбдан яхшилаш ва уни хозирги кун талаблари даражасига кўтариш лозим. Дарҳақиқат, бошқа тилларни билишнинг аҳамияти катта. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Шундай экан, ёшларимиз ўз она тилини мукамал билиш билан бирга, инглиз, рус, немис, француз, араб, форс сингари чет тилларини пухта ўргансалар нур устига аъло нур бўлади. Айниқса, хозирги вақтда, Ўзбекистон мустақил жумҳурият сифатида чет мамлакатлар билан иқтисодий, сиёсий, маданий ва дипломатик алоқаларни кенг микёсда йўлга қўйишга ва мустаҳкамлашга бел боғлаган бир пайтда, чет эл тилларини мукамал билишнинг аҳамияти каттадир.

Чет тилини билмасдан хорижий мамлакатлардаги ишбилармонлар билан бевоқиф алоқа қилиш, хунар ўрганиш, иш битириш, савдо — тижорат ишларини йўлга қўйиш мушкул. Ана шунинг учун ҳам Президентимиз Ислам Қаримов бошлиқ Ўзбекистон ҳукуматининг жуда кўп ёшларни чет элларга ўқишга юбориш йўли билан етук мутахассислар тайёрлашга махсус эътибор бераётганлигида ва бу соҳани

либ келинади. Чунки, улар ўзга тилларни билишни халқларни бир-бирига яқинлаштириш, халқлар дўстлигини вужудга келтириш ва мустаҳкам воситаси деб билганлар. Шунингдек, тил билишни жаҳондаги маънавий-маданий бойликларни, илғор билимларни эгаллашнинг қалити деб ҳисоблаганлар. Масалан, машҳур халқларвар шоир Аваз Утар ўғли «Тилини фойдали қондир» деб атаган ва ёшларга мурожаат қилиб, уларни чет тилини ўрганишга чақирган:

*Ғайри тилини сазойи қилинг билгали ёшлар,
Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек...
Хор бўлмасин онлар доғи тил билмай Аваздек
Тил билмаганидан они бағри тўла қондир.*

Мумтоз адабиётимизда бўлган ўзга тилларни ўрганишга даъват этиш аънаъаси хозирги замон ўзбек адабиётинида изчил давом эттирилмоқда ва ижодий ривожлантирилмоқда. Зотан, ижодкорларимиз инсоният томонидан узок асрлар давомида яратилган ва авлоддан авлодга ўтган сари сайқаллашиб, бойитилган келинган тилни буюк кашфиёт — мўъжиза деб билдилар. Тил ўзаро алоқа қуроли бўлиш билан бирга, кетти иқлим маърифат даражасидан баҳраманд бўлишнинг энг ишончли воситаси эканини чуқур идрок этдилар.

Хуллас, азиз ватандошлар! Ўз она тилимизни севиб, ардоқлаб ўрганиш билан бирга, ўзга халқлар тилларига самимий, дўстона муносабатда бўлиб, уларни ҳам кунт ва ихлос билан ўрганиш лозим. Бу ҳаёт талаби ва тараккиёт омилдир. Ўзбек тилига Давлат тили макомини бериш ҳақидаги Қонуннинг асл маъноси ва туб моҳияти ҳам ана шунда. Буни хозирги адабий жараён ҳам тўлиқ тасдиқлайди ва қўллаб-қувватлайди.



Академик Ҳалим Усмонхўжаев (чапдан биринчи) Нарпай туманидаги Ислоом шоир номи давлат хўжалиги пахтакорлари даврасида.

ТЕХНИКА ДЕҲҚОН ТАЯНЧИ

Яқин ўтмишда Ўзбекистон пахта етиштиришда собиқ СССРда асосий хом ашё базасига айланиб қолган эди. Мустақиллик шарофати билан ўзимизда етиштирилган ўша хом ашёни, қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ҳолатига келтириш имконига эга бўлдик.

Эндликда пахтаимизни асосий даромад манбаига айлантириш учун истиқболли режалар асосида бор имкониятлардан фойдаланяймиз. Етиштираётган пахта ҳосилини харидоргир, турли-турфа маҳсулотларга айлантириб сотиш йўлга қўйилмоқда. Давлатимиз раҳбарияти саноатда энг аввало энгил саноат мажмуини яратишга алоҳида эътибор бераётди. Шу мақсадда чет эл жиҳозлари билан таъминланган корхоналар ҳамда хорижий шериклар билан ҳамкорликда қўшма энгил саноат корхоналари тизими пайдо бўлмоқда. Пахта саноатини умумлашган саноатга айлантириш, иқтисодиётимизни ривожланган мамлакатлар даражасига етишига кўмак беради. Шу босқандан бугун пахта етиштираётган деҳқонлар ҳам умид ва ишонч билан меҳнат қилмоқдалар. Қисқаси бир вақтлар сохта тил учуда айтилган — «пахта бизнинг бойлигимиз» ибораси ҳақиқатга айланмоқда.

Бугунги долзарб вазифамиз эса Ўзбекистон мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш учун деҳқончиликни юксак даражага кўтарийдир. Бунинг учун энг аввало деҳқончилик соҳасига оид техника ва механизмларни такомиллаштириш талаб қилинади.

Маълумки, деҳқончиликда пахтачилик энг иқтисодий самарали соҳалардан биридир. Миллий бойлигимиз пахта ҳосили йил давомида пешона тери, қалб кўри эвазига етиштирилади. Етиштирилган ҳосил ўз вақтида йиғиб-териб олинмаса ёки сал шижоат бўшаштирилса мавжуд етиштирилган ҳосилнинг кўп қисми нобуд бўлиши мўқаррар. Табиат инжиқликлари, шунингдек ёгингарчиликлар нати-

жасида ҳам ҳосил чўғи пасайиб кетиши мумкин. Шундай вақтда мукаммал машина механизмлар яъни деҳқонга кўмакдош «темир бармоқлар» зарур. Ҳозирда Ўзбекистон бўйича етиштирилаётган 1 миллион 600 минг гектар ердаги салкам 3 миллион тонна ҳосил яъни 77 фоизи механизмлар ёрдамида йиғиштириб олинмоқда. Албатта бу кўрсаткич бундан ҳам юқори бўлса қандай яхши. Қўл меҳнати бироз бўлса-да қамарди. Лекин, афсуски ҳозирча деҳқонларимизнинг пахта терим машиналарининг иш унуми ва сифатидан кўнгиллари тўлаётгани йўқ.

Шу босқандан олимларимиз, ихтирочиларимиз пахта терим машиналарининг янги турларини яратиш соҳасида ижод ва изланишни давом эттирмоқдалар. Бу соҳанинг етук олимларидан Беруний мукофоти совриндорлари, академик Ҳалим Усмонхўжаев, техника фанлари доктори Ғайрат Қўзйбоев, техника фанлари доктори Қўрқмас Иноғомов, Иноят Файзиев, Нортжой Баратов сингариларининг беминнат хизматларини айтмай ўтиш мумкин бўлмас. Қолаверса улар республикамизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, қишлоқ хўжалигини самарадорлиги юқори бўлган техника ва механизмлар билан қуроллантириш давр талаби эканлигини кўра билган эдилар.

Ҳозир пахтачилик техникасидаги бош муаммо пахта терим механизмларининг унумдорлик ва сифат даражасини оширувчи «темир бармоқлар» яъни урчуқлар (шпинделлар)нинг сифат даражасини оширишдир. Масалан, пахта терим машиналарида шу вақтгача 1800 граммлик урчуқлар ишлатилиб келинарди. Биз яқинда яратган янги урчуқлар эса 1200 граммлик бўлиб ҳар бир терим агрегатининг вазини 90—100 килограммга қамайтиради. Эндликда ана шундай, иш унумдорлигини оширадиган янги мосламаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун Тошкент қишлоқ хўжалиги машиналари заво-

дига бюуртомалар берилди. Ҳозирги мавжуд пахта терим машиналарининг асосий қусури, чаноқдаги толаннинг бир қисмини эгатга сочиб кетиши, кўпдан бери ўз ечимини кутаётган муаммолардан бири бўлиб келмоқда.

Маълумки пахта терим механизмлари мураккаб техника воситаси сифатида алоҳида ажралиб туради. Шу босқандан ҳам шу туркумдаги механизмларни ишлаб чиқариш асосан икки мамлакатда Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистонда йўлга қўйилган. Жаҳоннинг бу икки давлатида ишлаб чиқарилаётган бугунги пахта терим агрегатлари бир-биридан асосан, ўша урчуқларнинг ерга нисбатан жойлашган ҳолати билан фарқ қилади. Америка пахта терим машиналарининг урчуқлари ерга нисбатан кўндаланг ҳолатда жойлашган. Бизники эса тик ҳолатда ўрнатилган. Америка машиналарининг урчуқлари қалта ва эгилувчан, Ўзбекистонники эса узун ва айлана шаклида. Уларнинг ҳаракатлини механизми ҳам бир-биридан фарқ қилади. Мисол учун Америка агрегатларида урчуқлар жуда мураккаб фазовий кучлини механизми орқали ҳаракатга келади. Бизда эса ушбу «темир бармоқлар» содда ва оддий механизм орқали ҳаракатланади. Лекин ҳар икки хилдаги урчуқлар ҳам бир хил вазифаларни бажаради. Мавжуд терим механизмларининг арзон, қимматлиги, иш унумдорлиги, ҳосилини нобудгарчиликсиз, сифатли териб олиш хусусиятлари кўп жиҳатдан ана шу машиналарининг нечоғлик мукаммал ишланганлигига боғлиқ.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган терим машиналари анча арзон ва харидоргирдир. Бунинг боиси улар Америка машиналарига нисбатан унумдор бўлиши билан бирга содда ва мукаммал ишланганлигидадир. Бир неча йил муқаддам Бразилия пахтазорларида пахта етиштириш билан шуғулланадиган 400 фермер иштирокида икки қаторли «Ўзбекистон» маркали пахта терим машинаси билан Американинг «Жон-Дир» фирмаси ишлаб чиқарган машинанинг иш жараёнини қиёсий таққослаш вақтида бу фарқлар тўла-тўқис исботини топган. 1200 граммли урчуқлар ўрнатилган «Ўзбекистон» машинаси барча техник хусусиятлари ва иш унумдорлиги жиҳатидан Америка машиналаридан 37—40 фоиз устун эканлиги қайд этилади. Уша тажрибада синаб кўрилган пахта терим машиналарига эндликда ишлаб чиқаришга тадбиқ этилаётган янги таркибий урчуқлар ўрнатилган эди.

Ана шундай урчуқлар ўрнатилган тўрт қаторли 14ХВ—2,4 «Ўзбекистон» маркали машиналар ўтган йили Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги «Қовунчи» жамоа хўжалигида ҳамда Нарпай туманидаги Ислоом шоир номи давлат хўжалиги пахтазорларида муваффақиятли синовдан ўтди. Масалан, Ислоом шоир давлат хўжалигида механик ҳайдовчи Ғайбулла Қўлдошев шундай урчуқлар ўрнатилган машина билан биринчи теримда 185, иккинчи теримда 30 тонна пахта терди. Утказилган тажрибадан маълум бўлдики, 4500 тонна пахта етиштирилаётган хўжаликдаги ҳосилини йиғиштириб олишга 18 та шундай машина мўқабил экан. Ушбу агрегатлар ёрдамида 25 кун ичда хўжаликдаги ҳосилни тўлиқ йиғиштириб олиш мумкин. Эндликда пахта хом ашёсини қўлда терилгандан фарқ қилмайдиган даражада йиғиштириб оладиган техникаларни яратишни мўлжалламоқдамиз. Бунинг учун асос бор. Айни пайтда эса ана шу механизмлардан пахтани ажратадиган қил чўткалар ўрнига ўрнатиладиган гиперболоик ажраткичлар ҳам яратилди. Бу янгилик билан терим машиналари янада такомиллаштирилади. Энг муҳими, бу янгилик келажакда ғузани баргини тўктириш учун ишлатилмайдиган захарли дорилардан фойдаланишга чек қўйиш мумкин. Лекин хом ашё, пахтани машина билан теришда ҳосилни тўқмасдан йиғиштириб олиш бош муаммолигича қолмоқда. Шу йўналишда биз олим ва ихтирочилар терим жараёнида бир йўла тўқилган пахтани йиғиштириб бункерга узатадиган мослама яратдик. Бу мосламалар Урта Осиё қишлоқ хўжалиги механизациялаш ва электрлаштириш тадқиқот институтида муваффақиятли синовдан ўтди. Лекин ҳали бу соҳада муаммолар барҳам топди, дейишга эрта, эндликда пахта хом ашёсини етиштириш билан бирга уни қайта ишлаш саноатини барпо этиш тўғрисида ўйлашимиз зарур. Бунинг учун янги-янги техника ва механизмлар турларини яратиш билан бир қаторда уларни ишлатишга қодир мутахассисларни тарбиялаш вожага етказиш бугун жуда зарур.

Абдуназар НУРМАТОВ,
тадқиқотчи

Йўнғичқани йўқ қиламизми?

Ҳозирги бозор шароити ўз қонун-қоидаларига деҳқонни ҳам бўйсундирмоқда. Деҳқонлар ҳозир оз меҳнат сарф қилган ҳолда кўпроқ маҳсулот олишга, бозори чаққон экинларни экишга ҳаракат қилишяпти. Мана, ғаллани олайлик, харид нархи қарийб уч барабарга ошди, етиштириши ҳам йўнғичқанинг уруғига нисбатан анча енгил, бир марта экасиз, озиқлантирасиз, пишгандан кейин ўриб оласиз. Бу билан мен ғаллакорнинг меҳнатини ерга урмоқчи эмасман. Лекин, ҳар ҳолда, йўнғичқа уруғи етиштиришга нисбатан бирмунча енгилроқ. Ахир унинг уруғини тайёрлаш учун қанчадан-қанча қийинчиликларни бошдан кечирасиз. Қум заррасидек кўнғир яшил уруғни олиш учун қанча жон куйдириш керак. Ураётган чоғда комбайн ғаладонига игнадек тешик бўлса тўкилади. Автомашинна билан ҳирмонжойга ташиш-чи, унча-мунча ёриқларга тақилган ҳимояловчи воситанинг орасидан ҳам ўтиб кетаверади. Неча маротаба ғалвирдан ўтказасиз, шамолга совурасиз, шундан кейингина уруғлик тайёр бўлади. Тўланадиган ҳақиқа келганда, аттанг бошқа экин эканимизда бунча даромад қилган бўлардик, деб қоласиз.

Энди бу деҳқонларнинг гаплари. Лекин йўнғичқа уруғининг замирида чорва учун тенгсиз озуқа, ер учун малҳам табиатга гўзаллик, даладар учун кўрк яшириниб ёганини ҳеч ҳис қилганмисиз? Тасаввур қилинг, эрта тонг билан тиззага урадиган, тунги шабнамлар кўнган, қарасангиз, кўзни яшилги билан қувонтирадиган бедазордан кетаяпсиз. Оёғингиз тагидаги гиёҳларга эътибор қилганмисиз, табиатда йўқлиб бораётган ҳамма наботот шу ерда-ку! Туятовон дейсизми, қоқи, яшил нўхат, исмалоқ, анзур пёизи, ота соқол... Кўққисдан оёғингиз остидан беданалар потирлаб учиб қолади. Туроб ота айтгучи эди, йўнғичқанинг орасида ухлаб юрган одамнинг умри 10—15 йилга узаяди, деб... Фақатгина шуми? Бошқа бир кексанинг айтишига қараганда, йўнғичқа алмашлаб экиннинг асоси, пахтанинг эса тенги йўқ йўлдоши. Теварак-атрофимиз — табиатимиз ифлосланиб, ҳар гектар ерга 50—55 килограмдан кимёвий ўғит солиниб, бемор бўлиб қолган заминимизни йўнғичқа даволамаса, бошқа «шифокор» бу ишни қилолмайди. Йўнғичқа чорва моллари учун гоаят хушхўр

озуқа ҳисобланади. Йўнғичқа турган ерда чорва емга қарамай қўяди, чунки унинг таркибида пичан ҳолатида бўлса 12—16 фоиз оқсил, минерал моддалар, турли дармондорилар бор. Олимларнинг айтишларига қараганда, икки килограмм йўнғичқа бир килограмм сулга тенг. Бир килограмм бедада 36 грамм протейин моддаси бор.

Бозор иқтисоди тўғайли минерал ўғитларнинг нархи осмонга чиқиб кетган бир пайтда йўнғичқанинг ерни бойитишдаги имкониятларини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Тупроқни азот ўғитига бойитишда йўнғичқанинг олдига тушадигани йўқ. Ерининг физик ва кимёвий ҳолатларини яхшилашда, микроорганизмларнинг фаолиятини кучайтиришдаги хизматларини унутмайлик. «Дўстлик» туманидаги «Дўстлик» жамоа ширкатининг бўлим бошқарувчиси Оқбула ака Тўйчиевнинг гапига қараганда, ҳатто минерал ўғит солиб ҳам пахта ҳосилдорлигини пахта-беда алмашлаб экиш даражасига етказиш қийин экан. Қарийб қирқ йилдан бери пахтачилик билан шугулланиб келаётган бу оқсоқол Сирдарё худудларида меҳнат қилиб, беда-пахта алмашлаб экишни йўлга қўйгани учун баъзи йиллари ҳатто 45 центнердан ҳосил олган экан.



Ҳозирги кунда жумҳуриятимиз худудларида беданинг ўндан ошиқ навлари экилмоқда. Унинг эртапишар, ўртапишар ва кечпишар навлари мавжуд. Бу навлар чорва учун озуқа мақсадида, уруғ тайёрлаш ва бошқа мақсадларда экилиб, ҳосил олиб келинмоқда.

Ҳикоямиз бошида биз беда уруғчилиги муаммолари ҳақида сўз юритгандик. Ғаллаорол туманидаги «Зарбулоқ» давлат хўжалиги деҳқонлари мана 15 йилдан бери шу мураккаб жараён билан шугулланиб келмоқдалар. Мен яқинда хўжалик раҳбари Муса Анорбоев билан суҳбатлашдим.

— Хўжалигимизда 700 гектар майдон йўнғичқа уруғчилиги учун ажратилган, — дейди Муса ака. Утган йили 54 тонна ўрнига 74 тонна уруғ етиштирдик. Ҳар гектаридан 800 килограмм ўрнига 1 минг 100 килограмдан уруғ олдик. Шунинг 60 тоннасини давлатга сотиб, 4 миллион сўмга эга бўлдик.

Муса ака тўрт миллион сўмни қандайдир таъна қилгандай айтди. Тўғрида, унинг айтишига қараганда, ҳар гектар ердан олти минг сўмдан даромад олинибди. Ҳозирги иқтисодий танглик даврида олти минг сўм дегани нима ўзи? Бу тракторга кетган ёқилғини ҳам қопламайди. Шунинг учун хўжалик раҳбарлари беда уруғлигидан воз кечишни режалаштириб турган эканларда... Раҳбарнинг айтишига қараганда, беда экилган майдонларга ғалла экилган бедага қилинган харажатларнинг ўндан бирини қилиб, уч барабар кўп даромад олишга имконият яратилар экан. Хўжалик раҳбарлари беда уруғчилиги муаммоларини ҳал этиб бериш учун бир неча раҳбарларга мурожаат қилишибди-ю, лекин тайинли жавоб олишолмабди.

«Зарбулоқ» хўжалигининг табиий шароити беда уруғчилигини ривожлантиришга ҳам катта имкониятлар яратиб беради. Тоғолди ҳудуди бўлгани учун баҳорда ёгингарчилик кўп бўлади. Шунинг учун сел ва булоқ сувлари билан уруғлик бедасини бир марта қондириб сугориш мумкин. Хўжалик раҳбарлари Қоровултепа сув омборидан 15 чақирим олинсадаги далаларга бетон қувурлар орқали сув келтиришни йўлга қўймоқчилар. Бу иш амалга ошса, бедазорларни муттасил сугориш имкони яратилади. Гектар бошига олинадиган беда уруғи бир центнер эмас, 5—6 центнерга етказилади. Хўжаликда Олмониядан келтирилган хиёзлар билан таъмирланган беда уруғи тозалайдиган завод ишлаб турибди. Бу ҳам беда уруғчилигини ривожлантиришга қўлай имкониятлар яратиб беради.

Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги Қонунида келтирилган кўрсатмаларни бажаришда бедазорларни кенгайтириш талаб қилинади, деб ўйлайман. Қонуннинг 17-моддаси тупроқдан фойдаланиш шартларига бағишланган. Унда унумдор қатламни сақлаб қолиш учун алоҳида қўрсатма берилган. «Тупроқдан унинг унумдорлигини пасайтирмаган ҳолда табиий ва маданий ўсимликлардан ҳосил олиш учун фойдаланилади».

Бу сўзларнинг замирида она табиатимизга муҳаббат ҳислари омухта бўлиб кетган. Табиатни табиий йўл билан бойитишда имкониятлари беқиёс бўлган, ота-боболаримизнинг, азалий экинни йўнғичқани экишга эътиборни кучайтирайлик.

Парда **ТОҶИЙ**,
Ғаллаорол тумани



Қонун устивор бўлмоқда

Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи ортанлигини, миллий кадрияларимиз тикланаётганлигини, она тилимиз — давлат тилининг қўлланилиш микдоси ортанлигини кўриб, қувонмай бўладими?

Боболаримизда бир гап бор, «юрт бошиси зукко эл хор бўлмас». Шукрлар бўлсинки жумҳуриятимиз раҳбариятининг ички ва ташқи сиёсатда олиб бораётган фаолияти халқимизга манзур бўлмоқда. Мамлакатда тинчлик ва осийшталлик таъминланган ҳолда тўғри йўлдан бораётганлигимизни барча Ўзбекистонга хайрихоҳ кишилар чин дилдан эътироф этишмоқда. Айниқса, фуқаролар тинчлиги, беҳавотир яшаш ва ишлаши учун зарур муҳит яратиб бериш, тасъилбоимизнинг порлоқ келажagini таъминловчи асосий омил бўлиб қолмоқда.

Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов айтганидек «Барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва қонуннинг устулигини, жамият манфаатлари ҳимоя қилиниши ва аҳоли хавфсизлигини кафолатламай ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди».

Маълумки, кейинги вақтда Президентимизнинг ташаббуси билан жиноятчиликка, қонунбузарликка қарши кураш кескин тус олди. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва жиноятчиликка қарши кураш соҳаси ходимларининг фаол ҳаракати билан, ўнлаб жинойий гуруҳлар қўлга олинди.

Бизнинг бошқармаимиз ходимлари ҳам жиноятчиларга қарши курашда бевосита иштирок этаётирлар. Шунингдек, йўл транспорт хавфсизлигини таъминлаш, халқ хўжалигининг қон томирини бўлган йўлларда, турли ҳодисаларнинг олдини олиш учун ўз постларини сергажлик билан назорат қилмоқдалар.

Заҳриддин **МУҲИДДИНОВ**,
Ўзбекистон ички ишлар вазирлиги,
Давлат автомобил назорати бошқармаси
бошлигининг муовини



Олам гўзаллиги деҳқондан...

Она ер қучоқларига сиғмаган яшил қувончлар — яшил майсалар шамолларда ҳилпирайди. Бугдойзор ораб келаётган деҳқон кўзларида эртанинг умиди, ташвиши бисёр. «Олам гўзаллиги деҳқондан, деҳқончиликдан — деб ёзилган қадимги Овестонинг муқаддас битикларида ҳам, — кимки ерга уруғ қадабди, у одаимийликка имон келтиради!..»

Дон — одамзод ҳаёти учун энг асосий ва табаррук ризқ ҳисобланади. Жамият фаровонлиги, инсоннинг тўқчилиги ҳам ҳар томондан бугдой, арпа, шולי, маккажўхори ва бошқа дон маҳсулотларининг тўқчилигида. Зероки, бизнинг маънавий тафаккуримизда ҳам — бу ризқ жуда улугдир.

Жумҳуриятимиз аҳолисининг дон маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжи

ни қондириш учун, жами 6 миллион тонна бугдой, арпа, маккажўхори, шולי ва бошқа дон маҳсулотлари зарур бўлар экан. Ҳозирда бу кўрсаткичнинг 50 фоизи ўз жумҳуриятимизда етиштирилмоқда. Ўзбекистон ўз иқтисодини мустақил давлат сифатида раванқ топтира бошлаганидан бери, ғаллачиликни янада ривожлантириш нон ва дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини имкони борича ўз еримизда етиштирилган маҳсулот ҳисобига қоплаш учун экин майдонларини йилдан-йилга кенгайтириб, ҳосилдорлигини кўтаришга жиддий эътибор берилмоқда. Биргина Қашқадарё вилоятининг ғалла майдонлари бу йил 450 минг гектарга кенгайтирилди. Бу ҳол эса ўз-ўзидан аёнки ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар даврида нонга бўлган зорқиқнинг, қолаверса

хорижий давлатлардан олиб келинаётган дон маҳсулотларини камайтириш имконини яратади.

Утган йили ушбу вилоят деҳқонлари 500 минг тонна ғалла етиштириб Қашқадарё аҳолисини тўлиқ дон билан таъминлаш хусусида умидли сўзларни айтган эдилар. Айни кунларда улар оз бўлса-да ўз сўзларининг устидан чиқди десак хато бўлмас. Лекин, мана шу йиғиштирилаётган дон маҳсулотларини исроф этмай сақлаш, саралаш ва тақсимлаш ҳам масъулиятли вазифадир. Қашқадарё вилоятида ана шу соҳада ҳам бир қанча корхоналар фаолият кўрсатиб келмоқда. Шулардан бири Нишон тумани дон маҳсулотларини қабул қилиш ва тақсимлаш корхонасидир.

— Бу корхона ташкил тоганига 14 йил бўлди, — дейди корхона раҳбари Нурмаҳмуд Бегимқулов. — Авваллар маҳсулотлар очик осмон остида, кенг ялангликда — ёмғирли кунларда эса кичик-кичик капаларда сақланар эди. Бу ҳол ёмғир ва қорда қолган қанчадан-қанча дон маҳсулотларининг исроф бўлишига олиб келарди. Эндиликда корхона ўзининг каттагина омбори, махсус мосламаларига эга. Бинобарин сўнгги икки йил ичида корхонанинг моддий манфаатдорлиги анчагина ошди. Шу кунларда бўлаётган иқтисодий ўзгаришлар оқимидан бизнинг жамоа аҳли ҳам четда тургани йўқ. Қўшимча даромад олиш йўллари ишлаб чиқилиб ходимларимизнинг тадбиркорлиги эвазига корхона фаолиятида анча-мунча ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Узимиздаги қўшимча маблағлар эвазига корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнида юзага келган муаммолар бартараф этилмоқда. Бу билан барча муаммолар ҳал бўлди деган гап эмас. Бизни анча-мунча ташвишга солиб турган муаммо транспорт масаласи эди. Маълумки, ёнигларнинг четдан келаяётганлиги боис ёқилги жуда қimmat ва танқисдир. Шунинг учун ҳам дон маҳсулотларини машиналарда ташиш корхонамизни анча чиқимдор қилиб қўяётган эди. Ортиқча харажатларга чек қўйиш учун ўтган йили корхонамиз майдонига темир йўл олиб кирдик. Натيجада бу вагонлар жуда қўлай бўлиб, эндиликда кўрсатма бўйича исталган жойга маҳсулотларни ўз вақтида етказиб бериш имконияти туғилди. Лекин ҳали маҳсулотларни вагонлардан

тушириб олиш ва юклаш учун махсус мосламалар йўқ, бори ҳам эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган. Ленталар, электр симлари ва бошқа зарур бўлган бир қанча эҳтиёт қисмлар катта қийинчиликлар эвазига четдан келтирилмоқда.

Ушбу корхона йилига 15 минг тоннага яқин дон маҳсулотлари қабул қилиб олади. Корхона ишчиларининг тадбиркорлиги туфайли булардан ташқари ҳам бир қанча маҳсулотлар ун, мош, зигир, ўт уруғ, бугдой ва бошқа омухта емлар сақланиб ўз вақтида туман савдо шохобчаларига тарқатилиб турибди.

1992 йилга қадар Украина, Вьетнам, Польша давлатларидан ун ва дон маҳсулотлари келиб турар эди. Жумҳуриятимиз мустақилликка эришгач ғалла етиштиришга эътибор кучайди. Ҳукуматимиз илоҳи борича донни ўзимизда ишлаб чиқаришни асосий вазифа қилиб қўйди.

Ҳозирги бозор шароитида, нарх-навоининг узлуксиз ошиб бораётганлигини ҳисобга олиб корхона раҳбарияти ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга ҳам доимо эътибор бермоқдалар. Уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш учун корхонага тушган даромадининг 950 минг сўми муқофот тарзида ходимларга бўлиб берилди. Чунки турмушда тинчлик, тўқинлик бўлса, ишда ҳам ривож, барака бўлади...

Мана шундай кенг фикрлаб, тадбиркорона иш юритиб, корхонани раванқ эттириш баробарида, ҳақиқий меҳнат маҳсулотини яратаётган кишилар меҳнатининг қадрига етиш, улар ҳақида қайғуриш бўлган жойда ривожланиш, истиқбол бўлишига ҳеч шубҳа йўқ.

Ортимиз мустақилликка эришгач, ғаллакорлар кифтига оғир, муҳим бир масъулият юкланди. Бу халқимизнинг донга бўлган эҳтиёжини яқин кунларда тўла ва тўқис таъминлашга бўлган юксак ва шарафли масъулиятдир. Зотан эртанинг нури, буюк келажаклари яқин. У кунларни оғир меҳнатлардан ҳам юз ўғирмайдиган заҳматқаш деҳқонларимиз юракдан жуда яхши ҳис этадилар. Кенг майдонларда шафақдай алвон ранг уюм-уюм дон хирмонларига тикилганингизда шундай ажиб ўйлар кўнглингиздан ўтиши шубҳасиз.

Ҳабиб АБДИЕВ,

«Гулистон» журналининг махсус муҳбири

Янгилик

Тупроққа малҳам

Деҳқончилик биз учун отамерос касб. Ерни ҳайдаш, уни екишга тайёрлаш, алмаштириб экиш, тупроқ унумдорлигини қандай ошириш бўйича етарли тажрибага эгамиз. Шундай бўлсада кейинги йилларда кишлоқ хўжалик фани янада ривожланди, деҳқончилик маданияти ошди. Лекин кўпроқ ҳосил олиш ниятида аждоқлар тажрибасидан ва фан кўрсатмаларини унутдик ёки паллапартиш фойдаландик. Оқибатда эса инсонни тўйинтирувчи ерни мажрўх қилиб қўйиб, деҳқончилигимизга катта зиён келтирдик.

Айниқса, минерал ўғитлардан кўп миқдорда фойдаланиш, оқибатда тупроқнинг умумий биологик мутаносибий ҳолати бузилди. Кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифати пасайиб кетди. Ҳатто турли хил кимёвий ўғитларга

тўйинган маҳсулотларни истеъмол қилиш, инсон саломатлигига жиддий ҳавф солиш даражасигача борди.

Кишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқли ерларнинг бир қисмида тупроқ ўзининг батамом биологик хусусиятларини йўқотди.

Унумдор тупроқ учун эса органик модда (гумус) зарурдир. Таркибида тўрт фоиз гумус бўлган тупроқ унумдор тупроқ ҳисобланади. Ута захарли минерал ўғитларнинг қўлланилиши натижада эса гумус яратувчи чувалчанглар қирилиб кетди. Эндиликда ер майдонларида табиий шароитда кўпайган чувалчангларнинг ташқи таъсир натижада қирилиб кетган қисмининг тиклаш анча мураккаб. Шунинг учун кейинги вақтларда сунъий равишда кўпайтирилган чувалчанглардан гумус олиниб,

ерга ўғит сифатида солинаётган.

Айниқса Оврупо ва Америка давлатларида асосий ўғит сифатида сунъий равишда кўпайтирилган чувалчанглардан олинган гумусдан фойдаланиш зироатда кенг қўлланилаётган. Ер юзиде фойдали чувалчангларнинг тури кўп. Лекин гумус тайёрлашда қизил Калифорния чувалчангларига тенг келадигани йўқ. Бу чувалчанг ниҳоятда сермахсул бўлиб, жуда тез кўпаяди. Масалан, бир миллион донга чувалчанг яхшироқ шарт-шароитда боқилса миңг баробарга кўпайиши мумкин экан.

Эндиликда Ўзбекистонда ҳам қизил Калифорния чувалчангларини боқиб ундан биоғумус олиш кенг миқёсда йўлга қўйилаётган. Чунки ҳозирги минерал ўғитлар нархи осмонга чиқиб кетган вақтда, биоғумусдан фойдаланиш ҳар томонлама максалда мувофиқдир.

Биоғумус тупроқнинг биологик ҳолатини яхшилаш билан бирга, экилган ҳосилнинг шароитини ва миқдорини оширади. Биоғумуснинг ер майдонларига турли хил усул — ерга сочиш, шарбат қилиб сув билан оккизиш орқали қўлаш мумкин. Энг асосийси биоғумус билан ерни ҳар йили эмас, 4—5 йилда бир марта ўғитлаш кифоя.

Қолаверса қизил Калифорния чувал-

чангларини боқиб бизнинг шароитимизда ниҳоятда қўлай. Уларни парваришлаш учун ҳам кўп нарсга керак эмас экан.

Жомбой туманидаги М. Қодиров жамоа хўжалиги худудида яшовчи Бекбўта Нейматов шундай чувалчангларни боқиб, хўжаликларга ва шахсий томорка эгаларига кўп миқдорда биоғумус етказиб бераётган.

— Чувалчангларни ўз томоркамда боқаялман, — дейди Бекбўта, — томорқани уялаб чиққанман. Хар унда 15—20 миңг чувалчанг боқилади. Уларни 7—8 кунда бир марта ўғит билан озиклантираман. Хар бир чувалчанг кун давомида 0,5 грамм озука истеъмол қилади. Истеъмол қилган озуканининг олтинми фоизи биоғумусга айланади. Бошлаган ишимнинг даромади яхши бўлаётган, хўжаликларга биоғумусини сотсам, боқини истаганларга чувалчанг етказиб бераётганман.

Турли хикматлардан зада бўлган тупроқнинг дардига малҳам бўладиган чувалчангларни боқиб билан бугунги кунда кўпчилик шуғуланаётган. Деҳқонларимиз ҳам унинг қони фойда эканлигини амалда синаб қўрдилар.

Абдураззоқ КАРИМОВ

Ўз вақтида дунё тараққиётига улкан ҳисса қўшган Шарқ ва унинг тақдири, қисмати доимо адабиётимизнинг бош мавзуларидан бири бўлиб келган. Айниқса, суронли 20-йиллар вақтли матбуотида маълум Шарқ ҳақида кўпгина мақолалар чоп этилган. Фитратнинг «Шарқда англизлар» (Тонг. 1920, 1-сон), Чўлпоннинг «Шарқ уйғонгон» (Туркистон, 1920, 1-сон) мақолалари ҳам шулар жумласидандир. Чўлпоннинг эътироф эттишича: «Оврупо бойлари, Ғарб жаҳонгирлари Шарқ элларига чанг солгон вақтларида «маданият киргизамиз» деган шиор билан майдонга чиқарлар эди.

Жаҳонгирлар қўлига ўтган Шарқ ўлкаларининг ҳаммаси аслида шу баҳона билан қўлга киргизилган...

Бизнинг Туркистон ҳам подшоҳлар, генераллар, ок суяклар Русияси томонидан олингонда шу баҳона ўртага ташлангон эди...» Эътирофга шубҳа йўқ. Негаки, аср бошида Шарқ мамлакатлари Ғарб мустамлакаси остида инграб ётарди.

Шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, 20-30-йиллар маданий ҳаётида «Европа центризми» оқими пайдо бўлиб, бу оқим тарафдорлари ҳар бир соҳада Европани устун қўйишга ҳаракат қилардилар. Улар Шарқ маданиятига, унинг жаҳон фанига умуман тараққиётига қўшган ҳиссасига менсимаслик билан қарар ёки тан олдилари келмасди.

«Ширин тупроқлари четлар панжасида топ-толгон», «огрик, мағлуб, туткун Шарқ» осмондаги қўлақалар эса эл бошига сўнгсиз мусибатлар ёғдиранди. Бу эйтирблар тарихи Чўлпон шеърятининг жон томирингача бориб уланади. Шу боис Чўлпон шеърятининг Шарқ мавзусини Шарқ — Ватан тарихи, Шарқ — эрксиз инсон, Шарқ ва табиат шаклларида ўрганиш макссадга мувофиқ.

Тарих — мазий кўзгуси. Лекин у келажакка маёқ. Ҳар бир халқ тарихи — миллатнинг ор-номуси, виждони, урф-одати, руҳидир. Алихонтура Соғуний хазратларининг ёзишича: «... дунёда яшаган ҳар бир кишининг энг аямлик (аялиши лозим), беш нарсаси бордир. Биринчиси — жони, кейингилари — дини, моли, оиласи, она-Ватандир. Мана бу беш нарсани саклаш учун онглик инсонлар қандай жонбозлик қиладилар. Ушбу «аямлик» нарсаларидан маҳрум этилган миллат тарихининг варақлари «лахта-лахта қонлардан», «харфлари ноқаллардан, чизиклари охлардан, нукталари қўз ёшлардан иборат» эди:

**Сўнг даврда йўқсул халқнинг тарихи,
Бир бет бўлсун оқ сатрини кўрмади.
Дунё тарихини ёзган муаррих,
Яшилликга қаламини бурмади.**

Чўлпоннинг татар халқининг инқилобий йўлбошчиси муаррих Мулланур Воҳидов руҳига бағишланган бу шеърда «бирор бет бўлсун оқ сатрини кўрмаган» Шарқ тарихининг фожиали қисмати ҳақида сўз боради. «Бир замоналар ер юзюда улуг, шонли маданият туғдиригон», Ибн Сино, Беруний, Форобий, Улугбек, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид сингари сиймоларни берган «Гўзал Шарқ сўнг замоналар четлар панжасида кўзи ёшлардан». Туркистон тарихи Шўро тарихига айланади.

Шўро тарихининг эса келажакда «титилиб, ўқилмас холга келганини» Чўлпон ўша пайтдаёқ айтган эди:

**Титилиб ўқилмас бўлганда тарихинг,
Хасрат-ла аламага тўлганда тарихинг,
Ҳазонинг баргидай сўлганда тарихинг,
Кўзимнинг нуруни аямай ўқидим.**

Чўлпоннинг «Шарқ» туркуми шеърларида эрк фалсафаси — бош мавзу. Эрк — Чўлпон шеърятини томирларидан қон бўлиб оқади. Агар шу қон тўхтаса шеърятда рух ўлади. Демак, Чўлпон тасвирлаган Шарқ «ўз қўли билан ўз келажакини яратаётган Озод Шарқ эмас, балки «индан яширинча эзилиб, сўнгги тинни кутаётган», «огрик, мағлуб, туткун Шарқ».

Таъкидлаш жоизки, Чўлпон Шарқ деганда фақат Туркистонни назарда тутган эмас. Номин юқорида



ЧЎЛПОН ТАЛҚИНИДА ШАРҚ

зикр этилган мақоласида кўрсатишича: «Жаҳонгирлар қўлига ўтган Шарқ ўлкаларининг ҳаммаси аслида шу баҳона билан («маданият киргизамиз» баҳонаси билан — Н.И.) қўлга киргизилган.

Олайлик Ҳиндистонни, олайлик Мисрни, олайлик Тунисни, Ал-Жазойир, Фос, Судан, Тараблисни. Олайлик виҳоят манави жаҳон урушидан сўнг босиб олингон Арабистон, Ал-жаҳир, Фаластин, Сурияни. Номлари санаб ўтилган ўлкалар асримиз бошларида ҳатто, яқин йилларгача Ғарб мустамлакаси эди. Осмонда «қора булутлар қўлақаси», «қаргалар ўйини», «булутларнинг қулиши», ҳукмрон эди.

Чўлпон Шарқ ва Ғарбин бир-бирига қарама қарши қўйиш билан ижтимоий тенгсизлик, инсон эркининг поймол этилиши илдиэларини очиб беришга интилади:

**Шарқда мана бир оила ичда,
Олти-етти киши оқдан ўлмишидир,
Ана қара, ёш боққанин ичда,
Кўп чечаклар очилмасдан сўлмишидир,
Қара Ғарбин, базмғоҳ-ла боқчалар,
Қизил юзли одамларга тўлиғдир...**

(«Қизил байналминал»).

Шарқ хотин-қизлари озодлиги мавзуси бошқа шоирлар ижодида бўлгани сингари Чўлпонда ҳам мавжуд. Лекин Чўлпоннинг макссади «тўрт девор ичда, юзи қон, ранги заъфарон» бўлган хотин-қизларга «Эрк эртақлари»ни сўйлаш эмас. Шарқ кизининг эрк ҳақидаги орзулари шахсий қобикини ёриб, миллат, Ватан истиклоли даражасига кўтарилади.

**Кўнгламда йиғлагон малаклар қимлар,
Шарқнинг оналари, жувонларини?
Қаршимда йиғлагон бу жонлар қимлар?
Қулар ўлкасининг инсонларини?**

(«Амалнинг ўлими»).

Еки:

**Менинг бахтим қулар бахти янглиғ —
Еруғ ўлкаларда яшайдир.
Бахти йирок, кўнгли тўла қонлиғ —
Эркин Шарқнинг туткун қизидир.**

(«Ўзбек қиз»).

Эрксиз ватанда эрк тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Эрксиз юртнинг ўғлонлари ҳам, қизлари ҳам эрксиз. Бу ўринда «бахти йирок, кўнгли тўла қонлиғ» киз эмас — Шарқ. Чўлпоннинг киз тилидан Шарққа «эркинлик» бериши — шоирнинг мавжуд тузумга кинояси эди.

Шарқ истиклоли, айниқса, Чўлпоннинг лирикасида муҳим аҳамият касб этади. Табиат ҳамма нарсанинг ибтидоси. Жумладан, инсон ҳам. Чўлпонда инсон табиатнинг бир бўлаги. Шу боис инсон дарди, хасрати табиат оҳангларида, рангларида жиловланмаслиги мумкин эмас. Чўлпон шеърятинида Шарқ ва Табиат эгизак тушунча.

**Кўм-кўк экан сарғайдилар япроқлар,
Огрик, мағлуб, туткун Шарқнинг юзидан,
Бўронларнинг кўзлариниқ ўйноқлар,
Ғолиб Ғарбининг қонга тўлган кўзидек.**

(«Куз»).

Шеърдаги «сарғайган япроқлар» сўлиб, сарғайиши, ҳазон фасли — куз белгиси. Куз — баҳор эмас, ўз сифати билан куз. Куз — инсон умрининг ибтидоси эмас, интиҳоси. Сарғайган фақат япроқ эмас — Шарқ юзи. Шеърда Чўлпон қаршилантириши усулини қўллаб «бўронларнинг ўйноқлаган кўзлари»ни ғолиб Ғарбининг қонга тўлган кўзига қиёслаган. Демак, Шарқ юзини сарғайтирган — куз эмас, «кўзи қонга тўлган Ғарб».

Етукликка, буюкликка кўтарилиш учун Езувчи ва Давр ўртасида «Вақт масофаси» бўлиши керак.

Санъаткор тасвирга олаётган воқеа-ҳодисанинг шохиди бўлса-да, уни «ҳазм» қилиши, шу воқеа-ҳодиса юзасидан умум ҳулосага келиш керак. Чўлпон ва унга замонаш адбларда шу «вақт масофаси» йўқ эди. Чўлпон — давр фарзанди эди. У «кўм-кўк ўтлоқлари босилган» элнинг шоири сифатида таланг, хўрланган, дорга осилган миллат фарзандлари қисмати, фожиаси ҳақида ёзиши ҳам фарз, ҳам қарз эди. Чўлпон шеърлари «кўзлардаги ёшлар» қуримай «танлардаги яралар» битмай яратилган. Шу боис Чўлпон ижодидан кўз ёшлар сизиб туради, қонлар қақиллаб томиб туради.

**Оҳимнинг ўтидан чиққан шувъалар,
Шарқнинг юрагидан бир жой топмасми?
Кўксиндан қислиб чиққан наъралар,
Ухлаган дилларга силжиб оқмасми?**

Одатда табиат — руҳиятнинг белгилайди. Табиатдаги нарса — ҳодисалар инсон руҳиятида зуҳур бўлади. Лекин санъаткор табиат ҳодисаларини шунчаки тасвирламайди. Асардаги табиат гўзаллиги, реал ҳаётдаги табиат гўзаллигидан янада гўзалроқдир. Энг асосий масала, ёзувчининг табиат ҳодисаларини қандай қабул қилиши.

Чўлпоннинг лирикаси юксак санъат намунаси эканига шубҳа йўқ. Лекин кўп ўрилларда Чўлпон табиатга энг яқин сирдош, дарддошдек мурожаат қилиб, ўз ниятларини, табиат кўринишида гавдалантиради:

**Кун ботадур... тарқок, ёйиқ юлалар,
Унда-мунда булутларнинг юзюда,
Сил юзидек ранги кетиб сўлиблар...
Қоронғулик Шарқ томондан бошланган.**

Асл ҳаётдан, аниқ воқелиқдан Шарқнинг «яралли танлари»га маълум топа олмаган шоир яна юлдузларга, «нажот юлдузига», «қизил ой»га мурожаат қилади:

Шарқни яна ул қизил ой қутқорғай...

Шарқ қисмати Чўлпон шеърятини бағрига, қонқонига сингиб кетганки, ундан бу мавзунини ажратиб ўрганиш мумкин эмас. Негаки, Эрк, Ватан, Истиклол, Шарқ, Табиат — булар ҳаммаси бир бутун ҳолда Чўлпон шеърятини устувлари. Агар бу устувлардан бирортасига захмат етса, улуг шоирнинг «қалб симфонияси» оҳангларини қашф эта олмаймиз.

Нормат ЙҮЛДОШЕВ



БОБО ХУДОДОДИ ВАЛИ



Ботирхон ВАЛИХУЖАЕВ, Бозорбой УРИНБОЕВ,
филология фанлари докторлари, профессорлар

Самарқанд ўзининг бой тарихи, машҳур кишилари билан жаҳонда шухрат қозонган бўлса-да, аммо ҳали унинг тарихида ўқилмаган саҳифалар, номи тилканишга мунтазирир алома ва шоирлари жуда кўп. Бу гап фақат шаҳар минтақасигагина тегишли бўлмай, балки вилоят ҳудудига ҳам дахлдор, чунки вилоятдаги туманларда мавжуд бўлган кўпгина тарихий ёдгорлик ва жойлар, бу ҳудуддан етишиб чиққан алома ва шоирларнинг ҳаммаси ҳам ўрганилди деб бўлмайди. Жумладан, ўрта асрларда Миёнокол номи билан машҳур бўлган минтақадаги Иштихон, Каттакўрғон, Оқдёр ва Поيارик туманлари, Шероз ва Алибод деб аталган мавзедаги Булунғур ва Жомбой туманлари, Ургут, Пахтачи, Нуробод, Пастдарғом, Самарқанд туманларидаги кўпгина жойлар ва шу ердан етишиб чиққан алома-шоирлар чуқур тадқиқот, изланиш ва аниқлашга мунтазирирлар.

Шу жиҳатдан вилоятнинг Пахтачи тумани Зиёвуддин ва Дабусия каби қадимий мавзелари, Нуробод туманидаги Тим, Иштихон ва Оқдёр туманлари ҳудудидagi Соғарж, Булунғур туманидаги Шероз шаҳарчаси, Жомбой туманидаги Газира ва шунга ўхшаш жойларнинг, тарихини ўрганиш ниҳоятда муҳим. Масалан, Жомбой туманидаги Газирани олайлик. Урта аср манбалари кўздан кечирилганда Газира номи тез-тез тилга олинади. Газирада Вали бобо деб аталадиган жойнинг тарихини, нега Вали бобо деб аталганини ҳамма ҳам биладилми? Тўғри, бу ҳақда умумий ва баъзан ривоятларга асосланган маълумотлар бор. Аммо аниқ далилларга асосланган тарих лозим. Мана шу ҳоҳишда кўлга киритилган айрим маълумотларни баён этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шуни эслатиш лозимки, Нуробод туманида жойлашган Остона бобо деб аталадиган тарихий манзил ҳақида аввал вилоят рўзномасида, сўнг эса Республика рўзномаси бўлиши «Халқ сўзи»да мақола эълон қилинган эди. Унда Газирадаги Шайх Худододи Вали бобо ҳам тилга олинган. Шундан сўнг бу шахс тарихига у кишининг таржimai ҳоли ва фаолиятини ўрганишга бўлган қизиқиш янада ошди. Натижада ушбу мақола муаллифларидан бири Шайх Худододи Вали ҳақида ёзилган маноккибнинг бир нусхасини Галлаорол туманидаги 11-ўрта мактаб ўқитувчиси Зайниддин Манаризаев шахсий кутубхонасида сақлаётганини аниқлаб, муҳтарам ўқитувчининг илтифоти ила бу нусха билан танишишга муяссар бўлди. Маноккибнинг 248 саҳифадан иборат бу нусха 1913 йилда Мухаммад Ашур Нурмухаммад ўғли деган котиб томонидан кўчирилган. Китоб атаймиш сақланган (бу нусхани шартли равишда «Галлаорол нусхаси» деб атаймиш).

Шундан сўнг Булунғур тумани халқ таълими бошлиғи Абдурахмон Кодиров (Б. Валихужаева кўнгирак қилиб) шу тумандаги 19-ўрта мактаб ўқитувчиси Абдувақил Солеевнинг шахсий кутубхонасида Шайх Худододи Вали ҳақида китоблар борлигини ва улар билан танишиш мумкинлигини билдирди. Абдувақил Солеев профессор Б. Валихужаеваг қикита кўлэзмини тақдим этди. Улардан бири «Маноккиби шайх Худододи Вали» бўлиб, 286 саҳифадан иборат (бу нусхани шартли тарзда «Булунғур нусхаси» деб атаймиш).

Форсей тилда ёзилган бу асарнинг аввалги ва охиридан варақлар тушиб қолгани сабабли унинг номи ва муаллифи, кўчирилган йили ва котибини аниқлаш қийин. Аммо китобларнинг нототирагн Самарқанд қозогига насталки ёзуви билан кўчирилгани ва айрим белгилар унинг XVI асрда кўчирилганлигини тахмин қилишга имкон беради. Асарда шайх Худододи Валининг фазилатлари, таржimai ҳоли ва фаолияти тўғрисида айрим маълумотлар бор. Шунинг билан бирга унда Валибобонинг Худодод таҳаллуси билан битган туркий ва форсей ҳикмат ҳамда газаллари мавжуд (бу газал ва ҳикматларнинг асари Галлаорол нусхасида ҳам бор).

Иккинчи кўлэзма эса мажмуа бўлиб, унга шайх Худододи Вали бобонинг шоғирларидан бўлиши, XVII асрнинг охири ва XVIII асрнинг бошларида яшаб фаолият кўрсатган Мухаммад Шариф ал-Хусайний ал-Алавий Бухорийнинг форсей тилда ёзилган бешта асари киритилган. Булар:

1. «Хужжат ул-Зокирин» — тасаввуфдаги ясаовиф — жаҳрия тариқатининг тарихига бағишланган таъкира бўлиб, у 1077 хижрий, 1666—1667 милодий йилда ёзилган. Унда шайх Худододи Вали таржimai ҳоли, фаолияти ва фазилатларига оид маълумотлар ҳам бор. Асарнинг ҳажми 364 саҳифа.
2. «Тухфат ус-солиқин» — тариқат иҳлосмандларига бағишланган ёзилган асар. Ҳажми — 78 саҳифа.
3. «Миръот ул-ибодат» — ибодат қилиш қоидалари ҳақида. Ҳажми — 10 саҳифа.
4. «Шарҳи оят» — Қуръони қаримнинг бир оятига ёзилган шарҳ. Ҳажми — 2 саҳифа.
5. Девони Мавлави Шариф-Мухаммад Шариф ал-Хусайний Бухорийнинг «Шариф» таҳаллуси билан, асосан форсей тилда ёзган газаллари тўплами. Ҳажми — 116 саҳифа. Охириги варақлари тушиб қолган.
6. Мавлавий Шариф ҳаётининг охириги дамлари ва вафоти баёни — рисола-нинг муаллифи номаълум. Ҳажми — 14 саҳифа.

Юқорида таркиби баён этилган мажмуа 1214—1225 хижрий 1799—1800—1810 милодий йиллар орасида котиб Қўзи Мухаммад Бухорий томонидан Газирада китобий қилинган. Шундай қилиб, Вали бобо ҳақида ишончли манбалар асосида сўз юритиш, бу ҳазратнинг таржimai ҳоли, фаолияти, фазилатлари, ижодлари тўғрисида маълум тасаввурга эга бўлиш имконияти майдонга келди.

Вали бобо сифатида шухрат қозонган зотнинг асл номилари Худойберди бўлиб, бу ҳазратнинг оталарини Ҳазрат азизон Ортиқ шайх дер эдилар.

Мухаммад Шариф Хусайний ал-Алавий ал-Бухорийнинг «Хужжат ул-Зокирин» таъкирасида қайд қилинишича, Ҳазрат азизон Ортиқ шайх асли Хоразмда шухрат ва эътиборга сазовор хонадондан бўлиб, укалари азизон Зикрий, шайх, оила аъзолари, қавм-қариндош ва содиқ муридлари билан аввал Бухоро-

га, ундан сўнг эса Карманага келиб, Карманадан икки фарсах (икки тош) масофада бўлган тоғ қинидаги қишлоқда турғун бўлиб қолганлар. Ана шу манзилда хижрий 866, милодий 1462—63 йили бир ўғил кўрадилар ва Худойберди деб ном қўядилар. Аммо ота-онанинг хурсандчилиги ҳам, Худойбердининг ота-она меҳридан, тарбиясидан баҳраманд бўлиши ҳам узокка чўзилмайди. Бу ҳақда «Маноккиби шайх Худододи Вали» китобида Ҳазрат Худододи Валининг куйидаги эсдаликлари келтирилган: «Мен ўз ота-онамдан жуда ёш қолдим ва мени тарбия қилгучи бирор мураббийим йўқ эди».

«Хужжат ул-Зокирин» таъкирасининг муаллифи эса, бу гапга аниқлик киритиб, шундай ёзади: «Айтурларки, ҳазрати азизон (Худододи Вали) ўз ота-оналаридан уч ёки тўрт ёшларида етим қолган эканлар».

Худододи Вали ўзларининг шундан сўнгги ахволлари ҳақида куйидагича ҳикоя қилар эканлар: «Мен бировнинг қўйларини боқиб чўпонлик қилардим. Очлик, қийимсизликдан шунчалик қийин ахволга тушардимки, баъзан хушсиз бўлиб ўзимдан кетиб қолардим... Менинг сочларим ўсиб, манглаймга тушарди, ҳаммаша юзларим сарғайган, оху нолам қучайган ва ҳасрату дарду аламда эдим. Шундай бўлса-да, мен ўзимнинг қийинчиликларимдан ҳеч қимга шикоят қилмасдим. Бир неча вақт ўтгач, бир мард кишининг (унинг номини мавлоно Халил Қоракумий тарзида ҳам эслайдилар) менга раҳми келиб, ўзига ўғил қилиб олди, мактабга олиб борди. Мен мактабхонанинг пойгоҳидан жой олдим. Менинг жуда озғинлигим ва юпун қийинганимдан мактабдаги болалар мендан ор қилардилар. Мактаб ўқитувчиси бу ҳолини кўриб, мени ўзига яқин жойга ўтказди ва ҳаммага қараб шундай деди: «Бу ўғлон бир гуруҳнинг мушиси бўлган ва олам аҳли унга майл қилгусидирлар».

«Хужжат ул-Зокирин»да таъкидланишича, Худойберди — Худододи Вали мактабини тугатгач, Самарқандга келиб, шарият илмларини ўрганиш мақсадида мадрасада таълим олди. Аввал мадрасада сўнгра эса, Бўстониҳон маҳалласида (ҳозирги шоирлар боғи ва унинг атрофида бўлган) бир ҳовлида истикомат қилди. Маълум вақтдан сўнг ўқиниши давом эттириш учун Гиждувонга борди ва у ерда уч йил таҳсил олади. Гиждувондаги таҳсил йиллари ва ўзларининг ахволи ҳақида шундай ҳикоя қилдилар: «Мен Гиждувонда илм ўрганиш учун машғул ўтказар эканман, уч йил битта пўстинни кишин-ёзин қиярдим. Ички қийимларим ва ҳатто қўйлагим ҳам йўқ эди. Қўрган киши қўйлағи йўқ экан деб ўйламасин учун битта қўйлақнинг ёқасини топиб олиб, бўйинга илардим. Аммо ўзимдаги бундай ахволни ҳеч қимга изҳор қилмасдим».

Ана шундай моддий қийинчиликлар ҳам ҳазрат Худододни ўқиб ва илм ўрганишга бўлган ғайратини сўндира олмади. У Гиждувондан Бухорога бориб, Мулло Мухаммад мадрасасида яшайди ва таълимини давом эттирди. Шу орада ул ҳазрат 23 ёшга етдилар. Худди шу ёшда, яъни 889 хижрий, 1484 милодий йили ул ҳазрат ўз даврининг машҳур мутасаввуфларидан бўлиши, ясаови ёки жаҳрияи султония тариқатининг кўзга кўринган вақили шайх Жамолиддиннинг хузурига боради. Бухоронинг Қалати мавзеида истикомат қилувчи Шайх Жамолиддин ул ҳазрат билан учрашганда отинг нима деб сўрайди. Шунда айтиди: «Мени Худойберди! Шайх Жамолиддин эса ўз навбатида бул ҳазратдаги фазилатларини кўриб, айтиди: сени бизга «Худой дод» (яъни Худо берди). Бундан сўнг отингиз «Худойлод» бўлган. Ана шу муносабат билан бу ҳазрат Худодод номи билан машҳур бўдилар. Ҳазрат Худодод ҳам шайх Жамолиддинга пир сифатида қўл беради. Шайх Жамолиддин ўз навбатида ҳазрати Худододга баркамоллиги, яъни тариқат сулуқида мустақил фаолият кўрсатиши мумкинлиги ҳақида фотиҳа ўқиб, унга оқ йўл тилайди. Шундан сўнг ҳазрати шайх Худодод тугилиб ўсган макони — Карманага қайтиб ўзининг тариқат соҳасидаги фаолиятини давом эттирди. Бу даврда ҳам камбағалона яшаш ҳамда ўзидаги бор нарсаларни бева-бечораларга улашиши фазилати ул ҳазратнинг шухратиға шухрат қўшаверди.

Ҳазрат Худододнинг эътибори тобора ошаверади. Шундан сўнг ул ҳазрат Самарқанднинг ўша даврда анча обод бўлган мавзеларидан бўлиши Газирага келиш ва оидийгина бир хонако қилиб, яшай бошлайдилар. Ул ҳазратнинг пок эътиқоди, олий ҳиммати, камтарлиги, гамхўрлиги атрофдагиларда яхши таассурот қолдириб, уларнинг суҳбат ва панд-насихатларидан баҳраманд бўлишга интилуқчиларнинг сони тобора орта боради. Ҳатто Мовароуннаҳр ҳокими бўлган Мухаммад Шайбонийхон ҳам бу ҳазратга эътиқод қўйиб, ул кишини ўз хузурига даъват этади. Аммо ҳазрат Худодод бу даъватни эътиборсиз қолдирадлар.

Шундай бўлса-да, Мухаммад Шайбонийхоннинг ўзи бир юрishi вақтида ҳазрат Худодод яшайдиган хонакога яқин жойга келиб кўнди ва ул ҳазратни яна тақлиф қилди. Ҳазрат Худодод шундай ҳикоя қилдилар: «Мен Мухаммад Шайбонийхон тақлифини ноилж қабул қилиб, унинг хузурига йўл олдим. Унинг ҳашаматли хаймаси — қароргоҳи, сипоҳийлари дабдабаси кўзимга сомон чўлидай бўлиб ҳам кўринмади».

Ҳазрат Худодод Газирада яшаб, жаҳрияи султония тариқатини тарғиб қилиб, ҳам туркий, ва ҳам форсей шейрлар битиб, ўзларининг олий ҳимматлигини ва камтарона турмуш тарзи билан шухрат таратдилар.

Ҳазрати Худодод уйлангандар ва олтига фарзандинг падари бузруквори бўлганлар. Ҳазратнинг биби Солиҳа, биби Ҳадия ва биби Маҳзуна номи қизлари бўлган бўлса-да, биби Маҳзунадан бошқалари ёш вафот этган. Худододнинг Солиҳхожа, Хожа Калон, Хожа Хурд номи ўғиллари ҳам бўлганлар. Айтишларича, ҳозир Газира ва унинг атрофида ўзларини азизон шайх Худодод авлоди деб ҳисоблаётганлар биби Маҳзунадан тарқалган шажара намояндлари эканлар.

Ҳазрат азизон шайх Худодод умрлари охирида касал бўлиб қолганлар ва бировнинг ёрдамисиз ўринларидан тура олмас эмишлар. Аммо шундай бўлса-да, тоат-ибодат қилиш вақти бўлгач, шундай бир ғайрат билан ҳаракат қилар эканларки, ҳатто симоғ ва рақсга ҳам тушиб кетар эканлар.

Менга бу танда жон, сенсиз керакмас,
Хаёти жовидон, сенсиз керакмас!

На қилсин ошиқинг ишқингдин ўза,
Нечақим бўлса жон, сенсиз керакмас!

Нечақим мўъжину бўлсам мусулмон,
Менга дину имон, сенсиз керакмас!

Агар икки жаҳон хушликни берсан,
Хамиша жовидон, сенсиз керакмас!

Худодод найласун пирлик ҳолида,
Жаҳон ичра жаҳон, сенсиз керакмас!

Эй, хаёлинг тушгали кўнгулмга бўстондир кўнгул,
Васлинеиз тахтида бўлса, асру султондир кўнгул!

Хазрати Азизон Худодод умрлари охирида ул киши ҳақидаги манокиб-ри-соланинг тезроқ ёзилишига ундар ва ўзлари ҳам шеър айтишга кўп вақтин сарфлаган эканлар.

Хазрат Худодод 939 хижрий йили муҳаррам ойининг ўн иккинчи кун, яъни 1532 милодий йили август ойининг 12 кун хижрий ҳисобда 73 ёшда, милодий ҳисобда 71 ёшда вафот этганлар!

Хазрат Худодод ўзининг яссавий-жаҳрия султония тарикатидаги фаолияти билан бир қаторда шеърятда ҳам қобилият соҳиб бўлиб, туркий ва форсий тилларда ғазал, хикмат ва фардлар битган. Бу шеърий мерос унинг ҳақидаги манокиб таркибидан бизгача етиб келган. Мавжуд шеърлар ёзма адабиётдаги ғазал, қасида жанрлари қонун-қондаларига риоя қилинган ҳолда битилган бўлиб, мавзу жиҳатдан эса орифона ва насихатомузидирлар.

Маълумки, тасаввуф фалсафасининг етук намояндалари Хожа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Бокирғонийлар ўзларининг бу соҳадаги ақидаларини шеърий шаклда ифода этиб, ўзларидан салмоқли мерос қолдирганлар. Хазрат Худодод ҳам мана шу анъанани давом эттириб қатор шеърларини ёзганлар. Шунинг алоҳида уқтириш керакки, бу шеърлар тилининг равонлиги, бадиятнинг соддалиги, фикрнинг аниқ ифодаси, мусиқийлиги билан ажралоқ туради. Шу жиҳатдан олиб қараганда, хазрат Худододнинг шеърий мероси XVI аср ўзбек

Мубтало бўлдим сенинг ишқинг билан мен нотавон,
Ибтилоси хуш эрур, ҳайрон, ҳайрондур кўнгул!

Маҳзани хуснингда кўрдим ул хату ҳодинени мен
Донаи доминг билан бесару сомондур кўнгул!

Барчани тарк айлабон қилдим тажамно кўргали,
Оҳу воеайло билан гирену колондур кўнгул!

Дарди дилни айтмайин, токи ишқот бўлмасун,
Маҳзар йади ҳуеингга маҳзарин дostonдур кўнгул!

Тоқатим ҳам тоқ ўлди, ушбу ҳижрон илқидин,
Васлини жуфт айлашқим, асру пажмондур кўнгул!

Эй Худодод, сабр этиб тур, нола афғонинг қўйиб,
Дамбадам ишқ ўтида барча бирёндуру кўнгул!

Бу кўнгул ишқиди бўлди бас, гирифторм илқидин,
Чораси қолмай битибдур чорайи қор илқидин.

Хар замона аҳли диллар кўнгулини зор айлабон,
Ҳоли қилмас ҳар замоне кўнгулини зор илқидин.

Лутфдин қилди назар, бу аҳли диллар кўнгулига,
Аҳли диллар бузмади кўнгулини дилдор илқидин.

Эй кўнгул ичдине эса ишқин шаробин дамбадам,
Бўлғусидур шарбати васли анинг ёр илқидин.

Ҳажрининг ўтида қўйиб баёқи қўлдин мен тамаш,
Васлини жоми бўлбоним унго дилхор илқидин.

Чехраси қилди тажамно ҳар тараф сир муқиди,
Қилди холи бу кўнгулнинг шубҳа ишқор илқидин.

Сен қачон лойиқ бўлдурсен, эй Худодод васлига,
Токи узмассен, ўзунгни жумла агёр илқидин.



адабиётдаги услубий ранг-барангликни, мавзу қўламининг кенглигини, бадиият ва тилда тушунарликка интилишни чуқур таҳлил этишда яхши восита бўлиб хизмат қила олади. Шу нуқтан назардан хазрат Худододни XV аср охири ва XVI аср биринчи ярмидаги тасаввуфнинг вақили сифатидагина эмас, балки шу даврдаги бадий жараённинг ўзига хос намоёнаси сифатида ҳам ардоқлаб, адабий жараён тарихига номини киритиш аниқ муддаодир. Бу эса хазрат Худодод хотирасини ҳам мутасаввуф ҳамда шоир сифатида керакли даражада абадийлаштиришга асос бўла олади.

Ана шу ишнинг қалдирғочи сифатида хазрат Худододнинг бизга маълум бўлган шеърларидан намуналарини муҳтарам муҳлис ва шеърят шайдоларига илк марта тақдим этиш бизга муяссар бўлганидан Оллоҳ таолога шукрлар айтувмиз.

Бу соҳада иш энди бошланди ва у давом этади. Хазрат Худодод ҳақида янги-янги маъналарнинг, ул хазрат шеърий меросидан янги-янги намуналарнинг топилишига ишончимиз қомил. Ана шу ишлар амалга ошган, хазрат Худодод шеърятининг ғоявий-бадий муқаммал тадқиқи майдонга келгусидир.

Самарқанд

Дехқон ва замин

Фидойилар кўп бўлса

Тошкент тумани пойтахт аҳолисини йил бўйи сарқил сабзавот-мева, узум, картошка ва бошқа неъматлар билан таъминловчи асосий туманлардан биридир. Тумандаги хўжаликлар мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган.

Туман ҳокими, моҳир ташкилотчи Рустам Акбаров билан суҳбатимиз эса фидойилардан бошланди.

— Кўксини душманга қалқон қилиш-гина фидойиллик эмас, — деди у қуён-чақлик билан, — она заминни кўз гавҳаридек ардоқлаб, тупроғини кўзга тўтиб қилиш ҳам фидойилликдир. Президентимизнинг Голландияга қилган сафаридан сўнг фидойиллик ҳақидаги тасаввурим янада кенгайди. Чунки юрт-бошимиз Голландияга «мўъжизалар мамлақати» деб баҳо беришининг ўзида олам маъно бор. Айниқса, ери денгиз сатҳидан паст бўлган мамлакат фидойиларнинг, денгиз қаъридан ер ўзлаштириб, ватан заминига замин қўшишлари афсонавий ҳодисадир. Қолаверса анча нуқолай шарт-шароитда дехқончиликда мислсиз ютуқларга эришган голландиялик фермерларнинг иши ҳар томонлама ибратга лойиқ.

Айниқса уларнинг картошқачилик соҳасида эришган ютуқларига тан бериш керак. Бу йил туманимиз хўжаликлари ҳам Голландиядан келтирилган аъло навли уруғни ерга қададлар. Улар, насиб этса гектаридан 40 тоннадан ҳосил олишни мўлжалламоқдалар.

Ҳоким Голландияда картошқачиликка юксак эътибор берилиши, унинг технологияси ҳақида гапирар экан, бундан бир неча ўн йил бурун бизнинг жумҳуриятимизда ҳам бу соҳага катта эътибор берилганлиги ҳақида сўзлади.

Маълумки Тошкент туманида картошқачилик етакчи соҳа бўлиб, хўжаликларда бу соҳа бўйича етарли таҷриба тўпланган. Хатто картошқачилик бўйича юксак кўрсаткичларга эришганлиги учун, Ғуломмахмуд Абдуллаев ва Турғун Мирзаев каби хўжалик раислари Меҳнат Қаҳрамонни унвонига сазовор бўлишган.

Айниқса, Ғуломмахмуд отанинг қандай қилиб қаҳрамонлиқни олганини ҳамон таърифлаб юришдади.

Ушқ кезларда Ғуломмахмуд отанинг ишдаги кўрсаткичларини текширганлиги келган комиссия аъзолари бир пайкал-

нинг ўртасига боришибди-да, кимнингдир дўпписини чирпирак қилиб отишибди. Дўппи тушган жойдаги картошка тупи қавланибди. Бу ҳол бир неча бор такрорланибди. Қавланган ҳар тупдан бир челақдан ортиқ картошка чиқаётганини кўрган комиссия аъзолари ота-хон рансга тан беришган экан. Уша йили гектаридан 40 тоннадан ошқ картошка олинди, хўжалик бутун вилоятни уруғлик билан таъминлаган экан.

— Бу соҳани ривожлантиришимиз учун икки муҳим муаммога эътиборни кучайтиришимизга тўғри келади, — дейди Рустам ака. Акс ҳолда барча уринишларимиз самарасиз бўлиб қолаверади. Улардан бири — малакали мутахассислар тайёрлаш бўлса, иккинчиси — дехқонлар техникаларни тайёрлашдир. Шунингдек картошқачиликда уруғинга юқори ҳосил олиш гаровидир. Бунда олимларимизнинг меҳнати, изланишлари асқотдади.

Ҳокимнинг айтишича, Тошкент туманида картошқачилик билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот олийгоҳи бўлиб, ташкил этилгандан буён бирон бир сезиларли натижа бўлмади. Натижада ҳаёқ хўжалигига наф келтирмаганлиги учун институт биноси тамаддихонага айлантирилибди. Бунга эса сабаблар кўп бўлиб, энг ёмони етук, ишнинг кўзини биладиган мутахассисларнинг иши тўғри баҳоланмаганлигида. Кўпчилик институт ходимларининг ишдан кўнгли совоб, картошка уруғи тайёрлашни йиғиштириб, бошқа ишларга ўтиб кетишиди. Ҳозир Рустам Акбаров шундай кишиларни олдинги ишларига жалб этишга қатъий киришган.

Қолаверса, техникага эътибор ҳам бу соҳанинг долзарб муаммосидир. Тўғри,

биз яқин-яқинларгача қудратли техникалар жумҳуриятимиз шароитига мос тушиш-тушмаслиги билан ишимиз бўлмади. Амал курсисига ёпишиб олган баъзи раҳбарларни техниканинг қанчаллик иш беришидан кўра хўжаликдаги сони қизиктирдирди. Қизик воқеа: бир хўжалик раҳбарини вилоят миқёсидаги раҳбар қақриб картошка терадиган техникдан тўрттасини сотиб олишга мажбур қилади. У пайтда катта раҳбарнинг сўзини иккита қилиш мумкин эмасди. Техникани келтиришиб орқасига қоп осидида эгатга киритиб юборишди. Пайкалнинг у четига етиб боргунича қоплар тўлганди. Дарҳол уни олиб ағдардишди. Айрим қопларда бир дона ҳам картошка бўлмади ҳаммаси муштдек-муштдек кесакка тўла эди. Чунки техникалар қумлоқ Ўрусия ерларига мослашганди.

Ҳозирги дехқончиликда, айниқса, полив ва сабзавотчиликда қичқ техникаларга катта эҳтиёж сезилмоқда. Уни ривожлантирмай туриб ерга кўнгида-қилда ишлов бериш мумкин эмас. Бу соҳа қанчалик тез ривожлантирилиб, дехқоннинг қўли етадиган нарҳда ишлаб чиқарилмас экан, бизорда арзончилик бўлмади.

Бунинг учун ҳам яна фидойиларга катта имконият яратиб берилишига эътиборни қаратмоқчимиз. Фидойиллик йўқ ерда ривожланиш бўлмаслиги эса аниқ. Президентимиз такрор-такрор айтадиган бизга қалби олов, тadbirkor, юртсевар — фидойилар керак. Улар қанча кўп бўлса, мустақил давлатимиз шунча тез ғуқираб яшайди.

Мурод ПАРПИХУЖАЕВ,
журналист



Машхур саркарда, полковник Махмуд Қосимов.

САРКАРДА

Собиржон ОХУНЖОН УҒЛИ,
истеъфодаги генерал-лейтенант,
уруш ва меҳнат фахрийси

Тошкентнинг Форобий қабристонидаги биринчи ўзбек чегарачиларидан бири, полковник Махмуд Қосимовнинг қабри пойида доимо гуллар бўлади. Чунки уни таниган ва билган кишилар ҳаётлигида қанчалик ҳурмат қилишган бўлсалар, ҳозир ҳам қабрини тез-тез зиёрат қилиб туришади. Ҳаётлигида ҳурмат-эътибор топан Махмуд Қосимовнинг босиб ўтган жанговар ҳаёт йўли гоёта ибратлидир. Икки урушни кўрган, фуқаролар ҳамда Улуғ Ватан уруши жангҳоқларида қон кечган Махмуд Қосимов ўз тақдирини жуда ёшлигидан ҳарбий иш билан боғлади. Андижонлик бу йигитнинг ёшлиги суронли йилларда кўпуровчилар, жосуслар, бузғунчи бандалар ва бошқа чегара бузувчилар билан бўлган курашларда тобланди.

1922 йили у жанубий чегараларга ҳарбий хизматга юборилди. Давлат хавфсизлик идоралари билан ҳамкорликда ва маҳаллий аҳолининг фаол ёрдамида у хизмат қилган бўлинма ўнлаб жосусларини қўлга туширди, чегара бузувчиларни тор-мор қилишда жонбозлик кўрсатди. Еш Махмуднинг ҳарбий соҳада гоёта иқтидорли эканлигини билган чегара ҳарбий раҳбарияти уни 1926 йил Урта Осиё ҳарбий билим юртига ўқушга юборди. Уқув даргоҳида, рус тилидаги фанларни ўзлаштириш қийинлигига қарамаддан кундалик ҳарбий машқ ва жанговар тайёргарликларда ўзбек йигити доимо яхши

ва аъло баҳоларга эришади. Ҳарбий мактабнинг оммавий-сиёсий, тарбиявий-жанговар ишларида ҳамма вақт фаол қатнашди. Ҳарбий мактабни тамомлағач Махмуд Қосимовни энг маъсулиятли нукта саҳрода жойлашган чегара комендатурасига, застава бошлигининг ёрдамчиси этиб юборишади.

Чегарачиликнинг оғир ва машаққатли, айни вақтда шарафли касб эканлигини яхши тушунган Махмуд қисқа вақт ичда саҳро сарҳадларининг иқир-чиқирларини пухта ўзлаштириб олади. Шундан сўнг ёш командир Туркменистоннинг жанубий чегараларида кўп йиллар давомида оғир шароитларда хизмат қилди.

Махмуд ака ўтган вақт давомида чегарачилик маҳоратини мукамал ўрганиб, чегара бузувчилар билан тўқнашувларда чинкиди. Ана шундай тўқнашувлардаги жасорати учун илк бор жанговар — Қизил Юлдуз орденига муносиб деб топилди.

Улуғ Ватан уруши бошланганида Махмуд Қосимов чегара бўлимасининг коменданти лавозимида қўшни Туркменистоннинг жазирама Қорақум саҳроларида хизмат қиларди.

1941 йилнинг декабрь ойида эса Махмуд Қосимов отлик полкнинг штаб бошлиғи этиб тайинланади. Йигирма йил давомида паст-баландни ўрганиб, ўзи севиб қолган соҳа — чегара хизмати билан хайрлашади. М. Қосимов хизмат қилган отлик полк Урта Осиё бўйлаб Каспийдан Грамнинг юқори қўққила-

ригача бўлган катта масофани чидам ва сабр-бардош билан босиб, фронтга йўл оладилар. Улар орасида ўзбек халқининг яна бир содиқ фарзанди, бўлғуси генерал ва қаҳрамон Собир Раҳимов ҳам бор эди.

Махмуд Қосимов бу отлик полкдаги қисм ва бўлинмаларни галдаги жангу-жадалларга тайёрлашда ўзининг бой тажрибасини ишга солиб, оддий солдатлар орасида катта обрў қозонади.

Ҳарбий билим назариясини мукамал эгаллаш ниятида Махмуд Қосимов 1942 йилнинг август ойидан то 1943 йилнинг июл ойигача Москвадаги командирлар тайёрлаш ҳарбий Академиясида таҳсил кўрди. Бу ерда у душманни тор-мор этишнинг турли йўлларини ўрганади...

Ниҳоят, яна фронтга, жангга йўлланма олади. Бу ерда ҳам полковник Махмуд Қосимовдаги ҳарбий иқтидор ва кўникмани англаган кўмондонлик уни маъсулиятли вазифага — 4-Украина фронтининг 54-ўқчи корпусига тезкор бўлим бошлиғи қилиб тайинлайди.

Жасур командир, ташкилотчи Махмуд Қосимов 54-ўқчи корпуснинг дивизияси билан Донбасс, Славянск, Краматорск, Запорожье, Миус дарёси, Мелитопол шаҳарларини фашист босқинчиларидан озод қилишда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатди. 1944 йилнинг бошларида тарих саҳифасига фахр билан ёзилган Перекоп операциясининг режаларини қизишда ва амалга оширишда М. Қосимовнинг хизмати жуда салмоқли бўлди. Ҳаммадан унинг мазкур операциядаги режаларини ишлаб чиқишдаги иштироки беназирдир. Бу операцияни тузишда ва уни амалга оширишда ўзбек халқининг фарзанди, билимдон сипоҳиси ўз қалами ва қуроли билан қатнашганидан ҳақли равишда фахрланамиз. Уша кездеги энг қувонарлиси унинг чизган жанговар хариталари, жанговар ҳисоб-китоблари тўла-тўқис амалга ошди. Операция муваффақиятли тугайди, Кримда фашистлар Олмониясининг катта гуруҳи тор-мор этилди.

Махмуд Қосимов фақат штаб офицеригина бўлиб қолмай, ўзи бевосита жанговар ҳужумларда ва разведкаларда оддий солдатлар билан бирга бўлди ва уларга шахсий намуна кўрсатарди. Улуғ Ватан уруши йилларида у бир неча маротаба ярадор бўлди, бош яллиғлинишига учради. Аммо шунга қарамай, у доимо дала ҳарбий шифохонасида даволаниб яна жангга кирарди. Мамлакат ичкарисига бориб давланиш ҳақида бериладиган маслаҳатларга эътиборсиз қарарди. Полковник Махмуд Қосимовнинг Улуғ Ватан уруши фронтларида кўрсатган жасорати юксак қадрланди. У Ленин ордени ва учта Жанговар Қизил Байроқ ордени ва бир қанча жанговар медаллар билан мукофотланди.

Улуғ Ватан уруши тамом бўлгандан кейин ҳам полковник Махмуд Қосимов Хитойда ҳукуматимизнинг алоҳида муҳим ва махсус жанговар топширигини шараф билан бажарди. 1946 йилдан 1954 йилгача Фарғона вилоят ҳарбий комиссари бўлиб ишлади.

Ҳаёт йўли жангу-жадалларда, меҳнатда, изланишда ўтган одам меҳнатсиз яшай олмайди. Шунинг учун Махмуд Қосимов истеъфога чиққач, меҳнат-кашлар депутатлари Фарғона шаҳар Шўросининг раиси лавозимида ҳам жумҳуриятимизнинг равнақи ишига баракали ҳисса қўшди. Фарғона вилоят ва шаҳар Шўроларининг депутати бўлиб, халқ хизматкори, деган шарафли номи ҳам олди.

Бутун умрини халқнинг порлоқ келажагига бахшида этган моҳир командир-чегарачи, ташкилотчи ва тадбиркор раҳбар бўлиб ўлка тарихида ўзига хос из қолдирган полковник Махмуд Қосимов 1963 йил 19 майда вафот этди.

Бу кишининг халқимиз учун қилган катта хизматлари унинг Ватан чегарасидаги фаолияти, мардлик ва жасоратига тўла ҳаёти ёшларимизга ибрат бўлиб қолмоғи керак.

Бугун пойтахтдаги Юнусобод туманидаги бир кўча полковник Махмуд Қосимов номи билан аталади. Унинг номидаги мактаб ва ҳунар-техника билим юрталари бор. Унинг жасоратга молик ҳаёти акс этган фото-ҳужжат материаллари Самарқанддаги Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи музейида сақланмоқда.

Яқинда Фарғона вилояти ҳокими қарорига биноан Фарғона шаҳридаги энг катта кўча — «Полковник Махмуд Қосимов кўчаси» деб аталадиган бўлди. Бу яна бир бор ҳамшаҳарларининг унга, унинг барҳаёт руҳига бўлган izzати, иқромидир. Она Ватанинг истиқлолини кўролмай кетган халқнинг жасур фарзандига нисбатан авлодларнинг ҳурмат-эҳтиромидир.

Рухият мусаввири

Юракни тўлкинлантирувчи, илк ҳисларни кўнгилга олиб кирувчи сеҳрли сўзлар тизмаси ўқувчини беҳтиёр энттиктириб юбориши табиий. Ана шундай пайтларда шoir шеърлари нафис инпадек мулоим бир кайфият бағишлаб, юрак қатларидан жой олади.

Шoir Уткир Раҳматнинг «Жилға»¹ номли шеърлар тўпламидан ҳам эзгу ниятларимизга ҳамоҳанг, гўзал ташбеҳлар билан битилган мисралар ўрин олади.

Шoirнинг мана бу майин мисралари ҳаёл торларини чертиб инсон қалбининг даласига оппоқ пардадай тўшалди.

*...Омонатдир севинч ила ғам,
Бери меҳмон, бери мезбондир.
Севинч қулса бахтлидир одам,
Ғам юз тутса юраци қондир.
Юрт талашиб кўплар овора,
Қин ва ҳасад дилларда қат-қат,
Кетиб борар она сайёра,
Омонатлар ичра омонат.*

Шoir айтганидай инсон умри она Сайёрамиз олдида жуда-жуда, омонатдир. Бир гулнинг гунчаси очилгунча вақт ўтмай тирикликни неча-неча минглаб одамлар бажо келтиради. Биз шoir сўзлаганидай нафақат бир-биримиз, балки яшил дарахтлар олдида ҳам жуда омонатмиз. Ана шундай яшаш бахтига мушарраф бўлганлар ичида ҳам ана шу омонатгина ҳаётни янада кискартиришга уринувчилар топилади. Шoirнинг ҳаёлот дунёсига кечган ўқинч ва алам саҳифаларга мана бундай кўчган:

*Тириклик бу — топилмас бир бахт,
Икки қайта яшамас одам.*

Ха-ҳа инсонга икки қайта яшаш nasib қилмаган. Шундай экан, биргина жонимиз, биргина ҳаётимиз учун ўзликни ўтдан олиб сувга, сувдан олиб оловга уриш шартмикин. Ўзбекда азалдан «Инсон боласи курашларда тобланади», деган бир ибора яшайди. Ҳақиқатан ҳам инсон боласи курашларда чиниқади, пишадди, етилади. Аммо курашнинг бош мезони эзгуликка курилгандагина етуклик, мукаммаликка эришиш мумкин. Шoir сўйлагандай аслида кин-адоват муҳиш касалликдир. Шoir бу оғир, сурункали касалликни қанчалик дилларда қат-қат бўлиб кетганлигини юракда бир алам билан сатрларга тиздиб китобхонга мурожаат қилади.

Элнинг дилидаги армонларни, орзуларни, ғаму ташвишларни қалб элагиде элаб борини ўз эли, халқи юрагига мисқоллаб, сайқаллаб етказиш шoirнинг бурчидир. Уткир Раҳматнинг «Байналмилал» шеърда ана шу қалб элагидан ўтган бир парча бор:

*Бўғзимизда қолиб кетган сўзимизни айт,
Ҳақиқатни кўрмай ўтган кўзимизни айт.
Ноҳақликда қаро бўлган юзимизни айт,
Қорни тўқлар оёғида хор бўлган қўшиқ,
Оч ва қўллар овозига зор бўлган қўшиқ!*

Инсон очми, яланғочми унга бодаликдан табиати, тоғу тоши, сувлари, дарахтлари бор бўлган Ватан керак. Инсон ана шу ватаннинг бир фарзанди сифатида овоз, эркин куш бўлмоғи лозим. Шундагина биз ҳар қандай қудратли ишларни амалга оширишга қодир бўлаемиз.

Бугунги кунларда бизда ана шундай Ватан бор... Биз юқоридаги сатрларда ватансиз кунларнинг армонини қалбда туямиз ва беихтиёр яна қайта шoir шеърига қайтаемиз.

Бўғзимизда қолиб кетган сўзимизни айт...

...Уткир Раҳматнинг «Байналмилал» шеър юракни тўлкинлантирадиган, олис-олис ортда қолиб кетган кунларни бор бўй басти билан шундай жойимизга тўшайдики, беихтиёр халқнинг армонларини бир шода жон бўлиб қаршимиздан оқиб ўтади:

*Қўчаларда байроқларни ҳайқариб тутдик,
Гапиролмай оқибатда тилимиз ютдик,
Иқболимиз курашданмас бировдан кутдик,
Қорни тўқлар оёғида хор бўлган қўшиқ,
Оч ва қўллар овозига зор бўлган қўшиқ!*

Ҳа шундай бўлган эди. Кечагина, куёшнинг ўтли тиги остида бир парча латгани қўлда маҳкам сиқиб олис юртдан юртбошимиз келишини интизор, хор бўлиб кутардик. Бир лаҳзалик унинг қўлларини ҳавода эринибгина силкитиши бутун бир халқнинг фахри эди. Бу ҳақиқатни ҳеч биримиз инкор қила олмайми. Кейин эса эзилиб, хоргин кнефада кулбамиз остонасидан бош суқардик. Аммо юракда бир ғашлик, не ғашлик, эканлигини билиб-билмай уйқуга кетардик.

Шу шеър томо маънодаги ўтган кунларнинг эзгин, хоргин, сўлгин хотирасидир.

Инсон хотирасини учқур ҳаёл бир-бир териб муштараклик касб қилади. Айниқса ижодкор ҳаёли бир умр ўтган кунлар хотирасини териб, халқнинг ҳаёлида кўтарилган кунларни уларга яна қайта етказмоқ истагиде яшайди. Бизнинг тасаввуримизда Уткир Раҳматнинг «Жилға» тўплами ўтган кунлар хотирасининг ҳаёлот дунёсига ўхшайди. Унинг «Гул-асал» деб номланувчи ғамгин шеърда ҳам бундан эллик йил муқаддам отасидан қора хат олган кизалоқнинг сўнги жонга килиниб сўйлаганлари оғир, босиқ сўзлар ила хикоя қилинадики, беихтиёр ўша киз қисматидан қалбингиз жунбушга келиб киприкларингизга армон ёши илинади.

ЎТКИР РАҲМАТ

ЖИЛҒА



*...Эртасига келмади Гуласал,
Кеча-кундуз бўлди қўшиғи,
гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ,
эшилиб-эшилиб ўтди.
Фақат келмай қўйди Гуласал.
Бир кун тонг саҳарда
уйғотдилар онам.*

— Тур, Мастура холангичига борайлик,

Гуласал ҳадеб сени сўраётганмиш тушида ҳам, ўнгида ҳам.

Гулдай қизча шундай бўлмасинди

уруш бўлмаганда,
паймонаси тўлмаганда...

Мастура хола кўз ёши билан Юзларимни юзига босиб оқ чекиб юборди.

— Акажони, қизганим Гуласалнинг!..

Алаҳлаб ётарди

тўшақда Гуласал,
эрта узилган гунчадай сўлиб...

— Акажон...
сигирим қайтиб келди...

дадам ҳам ёзди оқ хат...
қани нон... дадажон!..

Юраклар анордай эзилди бу оҳдан!
Гуласал узилди...

Қовоқлари — бодом,
Кўзлари — илҳақ,

юзлари оппоқ гулдай,
лабига қотган сўз:

СИГИРИМ,
ОҚ ХАТ,
НОН!

Тўшақда ётарди Гуласал,
асалим!

Бутун бир инсониятнинг улкан фожеасига айланган кирк бир — кирк бешинчи йилнинг қонли қирғинбаротларида миллионлаб турли миллатга мансуб халқлар ҳалок бўлдилар. Улар ортдан эса оналар, оталар, фарзандлар маънавий мажруҳ бўлиб қолдилар. Улар ҳамон оталарини, сеvimли ёрларини илҳак куттишадди. Қани энди улар қайтишса.

Ун гулдан бир гули очилмаган ўзбек ўғлонларини ҳатто немиснинг кулолидаги ўқини камайтириш учун ҳам ёёқ қуроқлар билан фронтнинг биринчи чизигига ташлаб юборилган пайтлар бўлган. Улар шундай ҳалок бўлишган.

Йўқ, бугун биз у кунларнинг устидан ҳукм чиқаришга ожизмиз. Аммо шoir шеърдаги оналарнинг, болаларнинг фарёдини яна бир бор тинглаганда урушларни бошловчиларга юракда бир туганмас нафрат уйғонади.

Шoir жажжи кизалоқнинг лаҳзалик умри орқали бутун бир улкан фожеанинг халқимизга нақадар кечириб бўлмас кўргуликларни олиб келганлигини юрак жавоҳирдайд сўзлар билан сатрларга тиздики, беихтиёр вужудингиз титраб, ота меҳрига етолмасдан сўлган кизалоқнинг сўлгин чехраси кўз олдингизда намоён бўлади.

Гуласалнинг ҳаёт жами сўниб бораётган нигоҳидан, қовжираб қолган лабларидан уган:

Акажон...

сигирим қайтиб келди...

дадам ҳам ёзди оқ хат...

қани нон... дадажон!..

сўзларини юракда титроқсиз ўқий олмайсиз. Бир бурда нонга зор бўлиб бу ёруғ олам билан видолашган кизалоқнинг сўнги нафаси ила ўзингизда ҳам недир содир бўлгандай бўшашиб кетасиз.

Бу оддий шеър эмас. Бу миллатнинг қаро кунларининг узун, оғир ғамгин куйга солинган оҳангидир.

Уткир Раҳмат рухият мусаввиридир. Унинг шеърларида нафақат бир шеър чизиги, унда рухият ҳаракати ва шу ҳаракат орқали ўз халқига бўлган улғур бир меҳрини қалбдан хис қиласиз.

Бу кичик бир мақолада шoir шеърларининг айримлари ҳақида баҳоли-қудрат сўйладики. Аммо ўзга шеърларини шу китобчадан ўзингиз ўқиб яхши бир илиқликни юракдан тўясиз деган умиддамиз.

Абдурашид НУРМУРОДОВ.

¹ Уткир Раҳмат — «Жилға». Тошкент. «Қамалак» нашриёти. 1992 йил.

Адолат тарозиси



**Ифтихор
туйгуси**

Миллий истиқлол — бу Ўзбекистон диёрида яшаётган ва аҳолининг асосий қисмини ташкил этган ўзбеклар истиқлоли бўлиб қолмай, балки шу заминда яшаётган ўзбеклар билан бир қаторда бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилаётган бошқа миллатларнинг ҳам истиқлолидир. Ўзбекиона урф-одатлар, анъаналар, қадриятларни тиклаш билан бир қаторда бошқа миллатларнинг ҳам қадриятларини тиклаш ва қадрлаш ўйламанки, ҳақиқий миллий истиқлолни вужудга келтиради. Шу ўринда қисқа вақт мобайнида бу борда ҳам ибратли ишлар қилинди. Ўзбекистонда бошқа миллатларнинг миллий марказларининг ташкил этилиши, урф-одатлари, тарихий анъаналарнинг тикланиши Ўзбекистонда барча миллатлар тенг ҳуқуқли эканлигининг кўринишидир. Халқимизнинг дунёқарашда ҳам кескин ўзгаришлар рўй бера бошлади. Истиқлол туғилган кишиларимизнинг Ватанга, Ўзбекистон диёрига меҳрли муносабати шаклланиб бормоқда. Бугун Ватаннинг ҳар бир асл фарзанди ўзини, ота юртининг ажралмас бўлаги, деб ҳис этмоқда ва бундан фахрланмоқда. Истиқлол берган энг катта бойликлардан бири ҳам шундир.

Шунингдек, ҳозирги даврининг асосий вазифаларидан бири бу Ўзбекистонда, она юртимизда тинчликни сақлаш ҳисобланади. Ҳар бир маданиятчи инсон авваламбор, ўз оиласида, ўзи хизмат қилаётган корхонада, жамоада тинч-тотувликни сақлаши, ўзгаларнинг қайгу-аламига ҳамдард бўлиши, вақти келганда эса тасалли бериши лозимдир.

Она заминимизда қўзланган вазифалар тўлалигича амалга ошадиган бўлса, мустақил Ўзбекистонимиз ўзи танлаган йўл ила ҳақиқий демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиб, шу диёрда яшаётган барча миллатлар, эзлатлар, яъни Ўзбекистон халқи учун яқин йиллар ичида тўқин-сочин ҳаётни барпо этилишига аминман.

Бахтиёр КОДИРОВ,
хуқуқшунос

Ўзбек халқи тарихида ҳеч қачон ўз тақдирини ўзи белгилаши учун ҳозиргидек масъулиятли давр бўлган эмас. Мустақиллик кимларгадир эргашиб, кимлардандир андоза олиб яшашимизга хотима берди. Мамлакатимиз бугунги кунда тараққиёт чорраҳасида турибди. Чорраҳада эса бир-бири билан кесишган йўллар жуда кўп. Биз ана шу кесилган йўллардан ўз мустақил йўлимизни танлаб олишимиз лозим.

Тараққиётнинг чинакам белгиси — мамлакатнинг катта-кичиклиги, ерининг ҳосилдорлиги, табиат инъом этган бойликларнинг битмас-туганмаслиги билангина чегараланмай, шу билан бирга ана шу юрт бағрида тарбия қўриб, камол топган инсон руҳий олами қанчалик мустаҳкамлиги билан белгиланади. Руҳий олами эса инсоннинг қадр-қиммати ва унинг юксак мавқеи, қатъий эътиқоди, сўнмас ишончи билан узвий боғлиқдир.

Италиянинг машҳур саркардаси Гарибальди мамлакатнинг мустақиллиги йўлидаги урушларда ғалабага эришгач «Озод Италияни барпо этдик. Мана энди италянларни яратсак бўлгани», — деб айтган экан.

Мустақиллик учун моддий бойлик яратиш қанчалик зарур бўлса, маънавиятни янгилаш ҳам шунчалик муҳимдир.

Президентимиз «олдин одамларга моддий бойлик яратиб берайлик, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлашга вақт етиб келади» — дегувчиларга қарата «маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир», — деб алоҳида ўқтиради ва ёшларимизга ота-боболарининг асрий мероси бўлиб келган миллий қадриятларимизни, гўзал урф-одатларимизни ахлоқий қондаларини сингдириб бориш зарурлигини кўрсатиб берди.

Ислол маданиятининг асосчилари ва пешволари Аҳмад Ясавий, Ат-Термизий, Исмоил Бухорийи ва уларнинг юзлаб издошлари халқимизнинг аjoyиб қадриятларини бойитиб борганлар: оллоҳ олдида шоху-гадонинг тенглиги, саҳийлик ва бахиллик, ҳалол ва ҳаром, инсоф ва адолат каби умуминсоний фазилатларга муқаддаслик мазмунини берганлар ҳам ана ўшалар. Бу қадриятлар мамлакат осойишталиги ва барқарорлигини таъминлаш йўлида оддий фуқародан тортиб, олий ҳукмдоргача барчанчи хатти-ҳаракатида асқотадиган ахлоқий нормалар ҳисобланган. Ўзбекистонимизнинг келажаги кўп жиҳатдан ана шу қадриятларни асрлар қаъридан ажратиб, тозалаб, тараққиётимизнинг маънавий асоси қилиб олишимизга боғлиқдир.

Афсуски, кейинги йилларда маънавий жиҳатдан қашшоқландик, одобимизга оз бўлсада пугур етди. Шаҳар дехқон бозорига кўнгилга хиралик тортадиган «антиқа» бир воқеага гувоҳ бўлганимиздан кейин бу ҳақда қуқурроқ мулоҳаза юриштишимизга тўғри келди.

Гўшт дўконидан савдо қилиб чиққан аёл, қассоб ўлчаб берган қўлидаги гўштни чамалаб қўриб, тўғрилигига шубҳаланди шекилли, қўшни қаторда мева сотиб турган отахоннинг тарозисида қайта ўлчатиб, фиғони фалакка кўтарилиб қайтиб келди.

— Инсоф борми сизда, икки килограммдан ҳам тўрт юз грамм уриб қоласизми?!

— Илоҳим буюрмасин, олганларингиз тешиб чиқсин, — деб қоғозга ўроқлик гўштни пештахтага қўйди. Қассоб пулни қайтариб бераман, одамлар олдида мулзам бўлиб, қаллоблиги учун аёлдан кечирим сўраш ўрнига, пештахтадан сакраб ўтиб, холис хизмат қилган дехқоннинг тарози палласини улоқтириб юборди.

— Неча марта айтай сенга савдомга халақит берма, — деб отаси қатори қарияга ўшқирди. Мана шу кўнгилис воқеа сабаб бўлиб, қадимий Шарқ бозори, дўкон — расталардаги тартиб ва интизом, одоб қондалари кўз ўнгимиздан ўтди.

Кўпни кўрган отахонларнинг ҳикоя қилишларича, бозор савдо-тижорат қиладиган майдон бўлибгина қолмай, балки одамларни инсофу — дёнбатга, шарқона андишаю — ҳалолликка ўргатувчи тарбия маскани ҳам бўлган экан. Одамлар бозорда бир-бирлари билан гурунглашиб, таниш-билиш орттириб, ҳар ҳил томошалар қўриб, янгиликлардан хабардор бўлиб мароқли дам олиб қайтган эканлар. Навоий замонида савдо — тижорат аҳли «бозургон» деб аталган. Бозургонлар шунчалик ҳурмат — эҳтиромли бўлганларки, улар шайнга аjoyиб куй ва қўшиқлар басталанган. Бугунги кунда ҳаммамиз хузур қилиб эшитадиган «Шашмақом»нинг «Дугоҳ» мақомига тегишли мумтоз ғазалнинг «бозургоний» деб аталганлигининг боиси ҳам шундадир.

Қадимги Шарқ бозорининг эътиборли жойи шундаки, лафзиде собит туриш, ўлчов ва тарозидан уриб қолмаслик бозор кўтарганича инсоф билан нарх қўйиш каби ахлоқий қондалар барча учун бирдай муқаддас ҳисобланган. Бозорнинг олди-берди ишларида харидорни алдамаслик, сотилаётган буюмининг айбини яшириб бойлик орттиришга уринмаслик шариат қондаларида барчага баробар вожиб этилган. Қуръони Қаримнинг кўплаб суръа ва оятларида бу ҳақда Оллоҳ номидан мусулмонларга танбех ва хитоб қилинган. Ҳатто суралардан бирининг номи «тарозидан уриб қолиб хиёнат йўли билан мол сотувчилар тўғрисида» деб номланади.

Ислол ахлоқи ҳамда панду насиҳатлари Шарқ бозорининг маънавий асосини ташкил қилган дейиш мумкин. Нариги дунёга риҳлат қилганларнинг тобути устиде марҳумнинг қандай одамлиги, бировлардан қарз олган одамганлиги, ҳалол-покизалиги жамоатчилик олдида сўраб-суриштирилган. Шариат эса, ўғрининг қўли, бармоқларини кесиб, халойиқ олдида сазойи қилиш жаозисини кўллаган. Шунинг учун бўлса керак, дўконлар беркитилмаган, бозор расталари ҳамиша очик қолдирилган. Аксарият халқ қанчалик оз бўлмасин, лекин ҳеч қачон ўғрилиқ йўлга кирмаган. Савдо-тижорат аҳли инсофли, дёнбатли бўлгач, харидорлар ҳам уларга муносиб бўлишган. Карвонсаройлар, мусофирхоналар ҳамиша улар хизматига бўлган. Мамлакатнинг подшоҳидан тортиб фуқаросигача уларни бало-қазолардан, қароқчию-ўлтирсарлардан муҳофаза қилишган. Масалан, Фарғона подшоиси Умаршайх Мирзога (Бобурнинг отаси) Андижоннинг шарқий тарафидеги тоғлар ортида Хитойдан йўлга чиққан карвоннинг қор

остиде қолиб, тирик одам қолмаганлиги ҳақида хабар келади. Шох карвонга қарашли барча молу-мулкни сароига келтиришни буюради ва тезлик билан унинг ворисини аниқлаш мақсадида Шарқ давлатларига чопар юборади. Ниҳоят икки йилдан сўнг меросхўр Хуросондан топилиб карвон бекамуркўст эгасига қайтарилади.

«Бобурнома»да келтирилган бу ҳикоята де мурирлар замониде савдо — тижорат ишлари қанчалик ҳалол-покиза олиб борилганлиги баён этилган.


Ҳазрат Навоий ҳам савдо аҳлини шунчалик ҳурмат қилганки, уларнинг риёзатини Ватанин ҳимоя қилувчи жангчи хизматига қиёс этган. Ростда, қўрқинчли, серуруш эоманлар бўлишига қарамай ипак йўли бозорларини бир-бири билан боғлаш жангчининг жаозратини эслатмайди? Афсуски, кейинчалик ҳамма нарса ўзгариб, анъанавий шарқ бозори шамойилидан дарз кетабошлади. Савдогарга хос софлик, ростгўйлик, қаноат сингари фазилатлар аста-секин барҳам топа бошлади. Дўкону расталарда харидорлар ҳақида хиёнат қилиш, молнинг энидан, бўйидан, тарозидан уриб қолиш оддий ҳолга айланган борди. Оқибатда «бозургон» «савдогар», «тижоратчи» сўзлари ўзининг аввалги ижобий моҳиятини йўқота бошлади. Қадимий гўзал атама ўрнини «олиб сотар», «чайқовчи» сингари таҳқирловчи тушунчалар эгаллаш бошлади. Албатта бу билан биз хорижий мамлакатлардан юз минг машаққат билан маҳсулот олиб келаётган тижоратчи юртдошларимизни бугунги заҳматларини камситмоқчи эмасмиз. Кавказ ортидаги отишмаларни, божхоналардаги товламачиликни, юз хил хавфли тасодиқларни назар-писанд этмай харидорбор мол олиб келаётган юртдошларимиз ўтказётган молларига ўтакетган даражада баднафслик билан ошиқча нарх қўймаганларида, маҳаллий тадбиркорлар маҳсулот этиштиришни йигиштириб тайёр саноат молларига маҳлиё бўлиб кетмаганларида эди улар ҳозирда ҳам эл эътиборига тушиб қолишлари ҳеч гап эмасди. Афсуски, бу йўлдан боришга уларнинг сабуру қаноатлари етишмапти.

Президентимиз ўз сиёсий сардорлик фаолиятининг биринчи кунларидан бошлаб ана шу инсонпарварлик қадриятларига амал қилаётганлиги ҳаммага аён. У аввало халқ тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида инсон қадр-қимматини таҳқирловчи қаллобликларга, қонунбузарликларга қарши ўт очиб юборди. Юртбошимизнинг таъбирича «халқ ҳар қандай очликка, ночорликка, ҳамма нарсага бардош бериши мумкин, аммо адолатсизликка чидаб туролмайди».

Юртбошимизнинг эл осойишталиги, юрт барқарорлиги ва маъмурчилиги йўлидаги бу жушунинг фаолияти жонажон Ўзбекистонимизда тез кунларда адолат тантана қилишига, инсон қадр-қимматининг кўтарилишига олиб келади деб умид қилиш мумкин.

Аҳрор ҲАСАНОВ,
фалсафа фанлари номзоди

ИСТЕЪДОДНИНГ ОЛМОС ҚИРРАЛАРИ



Иқтидорли кишиларнинг истеъдодини олмосга қиёслашди. Чунки юксак иқтидор эгалари ҳам олмос сингари ўзидан сўнмас нур таратиб оламга, кишиларга илм ва яхшилик зиёсини сингдиради. Бу эса олмос қиёсли ноёб қобилиятли кишиларга Яратганининг ўзи томонидан инъом этилган бебаҳо бойликдир.

Замондошларимиз орасида ҳам шундай фидокор истеъдод эгалари борки, бундай инсонларнинг «олмос қирраларининг сўнмас нурлари» ўз халқининг ва ватанининг келажаги йўлидаги улуг мақсадларга томон қаратилган бўлади. Бундай фидоий инсонлар кунларни тунларга улаб бўлса-да илм-фан йўлида захмат чекавердилар. Игна билан қудуқ қазишдек машаққатли ва масъулиятли йўлдан юксалиб боравердилар. Ана шундай инсонлардан бири Ўзбекистон Республикаси халқ ноиб, Халқаро мухандислар Академиясининг академиги, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, Мирзо Улугбек номидаги Самарқанд меъморчилик, қурилиш олийгоҳининг материаллар қорилиги кафедраси мудири, техника фанлари доктори Тошпўлат Ширинқуловдир.

Танти табиат Тошпўлат Ширинқуловга бекиёс истеъдод, камтаринлик, одамхунлик, шу билан бирга соддалик ва кенг феъллик хислатларини ато этди. Ҳаётда баъзан бу хислатлари ўзига бир неча бор қимматга тушган чоғлари ҳам бўлган. Лекин покиза қалб эгаси ҳеч қачон ўз эътиқодидан қайтмаган.

1960 йили Самарқанд давлат дорилфунунининг механика математика факультетини тугаллаган Тошпўлат Ширинқулов дастлаб иш фаолиятини Ўзбекистон Фанлар академиясидан бошлади. Бу илм даргоҳида дастлаб лаборант, кейинчалик кичик ва катта илмий ходим вазифаларида ишлаб, ўзининг номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилшга муваффақ бўлди.

1971 йилдан Тошкент политехника институтида кафедра мудири, кейинчалик қишлоқ қурилиш факультети декани сифатида фаолият кўрсатди. Тошпўлат ака ўзи раҳбарлик қилган кафедраларда ҳисоблаш марказларини тузишга бош-қош бўлади. Натижада олийгоҳда мутахассисларни тайёрлаш сифатини яхшилаш, ўқув технологиясини янгилаш орқали таълим жараёнини ҳам яхшилашга ҳисса қўшди. Тошпўлат Ширинқуловнинг ўткир истеъдодини, ташкилотчилик қобилиятини пайқаган Шароф Рашидов 1975 йилнинг декабрида уни ҳузурига чақириб, Самарқанд архитектура қурилиш олийгоҳи очилганлигига ўн йил бўлишига қарамасдан оёққа туриб кетмаётганлигини, ҳатто ана шу олий даргоҳ ёпилиш ҳолатига келиб қолгани ҳусусида сўз юритиб, уни Самарқандга боришга даъват этди. Ушбу суҳбатдан кейин кўп вақт ўтмай иқтидорли олим Самарқанд меъморчилик-қурилиш олийгоҳининг ректори лавозимига тайинланди.

Ҳақиқатан ўша кезларда олийгоҳда буйруқбозлик, таниш-билишчилик ва порахўрлик, гуруҳбозлик авж олган, жамоа эса оғир маънавий муҳитни бошидан кечирарди.

Иқтидорли олим биринчи галда олийгоҳда маънавий муҳитни яхшилашга эътибор беради. Айниқса, 1976 йилнинг феврали — бу пайтга келиб, ҳамма жойларда режалар тасдиқланган, бюджетлар бўлинган, тақсимланган, маблағ олиш учун имконият йўқ эди. Лекин у Тошкентга неча бор қатнаб олийгоҳнинг бош биноси қурилиши учун 700 минг сўм маблағ ажраттиришга эришди.

Натижада қисқа вақт ичида 17 минг квадрат метр майдонга эга бўлган, замонавий андозада қурилган ва ўқув техника мосламалари асосида жиҳозланган 9 қаватли бош ўқув биноси фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари олийгоҳ ўқитувчи ва ходимлари учун иккита кўп қаватли тураржой бинолари, 411 ўринли ётоқхона, 100 ўринли профилактик даволаш маскани ҳамда шаҳар чеккасига туташиб кетган Зарафшон тизма тоғларининг этагидаги Мирнокўл қишлоғида спорт соғломлаштириш мажмуалари ишга туширилди.

Давр тараққиётини етук мутахассислар таъминлайди, дейишади. Шу сабабли ҳам янги ректор иш фаолиятининг жараёнида асосий эътиборни нафақат олийгоҳнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, балки етук мутахассислар тайёрлашга ҳам эътиборни қаратди. У кишининг ташаббуси билан Тошкент политехника, Самарқанд меъморчилик-қурилиш, Самарқанд давлат дорилфунунларини битирган иқтидорли ёшлардан танлаб олинди, Москва, Тошкент, Ленинград, Львов, Новосибирск каби шаҳарларга аспирантура ва иш ўрганиш учун юборилди. Улар мазкур илм-фан марказларидаги йирик олимларнинг тажрибаларини ўрганиб яна Самарқанд меъморчилик-қурилиш олийгоҳига ишга келдилар. Институтда ҳар йили Халқаро конференциялар ва симпозиумлар ўтказиладиган бўлди.

Иқтидорли ўшларни турли шаҳарларга юбориш анъанаси муттасил давом эттирилди. Булар Тошпўлат Ширинқуловнинг институтни юксалтириш учун амалга оширган кенг қамровли ишларининг биргина бўлган эди, холос. Маълумки, Самарқанд қадим қадимдан ҳам Туркистондаги илм-фан ўчоқларидан бири бўлиб келган. Ҳозирги вақтда ҳам у ерда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Самарқанд бўлими очилиб фаолият кўрсатмоқда. Олимларнинг эришяётган илмий ютуқларида, домланинг бевосита ҳиссаси сезилиб туради. Бироқ, 1985 йилда бошланган ур-тўфонлар силсиласидан Тошпўлат Ширинқулов ҳам бебаҳра қолмаганда. Унга ҳам кўплар қатори Рашидовнинг одами деган тамга босилади. У бошланган ишларни йўққа чиқармоқчи бўлганлар ҳам топилди. Лекин ҳақ ўз ўрнида қарор топди. Ҳақиқат эгилади, букилади, лекин барбир синаймади. Тошпўлат Ширинқуловнинг ҳам мана бугун юзи ёруғ, қомаги тик, қалби пок, энг асосийси у ҳақиқий илм кишини эканлигини, ўзининг нималарга қодир эканлигини барчага намойён қилди. Халқ ишончини қозониб Ўзбекистон жумҳурияти халқ депутатлигига сайланди. Халқаро мухандислар Академиясининг академиги ва Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси бўлди. У нафақат жумҳуриятда, балки Халқаро механика-қурилиш соҳасида йирик олимлардан саналади.

Иншоотлар ва қурилмаларнинг мустаҳкамлик ва вақт бўйича чидамлилигини таъминлаш муаммоси мавзуси Тошпўлат Ширинқуловнинг 1965 йилда ҳимоя қилинган номзодлик диссертациясида илгари сурилган бўлса, кейинчалик бу хулосалар 1970 йилда ҳимоя қилинган докторлик илмий ишида кенг ривожлантирилди ва ўз ечимини топди. Академик, машҳур олим Меҳнат Қаҳрамони Х. А. Рахматуллин, академик М. Т. Урозовев, Украинияда катта олимлари Г. И. Савин ва профессор М. И. Разовскийларнинг таъбири бўйича айтганда, бу соҳада янги йўналишга эга бўлган ўзбек мактабининг яратди.

Академик Тошпўлат Ширинқулов Токиода, Лондон, Стокгольм, Дехли ва Хитойда бўлган Халқаро

илмий конгресс ва симпозиумларда маърузалар билан қатнашган. Домланинг қаламига мансуб икки юздан ортиқ илмий ишларида, 10 га яқин илмий монографияларида қурилиш механикаси фанининг муҳим қирралари аниқ далиллар асосида очиб берилди. 1987 йилда академик Тошпўлат Ширинқулов раҳбарлигида қурилиш олийгоҳлари талабалари учун «Мутахассисликка кириш» китоби нашр этилди. Айни пайтда ўзбек тилида «Қаттиқ жисмлар механикаси» китоби ҳам босилиб чиқиш арафасида.

Домла шогирдларига нисбатан ҳам меҳрибон, ҳам талабчан устоздир. Унинг раҳбарлигида фан номзодлари ва докторлари даражаларига етишган кўплаб мутахассислар ҳозирги пайтда Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатларида ўз изланишларини собитлик билан давом эттирмоқдалар. Шу пайтга қадар Т. Ширинқулов раҳбарлигида 22 фан номзоди, 6 нафар фан доктори тайёрланди. Ҳозирги вақтда саккиз нафар номзодлик ишлари, 4 нафар докторлик диссертацияси тайёрланиб муҳокама қилиш арафасида турибди.

Миллатимизнинг бугунги истиқбол кунларини Тошпўлат Ширинқулов ҳам неча ўн йиллаб кутган эди. У бугун жумҳуриятимизнинг раванки йўлидаги катта бир ишлар ҳусусида бош қотирмоқда.

— Жумҳуриятимизнинг мустақилликка эришиши ва унинг юздан ортиқ чет давлатлар томонидан тан олинishi, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиши барча соҳаларни кенг миқёсда ривожлантириши талаб этади, — дейди домла. — Бунинг учун ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, келажақ тараққиётини таъминлайдиган, янги-янги турдаги машиналар яратиш, ишлаб чиқаришда ҳам янги технологияларни жорий қилиш зарур. Бу муаммоларни амалга оширишда янги тилдаги давр талабига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш зарурий масалалардан ҳисобланади. Шу даврга қадар мавжуд олийгоҳларда тайёрланадиган мутахассислар бу талабларга жавоб бермайдди. Жумҳуриятимизни хом ашё етказиб беришчи аграр давлатдан саноат ва қишлоқ ҳўжалиги юксак даражада ривожланган, фан ва техника ютуқлари асосида жаҳон бозорига рақобатга бардош берадиган, маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган давлатга айлантириш кўплаб олий малакали, чуқур билимли мутахассислар тайёрлашни талаб қилади.

Инсондаги таваққур булоқлари тиниқлиги учун ҳам у бугун борлигини фалак заминда намойён қилади. Камтарин ва улуг инсон Тошпўлат Ширинқулов баъзан илмдан бир лаҳза бўшган кезларида одамлар дардига қулоқ тутади. Улар ярасига малҳам бўлгиси келади. Шу боис ҳам ҳамқишлоқлари уни жумҳурият олий кенгаши депутатлигига сайлашганларида минг бора ҳақ эди. Депутат сифатида ҳам уни қийнаётган муаммолар талайгина.

Тиниб-тинчимас халқ ноиб эл-юрт фаровонлигини ошириш йўлида бор имкониятларини сафарбар этмоқда. Тез-тез туман қишлоқларини кезади. Одамларнинг маоши, турмуш тарзи билан қизиқади. Баҳор борлиқига ўз сепини ёйган пайтларда тугилиб ўсган ерларини, Оқтоғ ён бағирларини сайр қилишни ёқтиради.

Инсон ақл-идрокининг бекиёс куч-қудратига эга эканлиги фикри ҳаблимини тортади. Сизу биз ана шундай инсонлар орасида яшаймиз. Уларнинг борлигига яна ҳам шукрона айтгимиз келади. Ҳа, бугун билимдон ва зукко олим Тошпўлат Ширинқулов айни ижод, изланиш палласида. Лекин умр оқар дарё деганларидей сониялар кўз очиб юмгунча ўтаверади. Инсон эса доимо қандайдир мақсаду матлаб сари интилади, югуриб елади. Ниятлар эл-юрт манфаатига эш бўлса, умр йўллари мазмунли, файзли бўлади. Дарҳақиқат, домланинг ниятлари ҳам илму-фан раванки, халқимиз келажагини порлоқ кўришдан иборат.

Шимон

(Достондан парча)

Абдусанд НУРБОЕВ

I

Тўлғониб уйғондим, сахар-сахарда,
Ҳали уйғонмаган улкан шаҳарда.
Ёмғир жимир-жимир, ёғиб турарди,
Уйладим, бу ёғи энди баҳор-да.

Бироз очиб қўйдим деразаларни,
Шаббода силкитди дарпардаларни.
Дилимда чарх урган янги асарнинг,
Езила бошлади, илк парчалари.



Секин-секин бутун шаҳар уйғонди,
Ўғлим, қизим, ширин-шакар уйғонди.
Яхшиям сен борсан, эй, она офтоб,
Тириклик, мавжудот такрор уйғонди.

Уйғонмоқ асли шу, энг олий неъмат,
Умр-уммондаги елканли кема.
Уни Оллоҳ ўзи бошқараверар,
Эй, инсон умрининг гамини ема.

II

Ортда қолди яна бир тоза сахар,
Шовқинларга тўлди улкан бу шаҳар.
Аралшиб нопок, поку рост, ёлғон,
Кўчага ошиқар, кўчага чопар,

Бекатда турибди, ана, рост, ёлғон,
Нопок ҳам шу ерда, пок ҳам, қаққайган.
Тиқилнч автобус тўхтади, юрди,
Ким бўлди, ким бўлди, чиқолмай қолган.

Балки у нопокдир, балки у покдир,
Балки у бечора беморроқдир.
Хеч кимнинг иши йўқ, ўзи чиқса бас,
Онадир ва ёки у огироёқдир.

Аранг бир оёқда борар кўпчилик,
Имонли, имонсиз, катта ва кичик.
Қимдир боласин опичлаб олган,
Бир хоним қўлида жипанлар кучук.

Мўйсафид панд ўқир у таннозага:
«Уйнатсанг бўларди итни кўчада.
Ахир бу автобус, жамоат жойи,
Она бўлгуликсан уч-тўрт баччага».

Халойиқ бепарво, оломон жимжит,
Ҳезланиб қўяди нўхталанган ит.
Жилови бўлмаса шу мўйсафиднинг
Нақ бўғзидан олиб қилгудай нобуд.

Бу биринчи бекат, илк лаҳзалардир,
Қун бўйи не кўйга солади тақдир.
Саракни саракка, пучакни пучга
Ажратиб ташлайди вақт деган ғалвир.

III

Кўчалар, кўчалар, равон ва текис,
Бир ёнда райҳону бир ёнда ялпиз.
Шу жойлардан ўтган одам ўзини
Жаннатда юргандай қилгусидир ҳис.

Айниқса, мустақил Ўзбекистонда,
Хур ўлкада, дориломон замонда.
Юртбошисин бутун дунё тан олган,
Алломишдай сардор, ширин забон-да.

Энди бу эл, ўз айлидан қайтмағай,
Ўз сўзи бор, ўза сўзни айтмағай.
Омонлик байроғин, тинчлик тугини,
Боши узра тутар, қўлдан қўймағай.

Аслида бу юрtnинг жаннатлиги рост,
Хавоси топ-тоза, бўлгудай сармаст.
Бир вақтлар ўлкага куфр уругин
Тақдирнинг шамоли элган қасдма-қасд.

Ёдим лавҳасига ёздим ўтмишим,
Бир-бир айтолмадим, ёлар қилмишин.
Лекин ҳийла билан зимдан иш қилган
Ёвларни ҳаммиша Худо қаргаган.

Худо қаргагани, пайғамбар турган,
Аёл сийлагани Худо сийлаган.
Мусулмон эрлари аёлларини
Жуда ҳурмат қилган, севган, сизлаган.

Аёл — у отадан, нурдан яралган,
Вужудидан мушку анбар таралган.
Меҳр кўрсатилган, эъоз қилинган,
Она деб, сингил деб, ёр деб қаралган.

Ҳўп нозик, иболи, хаёли бўлган,
Моҳларойим каби зиёли бўлган.
Фарзандларга она, рўзгорга чирёқ,
Ёвқир бир йигитнинг аёли бўлган.



...Гўё авваллари кам бўлган эмиш,
Гўё тез сарғайиб, тез сўлган эмиш.
Улуғ оғаларнинг марҳамати-ла,
Гўё эрлар билан тенг бўлган эмиш.

Энди бу очикча ҳақорат эди,
Галдаги қип-қизил «маҳорат» эди.
Паранжиси билан ҳаёсин қўшиб,
Оловга итгитиш жасорат эди.

Саводли аёлга «Сабоқ» берилди,
Бир гулдай жуссага дастгоҳ берилди.
Нозик кўлчаларга зим-замбил кетмон,
Юз-икки юз қўю таёқ берилди.



Ана энди эрлар билан тенглашиди,
Ҳатто мажлисларда туриб кенешиди.
Шайтон аралашди Раҳмон ишига,
Сиз дегувчи тиллар, секин сенлашиди.

Ўтмиш баҳонаси — буғундан айтай,
Жилоланиб оқар пиёлага май.
Майхона тубица чўкиб ўтирар,
Бир гўзал муслима, юзлари ширмой.

Алҳазар-алҳазар, яна алҳазар,
Қўлларида қадаҳ, кийимлари зар.
Уйда боласи кутар жавдираб,
Аёл сийнасига тўлмоқда заҳар.

Ҳаё ўтда ёнди, виждон тутади,
Жўзиба йўқолди, меҳр тугади.
Гаштакчи аёллар ичиб ва чекиб,
Эрини эркакча тутиб сўкади.

Кийимлар антиқа, ярим яланғоч,
Тубидан қирқилган икки ўрим соч.
Ўзимча уларга имон тиллаيمان,
О, Аёл, бу не ҳол, кўзларинини оч?!
...

Сочларини майда ўрган қиз...

«БАРЖУШ» халқ дастасининг довуғи эларо машхур бўлмоқда.

Машраб НУРИНБОЕВ
суратга туширган.





Келинчак.

Зиғир ёғи шундай тайёрланади.



Оромгоҳ.

Бобожон, яна битта чалиб беринг.






Самарқанд яқинидаги Хўжа Зак-
риявий Варақшарий мақбараси.

Пойариқ туманида Ойсулув Нафа-
совани кўпчилик танийди. Унинг бир-
биридан ширин болажонлари ҳозир-
даноқ илмга ташна.



Туя сути кўп дардга даводир.





Хушовоз хонанда Маҳмуджон АЗИМОВ.


Қизлар гурунги.



*«Мен суйиб гул узсам, эмасман жаллод,
Мен узмаган гуллар қилсинлар фарёд».*

дея ёзган эди иқтидорли шоира Хосият Бобомуродова
«Дарёдан катра» тўпламида.





Гулум ЭГАМШУКУР

Ўғлим Отабекка

Салом эй, заминим, салом осмоним!
Салом муштипарим, падарим салом!
Бу умрим тонгида юз очди фасл —
Юлдузлар гуллади, тўлди қучоғим.
Уша юлдузларнинг бари сен, ўғлим,
Мени «ота», деган умримни тутган.
Уша юлдузларнинг бири сен ўғлим,
Толиққан руҳимга шодликлар битган...
Хайқирдим, чўзилган қўлларим само,
«Салом эй, заминим, салом осмоним!»
Бунча қиздирмаса кўксимни юрак,
Эрсин, эй вужуднинг алам музлари!..
Сен кел, ширин куйдек руҳим боғига,
Маъсум қадамингла тўлиб, тошиб кел!
Юз хил шўхликларда, отанг баргида,
Келасакдек қулиб, баҳор бўлиб кел!..

I

...Ва бир кун тўхтайсан қаршимда мени,
Туғиласан шеърининг илк мисрасидек.
Сўнг сўроқ қиласан ўтмишимни, ҳам,
Бўм-бўш хотирамнинг давом — сасидек.
Йиллар ўтаверар жим ва хотиржам,
Мендан ўтган каби шафқатсиз йиллар.
Кунлар ўтаверар бир сўз демасдан,
Хамма ўтаверар саботдир йўллар!
Бир фурсат тўхтайсан, мен тўхтагандек,
Қаршингда очилган гуллар ёнида.
Ва узоқ термулиб, узоқ қарасан,
Кўзларингга нур қўйган офтоб олдида.
Болаликни шундай кўзатасан сен.
Тупроқ кўчаларни унутасан сен.
Узоқ кечаларнинг узоқ тушидек,
Болаликни сўзлатасан сен!..

II

Сездим, сезаяпман ҳозир-ҳозирдан,
Унут кунларимни ёдлатар ўғлим.
Узоқ қишлоқдаги отам, онама,
Талипиниши ўргатар ўғлим!..

* * *

Умид боғлаб сизга умрим ҳам кечар,
Очилди руҳимнинг қизгалдоқлари.
Кўрдим, кўкраклари тўлишган хушрўй,
Қишлоғимнинг мунис қизалоқлари!

Узоқ, дабдабали шаҳардан кейин,
Шошқин дарёларга қизшаб қайтаман.
Вужудимни қайноқ ўпинчларини —
Поездлар йўлига ташлаб қайтаман.

Мени шод қаршилар тупроқ кўчалар,
Ул соғлом дардларим тирилар тақрор.
Эй, бўйчанг тераклар — шовқин дўстларим,
Сизларни ҳам ташлаб кетдим баҳор?!

Хазин япроқларнинг гўшаси — боғим,
Заъфарон ўтмишда чайқалди узоқ,
Шу борлиқдан танҳо тилаган сўзим,
Онажон сочингиз гуллабди оппоқ?!.

Хаёлимнинг музтар кўчаларидан —
Мен йўл топдим сизга, дайдиб-дарбадар,
Оқишларни сокин умрларида —
Меҳр қучоғингиз қўймсовдим падар.

Чангеланар нигоҳим иссиқ ёшлари —
Қишлоғимнинг тупроқ кўчаларида.
Сизга айтмоқ сўзим бунда, топилар,
Шодликнинг гуллаган кечаларида!..

Умид боғлаб сизга умрим ҳам кечар,
Очилди руҳимни қизгалдоқлари,
Кўрдим, кўкраклари тўлишган, хушрўй —
Қишлоғимнинг мунис қизалоқлари!

* * *

Мана, дайди руҳим сенга қўним — жой,
Мана, дайди шамол эшик, дераза!..
Бемаалол дардингни айтиб йиғлагин,
Ҳеч кимга сирларин шонмазан дил.
Бунда Бақтрия — қадим салтанат —
Ҳамон эълон бўлмаган тарих!
Тинч, сокин ухлайди ўтмишини қучиб,
Ал-Термизий қабрин бошда кўтариб.
Бунда ҳорғин таним топади ором,
Саксовуллар танасин қучиб ухлаган,
Чумолилар тирилиб сайр қилар тунда —
Бақтриянинг минглаб қабристонларин.
Улар ҳам сир сақлайди мендан,
Кўҳна, буюк шаҳар хотираларин.
Мелоддан аввалги биринчи асрим —
ҳамон, ҳамон тирнар оёғим остин!

* * *

Кунлар шовқинига дош бераман жим,
Ҳатто, йиллар бир сўз айтмай ўтарлар.
Сукут бағир югасан, нафас олмас кин,
Бироқ тинч юрсанг ҳам ғайбат айтарлар.
Боласин йўқотиб қўйган онадек,
Талвасада кечар лаҳзалик ҳолат.
Баъзан кашфиётга лоқайд кечаларда —
Чақирғум, қайдасан афсонам-Хилқат.
Бодомзор сивизга чалар кеч кўзда,
Оқ терак, оқ терак қучаман бот-бот.
Таскин шоҳи, жоҳи-руҳим сен қизда,
Сендан туғиларму кетилган ҳаёт!
Сиеҳ тўлкан осмон кўчаларида,
Жим-жим шеърларимни қўлимга олдим.
Гоҳо танҳо хаёл кечаларида —
Муздек вужудимни шеърларга солдим.
Қайдасан, қувончининг ёвқур отлари,
Қайда, эҳтиёжга қолмаган куним?
Қайда, маҳрамларим — меҳр кинтлари?!
Илтимосли кун бу чиқмайди уним!..

Болаликнинг қайтиши

Ўтган кунларингни эслайсанми ҳеч?
Лоқақал лаҳзалик ҳайратларингни —
Бўйсундирганмисан дийданг ашкига,
Қониб қучганмисан ҳасратларингни?..
Бу тун ошно бўлди менга хотирот,
Тупроқ кўчалардан чопган болалик —
Келди яланг оёқ, яланг бош — қувонч!
Ажинли юзимга термулди ва лек:
У танай олмади ўзини наҳот
Кўчалари чангли, кўзлари савол:
«Биламан сени ишқ айлаган хароб,
Биламан, сени шеър шу куйга солган»..
Дейман: «Яқинроқ кел, айлайин тавоб!»
Унинг сўзларидан гул ҳиди анқир,
Унинг кўзларидан ҳайрат кетмаган.
Унинг қўлчасидан чанг ҳиди келар,
Вужудида қўёш бор, нур бор етмаган!
У бош қўяр секин кўксимга ақир —
У мени англамай, ўтмишини алқир.
Музлаган вужудим узра юғурар —
Иссиқ тафт — бегубор болалик анқир.

ДИЛНАВО САТРАЛАР

Сўнги совуқ тунда тил чиқарди ер,
Бир иссиқ нолишда оқдиким анҳор.
Юракдан қувилди «совуқ» деган сир,
Қириб келди шундай руҳимга баҳор.
Аста қучоқлади азим чинорни,
Яшил оловларда ёндиким зор-зор,
Шамол деразани очиб юборди,
Қириб келди шундай руҳимга баҳор.
Кейин остонамга қадам қўйди у,
Қайноқ сочларимда кафтлар беозор,
Бармогингда қолди толаким оқ соч! —
Қириб келди шундай руҳимга баҳор.
Аста кўларимдан тортқилаб қулди,
Кўзлар деворида оғриқлар тақрор,
Сигдиролмайд қолдим хушбўй оғушинг
Қириб келди шундай руҳимга баҳор.
Деди: «Шафқатсизсан, асл бераҳм,
Бир сўз дегин менга, ақали бир бор —
Оғир сукутларда кўз ёшим — емғир.
Қириб келди шундай руҳимга баҳор.

Фотима

Беором вужудим, беором фармон,
Сеними, истадим Фотима.
Йўллар чувалашар — хаёлдек узун,
Мен сенсиз яшадим Фотима.
Қандай оғир бўлар билсанг сукунат,
Ўйлаб кўрмагандим бетайин-ҳасрат.
Ҳеч ҳам хаёда айўқ ҳижронни —
Ато қилмас асло, кўздаги ҳайрат.
Гувоҳлик ўтарми бизга шу шаҳар
Сенсиз тентираган эҳ хаёлинам.
Кўзимга тик боқар дароҳтарлар —
Тунлар қарашинда — долагинам.
Ўйлагим, офтобдек чарчаганим,
Сен уфқ бўларсан тун сўрашимда.
Фотима! Сўзларим алдамас мени —
Ниглашини билмаган йиғит ёшимда.
Ўйлагим, жимликни сабри тугади,
Бир тонг эшигингни очарман ўзим.
Қайта туғилмасан, Фотимам қайта...
Ун саккиз ёшингни ёдлаган кўзим.
Бу дағал оғушда санқиган ором —
Бахш этар ўзини — ҳорғинлик, чарчоқ,
Келарди ёт нигоҳ бесўз, бенаво...
Бир кун бўйсинмайди ўзинга Кучоқ!..
Беором вужудим, беором фармон
Сеними, истадим Фотима.
Йўллар чувалашар — Хаёлдек узун,
Мен сенсиз яшадим Фотима.



ХОИНЛАРНИ

МИРМУХСИН



Табнат ҳам, жамият ҳам тўлқин отаётган беором бахри-муҳитдир-ки, яратганининг амри ила вақти-вақти билан ўзини-ўзи чиқиндилардан тозалаб туради. Бундай бўлмаганда Курраи замин не аҳволга тушарди!

Жазо хусусида гап кетганда, умуман, бир қарорга келиш пайтида янги лашкарбоши амир Алп Арслон хазратлари кўп вақт кўнгличаллик қилар, хатто чумолини ҳам босиб янчиб ўтмаслик лозим дерди. Соғайиб, яна аргумоқ отига минган амир подшоҳнинг фармони билан Сипоҳсоълар¹ лавозимига тайинланди.

Маққорона ваъдалар бериш усули ила фуқарони икки бор алдаб бўлмайди, — дерди амир Алп Арслон подшоҳ машаратинда, унинг сўл ёнида туриб. Тахтнинг ўнг томонида янги тайинланган вазир аъзам Инол-Такин хазратлари турарди. — Хазрати олийлари! Бу кимсаларнинг гуноҳи шунчалик оғирки, асло кечириб бўлмайди! Кеचирмоқлик — эрта-индин яна бир муҳораба фожиасини содир бўлмоғи демакдир.

Тушунамен, амир, аммо қатл масаласида улуг бобом подшоҳ Нўштакин Гарчой хазрати олийлари шошалоқлик килмоқ — хатога йўл қўймоқ деб на-сихат берарканлар. Иним Насриддиншоҳ хусусидаги фармон шундай бўлгон. Аллоҳга минг қатла шукрки, биз ўз хатоимизни онгладик. Унинг ёлғиз қизини фарзанд этдим... Шохсанам бека менинг фақат келишим эмас, фарзандим ҳам. Ҳамма томонни ўйлаб, жиноятчиларни хозир қатл этмоқни тўхтатиб, зиндонга сақламоқ маъқул бўлмасмикан? Шу мазмунда Марвдан, султон Санжар хазратларидан нома олдим. Аммо бу бизнинг ички ўз ишимиз, бунга султоннинг аралашмоғи ўринсиз. Бир ёмон иш бўлмоғи мумкинки, салжувки сардорлар бизларга душман бўлиб қолади...

— Хазрати олийлари! Султон бари бир бизга дўст эмас, мўътабар номларинин тилга олганингиз, улуг подшоҳ — бобомиз Нўштакин Гарчой хазрати олийлари, биз қачон султон салтанати исқанжасидан кутилар эканмиз, мен Мовароуннахру Хоразмин мустақил кўролмаганимда ҳам, фарзандларим кўрсин деганлар. У зоти олийнинг фикрлари ҳаммамизга маълум-ку. Вазир аъзам Инол-Такин хазратларининг ҳам неча йиллардан буён олиб бораётган сибсатлари — мана шу! Сиз, олий хазратга дилимдаги сўзларни очик айтмоғим керак, зеро, Сиз ҳақиқатпарвар, кишилар фикрининг тинглашингиз ила бошқа подшоҳлардан устуни туришингизни фақат Мовароуннахрда эмас, Ҳинда ҳам, Мисру Ироқда ҳам яхши

биладирлар. «Ажам подшоҳи ҳақиқатгўй»лигини форсий ва араб шoirлари мадҳ этганлар...

Амирнинг фикри подшоҳга ёқди, у ўз тахтида оз-моз тўлқинлашиб, манглайи қизариб, қатта мансабдорларга бир-бир қараб қўйди.

Орадан бир hafta ўтди. Арқони давлат — вазир у вазира, қочиб жон сақлаб қолган мансабдорлар, зиндонга ташланиб азоб-уқубат чеккан подшоҳнинг садақатли кишилари, барча-барча яна Доруссалтана атрофига тўпландилар. Вазир аъзам Инол-Такин хазратлари салтанатга садақатли одамларнинг бошини силади, ташиб кетиб улгуролмаган ақчаларни қурбонлар оиласига улашди. Ҳокимиятни тўла қўлга олиб, олий хазратни яна Хоразм тахтида барқарорлигини мутлақо таъминлашга, фуқарого рухсат тулгани очилди — баъзи имтиёзларга муҳлат этилди.

Пойқандга қирмай, қум ичидаги Жонгелди қишлоғига қочган Йўсифшоҳ ҳақида ҳам маълумот олиб, зудлик билан Даргон-ота ва Сақарга, кемачилар чиги айгоқчилар, қуролли навкарлар йўлладилар. Жиноятчи Пойқандга киришдан кўрқиб, Жайхундан ўтиб, Тежан ёки Марвга йўл олишини пайкаган хоразмликлар, яна юз отлик билан Муҳаммад Али ал-Мисрий бошчилигидаги қасоскор кучни йўллаб, уларга Йўсифни тирик тутиб келиш тайинланган эди. Иккинчи haftaга ўтар кечаси Сақар соҳилида, кемачиларга тилга тангалар бериб, оти билан дарёнинг нариги томонига солда ўтказиб қўймоқликни гапшичиб турган Йўсифшоҳни қуролли отликлар ўраб олиб, дарҳол отдан тортиб тушириб, оёқларини боғладилар. Отликлар орасида давонгир «Қора дев», иккинчи лақаби «Жаҳон паҳлавон» ал-Мисрийга кўзи тушган Йўсифшоҳнинг тарвузи кўлтигидан тушди. Энди қочиб қутулишнинг ҳеч иложи йўқ, деди ўзига ўзи. Лекин бари бир жон аччида талвасада унга мурожаат этди:

— Сен ҳам соҳибқирон, мен ҳам соҳибқирон, мени қўйиб юбор, уч ҳалта олтин берамен...

— Ўзим ҳақимда бир нима дедмайман, аммо сен соҳибқирон эмассен, жирканч кимсасен!

— Мен подшоҳ авлодиданмен, мени ўлдиролмайсен!

— Мен сени ўлдирмаймен, рўбарў келганимда жангда ўлдирардим. Сен жиноятчини улуг подшоҳим хазрати олийлари ҳукмига, ул улуг зот оёғи остига ташлаймен!

— Сен хоразмлик эмассен, сен Миср фуқаросисен, бундай қилишга ҳаққинг йўқ! Сен — ажнабийсен!

— Хоразмининг ёшулдилари мени ўғлим, деди. Шому Ажам, иншоолло, мусулмон мамлакатларидир, Гурганжу Самарқанду Бағдоду Қоҳира оғанилардир. Хоразму Мовароуннахрнинг қайси қалъасига борсанг, шу қунарда сени хоин атамоқда. Бир қориндан тушмаган бўлсанг-да, сенинг оғанг Инол-Такин хазратлари Мовароуннахр ва Хуросон давлатларига сафар қилиб, ҳамма ерда сени ўз юртингга ҳиёнат қилганингни маълум этдилар...

— Оғам Аълоиддин мени камситди, Пойқандга жўнатди. Барча жанжалнинг келиб чиқиши шундан. Бизлар, оғанилар тил топишиб кетамиз...

— У сенинг оғанг эмас, у зот Аълоиддин Мухаммад Хоразмшоҳ хазрати олийларидир! Хоразмининг улуг отаси! У зот бировни камситадиган инсон эмас, мамлакат учун хизмат қилган барча инсонларни қадрлайдилар. Аммо сен ноумоноб кимса бўлиб чикдинг! Шайтон васвасасига учдинг. Баъзилар сенининг қонинг бузуқлигини айтадилар. Ҳа, шундай... Аммо бу ишларнинг барчаси Аллоҳдан. Сен шайтон васвасасига учган ноабкорсен!

Қўли орқага боғлиқ Йўсифшоҳни қайтадан отига миндириб, от жиливога арқон улаб, бир навкар тортиб олдинда йўл бошлади.

Улар қун бўлиб юриб, қоронгу тушгач, Даргон отада тунаб, эртасига кечга яқин пойтахтга кириб боришди. Босқинчи Йўсифшоҳнинг қўлга тушганини ҳамма эшитди. Ўз-ўзини ўлдириб қўймаслик ва барча эҳтиёт чораларини қўриб, уни зиндонга ташла-

дилар. Доймо ичи қоронгу, юқори бир тўйнуқдан партов тушадиган зах хужрага — яқинда Шохсанам бека ётган «ўлим хонаси»га уни қамадилар. Нарироқдаги шунга ўхшаш қоронгу яна бир неча зах бурга хоналарда, бардон устида собиқ вазир аъзам Хумоиддин ад-Давла олача тўнда чипор илонга ўхшаб қулча бўлиб ётарди...

Йўсифшоҳнинг қўлга тушганини эшитган подшоҳ амирдан ҳам, ал-Мисрийдан ҳам бағоят хурсанд бўлди; салтанатнинг ҳавфи душманларининг боши янчилажагини қўнглидан ўтказди. Энди базму шикорларга ружу қилабермасликни, ҳарбий қудратни ошириш, қумда чопадиган яхши отларни қўпайтириш, асир тушган бир мингга яқин Пойқанд суворийларидан ҳам улар хоҳласа, яхши ақча тўлаб, қасамга содик қолишлиқни айтиб, бунда — Хоразм тупроғида олиб қолишни дилидан ўтказди. Улар наинки Мовароуннахрнинг яхши билладлар, улур Хуросон ерларига, Теженду Марв мулкани яхши билладлар, худо хоҳласа, ўз ерининг бўриси билан ўзларини ов қиламен, деди ўзига-ўзи, дехқону чорвадорларга эътиборни оширишни ҳам қўнглига тугди.

Вазир аъзам ҳамда сипоҳсоълар раҳнамолигида олий мансабдорлардан тафтишчилар тузиб, икки hafta давомида Йўсифшоҳни ва одамларнинг сўроқ қилишни, икки haftaдан сўнг, Йўсифшоҳни ва ад-Давлани ўзи ҳам сўроқ қилишини амирга маълум этди.

Хоразмшоҳ Аълоиддин Мухаммад — Отсиз хазрати олийлари учун хар қуни бир қўй сўйилиб, у зот қўйнинг яхши пиширилган қаласини истеъмол этардилар. Йигитлик — валиаҳдликдан бошланган бу одат хозиргача давом этарди... Шикор чоғида, пойтахт қўлдан кетган қундан бошлаб ўзи учун бир қўй сўйилиши, унинг қалласи қозонда пиширилиб, чиний табақда келтирилишини мен этди.

Пойтахт озод этилиб, дорилмон қунлар етгач, бу иш яна давом этди. Ора-ора Жайхуннинг асл неъматини — «Мойли, — мўйлабди балик» ҳам подшоҳ дастурхонини беади.

— «Мойли» — мўйлабди балик» ақлини қўпайтиради, — деган эди зиёфатда Шамсиддин эл-Гузмиш жаноблари ёнида ўтирган бир мансабдорга. Бу гап подшоҳ хазратларининг қулоғига етди.

— Биргина бу хазратга эмас, бошқаларга ҳам шу балиқдан истеъмол этинглар, деб, қаттиқроқ айтинг, табиб жаноблари!

Зиёфатда ўтирган аъёлар қулишиб, бир-бирларига қараб қўйишди.

— Питнақликларга шу балиқдан кўпроқ едирмоқ гарак... — деди яна подшоҳ.

Қўпчилик қаҳ-қаҳ уриб қулган ўшанда. Бу ҳазил билан у кимгадир тиг урган. Баъзан ад-Давла хазратлари ўзини «янглишанлик»ка солиб, Ҳивакда Али полвон отлик шилдир бесоқол кимсани эсларди. Шу йўл билан амир нафасини қайтариб турнишга одатланган эди. Амирнинг тажаруғи тутиб, ўшанда икки «арбобни» шапалоқлаган эди:

— Менимча, бу ақл берадиган балиқ Питнақдан чиккан мансабдорларга фойда зарур, чунки уларнинг хотинлари занглаб, талоқ бўлмоқда...

Абулжаъфар Хусайн ҳам, ад-Давланинг ҳам ранги оқариб, «бу қандай одобсизлик!!», деб подшоҳга боқишган эди. Подшоҳ миқ этмай, ўзини тушунмаганликка солди. Гапни айтиб қўйган амир Алп Арслоннинг ўнг қўли беҳтиёр белидаги ханжар дастасига етди.

— Таъзирини берди... — деган бир амалдор иккинчи амалдор қулоғига шивирлаб, — Абулжаъфар Хусайн — «Ногоракорин» хазратларининг хотинлари эркакча ўч эмаш, деб эшитганмиз...

Қунардан бир қун амир Алп Арслон ёнига ал-Мисрий ва яна бир неча яқин кишиларини олиб, зиндонга борди. Атайи Йўсифшоҳ ва ад-Давла ётган ертўлаларга кириб, шам ёқиб ўтирган Йўсифшоҳ рўпарасига келди. Бир неча даққа гўдайиб турди, тикилди, бир нима демади. Гарчи зиндон ярим қоронгу бўлиб, ташқаридан келган киши ичкаридагини унча яхши кўролмагани билан, ичкарида ётган ким-

¹ Сипоҳсоълар — Олий қўмондон.

ДОРГА ОСИШ

са коронгуликка ўрганиб, ташқаридан келган одамни аниқ кўрарди. Куролсиз кирган амир бир муддат унга тикилди, ammo бир сўз демади. Олдида шам, калин бордон устида чўккайиб ўтирган Йўсифшоҳ ҳам ўз жойида қотиб қолди. Амир нима максатда бу ерга келганига тушунмасди. Улар бир-бирига тикилганча туришди — гўё кашкир билан шер рўбарў келиб, бир-бирларига човут солишга тайёрланаётгандай... Бир муддатдан сўнг амир орқасига қайтиб, чиқиб кетаётган эди, хайрон бўлган Йўсифшоҳ орқадан гап отди:

— Ҳазрат, бир нима денг! Нега бунда келдингизу бир сўз айтмай чиқиб кетаётирсиз?

— Сени шу ерга туширишгн Гурганжга бостириб келган кунингда билган эдим. Сени паҳлавон ал-Мисрий тутиб келтирди, зиндонда, шу ерғулада сени кўришни лозим топдим. Сен ўз отанга қарши, ўз элинга қарши босқинчилик жанги қилдинг, кўп яхши одамларни ўлдиридинг. Олий ҳазратлари ва сен Қутбиддин Хоразмшоҳ пушти камаридан бўлгансен, сен ўз амакинг Насриддиншоҳнинг қатлига сабабчи бўлдинг, ёлғиз невараси Шохсанам бекани зиндонга ташладиң. У ҳам худди мана шу ерғулада ўлимини кутиб ётган эди... Шуларни ўйлаб, бунда келдим.

— Тушунарлик, — деди Йўсифшоҳ титраб-кашшаб. — Сендан сўраймен, амир, ўлимни олдидан бу ерга бир канизак киритинглар. Шу менинг сўрайдиганим... Чидолмаётирман... Бир канизак киритинглар!

— Ифлос! — деди зарда билан амир.

Амир Алп Арслон, ал Мисрийлар ерғуладан зиндон ховлисига чиқишди. Бу разолат икки паҳлавонни ҳам кўнглини ғаш қилди, қони бузук қимса шохлар авлодиданми, беклар авлодиданми, фуқароми бари бир унда она ер, ота халқ меҳри бўлмас экан, ватан туйғуси йўк, у фақат ўзлигини ўйловчи, бошқалардан ўзини устун кўювчи худбин шахс бўлиб қолар экан, деган фикр миьяларида айланди. Унинг қимсага дўст бўлмаслиги, ўз қондошига ҳам тажовуз қилиши хусусида эл ичида гап-сўзлар юрарди, ammo бундоқ разолатни амир ўз кўзи билан кўришни ихтиёр этди. Қонибузук қимса шахвоний ҳирсга каттик берилишини ҳам пайкашди.

Тафтиш тугади. Босқинчилик юриши, пойтахтни босиб олиш, бу қунгача жосулик ишларининг авж олиб кетгани, барча жоний ишларда Марвнинг, бевосита султон салтанатининг қўли борлиги аниқланди. Подшоҳ қўлга олинган хонларнинг биронтаси билан ҳам гаплашишни лозим топмади, чунки масала жуда аниқ, ҳарбий машваратнинг фикри ҳам шундай бўлди. Бундан буён оғир жиноятларга қўл уришдан баъзилар хайқишини кўзда тутиб ҳамда уларнинг қисмати ҳимоячилари қулониға етишини кўзда тутиб, Қозий қалон хонларни осиб ўлдиришга ҳукм чиқарди. Олий ҳазрат ҳукми тасдиқлади. Ҳукмга нисбатан ўн уч қимса дорга осилиши керак. Лекин битта сиртмоқ бўш қолди; ўз ўзини ўлдирган Абулжаъфар Хусайн — «Ногоракорин»ники эди.


Пешин намози ўқилгач, куннинг ўртасида жарчилар нидоси ила одамлар катта майдонга оқиб кела бошлади.

Доруссалтананинг кунгурадор баланд кўрғонлари тепасида найза ушлаган соқчылар ҳар беш қадамда ҳайқалдек қотиб турибди. Катта дарбозадан чиқаришдаги текис харсангтошлар ётқизилган йўл ва кенг майдон атрофида ҳам найза ушлаган юзларча навкарлар қокилган михдек собит. Бир неча қилич таккан сардорлар майдонда тартиб ўрнатиб, атроф-ёқдан, бозорлардан, масжиду мадрасалардан ёпирилиб келган одамлар майдон атрофини тўлдиришган, ҳамманинг кўзи кўрғон тагига ўрнатилган вахшатли баланд дор ва арамчларда.

Бир оздан сўнг қилич яланғочлаган сарбаст навкарлар ихотасида олдинда бир арава, ундан кейин қўллариди кишан, еттита манглайи қора хонлар келишди. Йўсифшоҳ, Ҳумомиддин ад-Давла ва яна бир неча юзбошиларни дорга олиб кетилаётганини эшитишлари билан хушларидан кетиб, ерга ётиб олишди. «Қани, турин! Ерда ётиш уят эмасми!»

деб ясовул боши ад-Давла ҳазратларини туртган эди, у йилмасираб: «Бормаймен! Менда гуноҳ йўк! Ҳамма ишни қилган Йўсифшоҳ!» деб бақира бошлади. Ясовуллар унинг оху надоматига қарамай, чопони ёқасидан тортиб, кўтариб, аравага ташлашди: «Қилғиликни қилиб, пойтахтни эгаллаб, қанча одамлар ҳалокатига сабаб бўлиб, энди нола қиласанми!» деди ясовул боши. Йўсифшоҳ ҳам ўрнидан турмади: «Мен оғам билан гаплашаман, айтадиган сирли гапим бор. Кейин осиб юбораберинглар...» деди. «Сен тафтишда ҳамма гапни айтдинг, доғулик қилдинг, энди ҳамма гап тугади, олий ҳазрат ҳукми эълон қилинади», деди. «Мен султон Санжарнинг оғиз томонларини биламен, шуни оғамга айтишим лозим!» «Подшоҳ олий ҳазратлари сен билан гаплашмайдилар, чунки сен подшоҳлар наслу

насабига номуносиб қимсаден! Сенинг қонинг бузқлиги эл ичига тарқалиб кетган!» дедилар. Йўсифшоҳ яна нималарнидир гўлдираб, шаллақилик қилаётган эди, уч ясовул унинг гирибонидан ушлаб, аравадан отди — у эчкига ўхшаб оёғи билан тушиб, бунда қулала бўлиб ётган ад-Давлани қучди. «Дор тайёр, қани, марҳамат қилсинлар!», деб тирмашди. У ҳам ўламан саттор, дорга бормайман, деб қассобдан кўрққан эчкидек дод солди. Уни ҳам бўғиб, ёқасидан ушлаб, судрадилар. Қичик мансабдаги эллиқбоши, ўн бошилар, кўроклик қилмай, тақдирга тан бериб, ясовуллар айтганини қилиб, кетма-кет сафда зиндондан чиқиб, майдон сари юра кетдилар. Дарбозанинг ўнг томонида, устига гиламлар тўшалган баланд сўрида подшоҳ ва бир неча саркардалар, юқори мансабдорлар ўтиришарди. Подшоҳ майдонга олиб келинаётган аравага, орқама-орқа келаётган етти маҳбусдан кўз узмасди. Энг орқادا, ёш бир йигитчанинг бошини тик кўтариб келаётгани, ясовул боши маҳбусларга, «Қани, дор тагига ўтинглар, жиноят жазо топмай илож йўк! Энди маҳшар қуни юз кўришамиз...», деди. Маҳбуслар боши қуйи мик этмай туришди. Лекин эндигина мўйлаби сабаз урган, орқадан келаётган бир йигитча сафдан ажралиб чиқиб, ёлғиз ўзи дор тагига борди, қўллари орқасига боғлиқ бўлгани сабабли ўз бўйнига сиртмоқни соломмай, ясовулга боқди. Бир нафасдан кейин ясовул бошининг ишораси билан Йиннол-Такни ҳазратларига боқиб, ярим овозда деди:



Рассом: Осимхон ВОСИХОНОВ.

— У йигитча ким?
— Корлук уругидан... — деди амир подшоҳ куло-
гига, — отини билмаймен, султон сардорларидан.
Марвдан юборилгон... Йўсифшоҳ отликлари ичидан
жанговарлик кўрсатгон...

— Нега у ҳаммадан аввал дор тагига борди?
— Тафтиш чоғида ҳам ниятини очик айтди, —
деди амир яна оғзини подшоҳга якин олиб бориб.
Уларнинг гаплашаётганини кузатиб турган мансаб-
дорлардан бўлак ҳеч ким сезмасди, барчанинг ни-
гоҳи дор тагигаги махбусларда эди. — «Мен султон
сардоримен, подшоҳни ағдариш ниятида келдим. Кў-
лингизга тушдим, ўлдирасизлар, бу аниқ! Менинг
хам кўлимга тушганларингизда, мен ҳам сизларни
ўлдирардим!» деди.

Бу гапларни вазири аъзам Иинол-Такин хазрат-
лари ҳам тасдиқлади.

— Уни олиб қолмок лозим, — деди подшоҳ, — у
жасоратли душманамиз, ўлимдан қўрқмаяпти.

— Шундай, хазрати олийлари, — деди амир.

— Уни ўзим шахсан сўрок қилурмен. Одам юбо-
ринг, дордан олиб қолсун!

— Хўп бўлади, олий хазрат, — амир шу лаҳза ёни-
да турган ясовулга буйрук берди. Харбий мансаб-
дор дарҳол дор тагига чоғиб бориб, ясовул бошига
сўз деди. Ясовул боши у билан бирга шиддатли
кадам ташлаб, подшоҳ турган сўри ёнига келиб таъ-
зим қилди. Амир Алп Арслон қорлук йигитчани олиб
қолиш ҳақидаги гапни подшоҳга эшиттириб такро-
лади. Подшоҳ бош ирғаб, тасдиқлади. Ясовул боши
яна шиддат билан юриб бориб, эндигина мўйлабни
сабза ураётган, қорлук уругидан бўлган йигитча-
нинг кўлидан ушлаб, Доруссалтана чап томонда тур-
ган ясовулларга топириди. Йигитнинг кўли ечилиб,
уч-тўрт қилич яланғочлаган навкарлар ихотасида
кўрғон тагида бир чеккага ўтказилди. У нечун ўзини
дор тагидан олиб келингани ва нима қилинишини
билмасди. Эҳтимол, мени дорга осмай, қилич билан
бошмини узишар ёки тафтишда аникланадиган сир
бормикан, деб чўккайиб ўтирди.

Орадан кўп ўтмай, подшоҳ фармони баланд овоз-
да ўқилиб, мамлакатга хонлик қилган тўққиз оғир
жиноятчи кимсалар осиб юборилди. Уч баланд хо-
дадан нборат дорга осилган ўн бир сиртмоқдан иккиси
бўш қолди; бири Абулжаъфар Хусайн — «Ноғора-
корин» учун атайин осиб қўйилган эди, иккинчи-
си — юз боши сардор, қорлук йигит учун боғланган
эди.

Амир хазратларининг буйруғи билан дордан олиб
қолинган йигитчага хўрак ва сув бериб, қорнини тўй-
дириб, юз-кўлини ювдириб, шу куни кечга якин
Доруссалтанага, подшоҳ хузурига олиб киришди.

— Отинг нима? — сўради подшоҳ рўпарасида тик
турган ўн тўққиз-йигирма ёшлардаги хушбичим қор-
лук уругидан бўлган йигитга жиддий бир тусда, —
кимнинг боласисен?!

— Отим Шодмонбек, Мардонбекнинг ўглимен...

— Қорлукмисен?

— Ҳа.

— Қайси юртдансен?

— Тохаристонданмен. Балхдан...

— Отанг на иш қилур?

— Султоннинг беқларидан.

— Одам ўлдурдингми?

— Мен жанг қилдим. Одам ўлдирай деб бу томон-
га келмадим.

— Билиб қўй, сен дор тагига бошингни баланд
кўтариб, дадил келганинг учун сени дорга осилиши
лозим топмадим. Сени эртага ўз отанг ёнига юбора-
мен, бориб ота-онангга хизмат қил, гуноҳингдан
кечдим!


— Йигитча ерга қаради. Оқариб кетган юзларига
қон югурди, кўздан икки томчи ёш оқиб, юзига
тушди. Бу тирик қолгани учун эмас, подшоҳ онайи-
зорини эслаганини, соғинган онасини яна кўриш
қувончидан эди.

Эртасига сарой боғбони Абдурауф ота йигитчага
от бериб, хуржунига хўрак солиб, ўз юрти — Тоха-
ристонга йўллади.

— Бошқа мамлакатга қилич кўтариб келмок,
мардлик эмас, болам, бошқаларга ёлланши ҳам ях-
ши эмас. Улуғ хазратнинг адолатли сиёсатини бек
отангга, онайизорингга айтгин, сени дунёга келтир-
ган онани улуғ хазрат қон йиғлатгиси келмади.
Йўлда, ҳеч ерда тўхтамай ўз уругингга бор, меҳнат
қил, ўйлан, қилич кўтарма!

Гарчанд ўта қатъиятли бўлишига қарамай, ўз
онайизорини кўриш бахтига етган йигитча, боши
қуйи, боғбон Абдурауф ота рўпарасида зор йиғлаб
турарди.

1993 йил, Тошкент



Эргаш МУҲАММАД

Самарқанд

(Мувашшах)

*Шаҳарлар шоҳисан, азим Самарқанд,
Амингга мунтазир ўғлингман мен ҳам.
Хар гўшанг бағрида дардларинг тирбанд,
Армонларинг сўйлаш пайтимас бу дам...
Руҳимни кўтарар ҳар тилсим гиштинг,
Ломакон айлаган қалбимни йалар.
Ахир Осие ни сўраган пуштинг
Руҳлари харобанг тагидан бўйлар.
Шаҳид Улуғбеинг ёққан юлдузлар,
Оламга нур тараб порлар то ҳануз.
Хазрати Алишер қолдирган излар —
Исидан гул анқир, зеро, юртада куз.
Сайқал замин деб ном олган шаҳрим,
Азминдан осмон ҳам паст эди бир вақт.
Наъранг эслатарди тўлганган наҳринг,
Аммо энди дарёнг жилдирар қарахт.
Замонлар қолдирди вайроний туғун,
Икки минг беш юз деб берди сенга ёш:
Мана, юртимизда улкан тўй бугун,
Сен билан тенгқурдир аслида қуёш...
Аниқ, истиқболинг эрур нурафшон
Мен сенинг эртангга ўсдим ишониб.
Авлодим кўзи ҳам эртангга илҳақ,
Руҳимга қувватдир ўтмишинг шони.
Қомуси оламсан, сен чиндан ёшсан —
Агар бўла билмас муносиб фарзанд.
Навқирон деймизу тарихга бошсан:
Дунё ёшин сўрар сендан Самарқанд.*

Тасалли

*Эртанги унутма қўйганда қадам,
Қайгурма чолмаса гар бугун омад.
Навбат охирида турган ҳар одам
Биринчи бўлгуси келганда навбат.
Сенинг ҳам навбатинг келади бир кун,
Орзуинг ушалу омадинг чоғиб.
Бари бир тонг отиб ёришандек тун,
Излаган бахтингни вақт берар тоғиб.
Дарддан ариолмас тушқунлик, йиғи,
Тасалли бергуси дардманда дармон.
Вақт буюк ҳақамдир, сен вақтга сизин,
Ўтмишини қадрла, эртани деб ён...
Эртанги унутма қўйганда қадам,
Қайгурма гар бугун чолмаса омад:
Навбат охирида турган ҳар одам
Биринчи бўлгуси келганда навбат.*



Амир Темур мақбараси қошида

*Кўкдан тўқилган йўқ юлдузлар ҳали,
Тинчгина ухлайвер,
Мирзо Улуғбек,
Мақбара қуббасин нақшин зарҳали
Ярақлаб турибди шарафинг турдек.
Бағрида сен борсан,
Бағрида Темур,
Бағрида Самарқанд ёшлиги, кўрки...
Ҳар битта гиштидан ёғилар шуур,
Гумбаз — гумбаз эмас,
Тафаккур бўрки!
Зеро, олти юз йил берида туриб
Ўтмиш санъатига боқсан ҳам мафтун,
Замон шиъоати, бахтдан лоф уриб,
Тарихга тош отиб келамиз ҳар кун.
Сенга ҳам қўнибдир замонам гарди,
Ва лекин артишга йўқ менда имкон.
Ичимни ўртайдир ҳалқимнинг дарди,
Дардим айтишига ҳам изи йўқ,
Ишон!
Кўплар кун кўришган бобомиз сўқиб,
Мен тунлар юлдузинг санаб йтаман.
Олисдан боқасан ёғдулар тўқиб —
Юлдузинг чиқишин ҳар тун кутаман...
Қилич ўйнатолмас бугунги Али,
Темур ҳам эмасдир бугунги ўзбек.
Кўкдан тўқилган йўқ юлдузлар ҳали —
Ўмидинг ёниқдир,
Мирзо Улуғбек!*





Адабиётшунос олим
Ортиқбой Абдуллаев —
50 ёшда

ранжимасин. Бош устозимиз Дорилфундунидаги муҳит бўлди. Биздан юқори кўрларда Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Ойдин Хожиева, Уткир Хошимовлар ўқирди. Сал олдинроқ машҳур бу қаллиётда Эркин Воҳидовлар ўқиганини яхши билардик. Биз ҳавасмандлар учун интиладиган одамлар бор эди.

Беш йил бир бинода бирга ўқиб, пахта терими кунларида кўзатганим, Ортиқбой ҳаммамиздан кўра тортинчоқ, дарров суҳбатга, даврага аралашавермас, қизларимиз кулгуси, ҳазил-хузулидан чўчиб тушар, уятчанликка бераф эди. Фақат битта машғулот билан банд бўларди. Кўлидан китоб туш-

Беозор дўстимнинг баҳори

масди. Сир эмаски, у йилларда ҳар биримиз «даҳо» эдик. Адабий баҳсларда жўжахўроз бўлиб кетардик. Адабиёт юкини елкасида кўтариб келаётган захматқашлар борлигини унча ҳаёлга келтирмасдик. Ана шундай пайтларда Ортиқбой бир чеккада кузатиб турар, «файласуфлар, чарчамадинларми», дегандек, жим қулоқ соларди.

Уқши тугади. Биримиз илм, ана биримиз ижод эстагини тутдик. Аста-секин кўзимиз очилди. Оламни, одамни таний бошладик. Даврадошларимиздан Бахтиёр Назаров, Ақром Каттабеков, Нуъмон Раҳимжонов, Мухаммадҷон Жуманов, Тўлқин Йўлдошев, Пўлат Тўраев, Ортиқбой Абдуллаев адабиётшунос — танқидчи бўлди. Турсуной Содиқова, Рауф Парфи, Зоҳир Ағлам, Дадаҳон Ҳасан, каминга ёзувчи-шоир... Турли жанрларда ижод қила бошладик. Юриши секин, табиати сокин Ортиқбой Абдуллаев адабиётимизнинг бош журнали «Шарқ юдузи» жўрналида асосий фаолиятини бошлаб юборди. Ана шу мўътабар даргоҳда унинг мазмундор мақолалари чоп этила бошлади. Айниқса, кемаан дўстимизнинг «Шеърятнинг тиниқ осмони» деб номланган биринчи китоби тилга тушиб, яхши баҳо олганда, биз курсдошлар ниҳоятда қувонган эдик.

Ортиқбойнинг фазилатларидан ана бири — одамонуқлигидадир. Қачон Хумсонда бўлмайин, ҳамқишлоқлари қишлоқларида меҳмон бўлган шоиру ёзувчи, олимларни санаб ўтишади. Фахрланишади. Буларнинг ҳаммаси Ортиқбой тўғрисида. У яшаётган хонадондан бир пайла чой ичмаган ижодкорни топши қийин. Отаси — тўқсон ёшли қоралаётган Абдулла ака ҳам ана шу тоифадашлар билан суҳбатлашса, яйраб кетади. Дастурхонини

каттароқ ёзади. Бу ҳам маданиятни тарғиб қилишнинг бир йўли.

Мен турли давраларни кўрдим. Бир ёғи, менинг суҳбатдошларимнинг аксар қисmini танқидчи-у адабиётшунослар ташкил қилади. Рўйи-рост айтишим керакки, ҳали биз қўрган гурунларда бугунги саксонвойлар, етмишвойлар шаънига бирорта ноҳия гап айтилмаган. Ахир танқидчининг вазифаси уртўқмоқчи эмас. Авлодлар орасига совуқчилик солиш ҳам уларнинг чекига тушмаган.

Кейинги йилларда афсуски, баъзибир дилхираликлар бўлиб ўтди. Айниқса, шўролар замонда яқка дурбинчилар шарқона одобни бир чеккага суриб қўйиб, томоша кўрсатдилар...

Танқидчиларга эътибор кучайган пайтларда ёзувчи шоирлар уларнинг қовоқ-димогига қарайдиган бўлиб қолди. Адабиётнинг оби-ҳавосини биз яратамиз дегувчилар, ўзига бино қўйиб, тўрага ўтувчилар, минбарни эгаллаганлар кўнади.

Адабиёт жараёнини қамраб олиш, ҳар бир адабнинг хизматини тўғри баҳолаш ўрнига ким ошди танқид, ким ошди мақтовга зўр берувчилар кўп бўлди. Ола-тасирли кунлар ўтиб кетди. Найзавозлар бирдан ҳушёр тортиб, тинчиб қолди. Аммо катта авлод вақиллари, уноан кейингилари ҳам мутлақо ижод қилишдан тинчигани йўқ...

Буларнинг ҳаммаси синчков Ортиқбой Абдуллаев учун мактаб бўлди. Унинг ҳар бир сўзи ўзиники. Янги асарларга тақриз ёзадики, публицистик чиқишлар қиладики, устозлари ҳақидаги қарашларини баён қиладики, бариси ўзиники. Мушоадалар, фикрлашлар маҳсули. Катъий ҳужми эмас. У ёзувчи билан ўқувчи орасига раҳна солмайди. Тушунтиради. Илғамаган нуқталарни илғашга ундайди.

Ортиқбой дўстимнинг китобига, айниқса тарихга ўналиш ҳаммамизга таниш. Шундан бўлса керак, шаҳардаги ҳужрасини кўяверингу Хумсондаги ҳовлисида борсангиз, кўрпа-тўшағидан кўра, китоб жавонига кўп жой ажратганига кафил бўласиз. Шунданми, у Туркистон тарихини, аجدдоларимиз босиб ўтган изларини, йўлларни яхши билади. Адабиётимиз оқсоқоллари, бугунги ёшлар шеърятини ҳақида ёзан китоблари айтганларимни тасдиқлаб турибди. Иккилансангиз, унинг «Шеърятнинг тиниқ осмони», «Ижоднинг қўш қаноти», «Қалбга очилган йўл» тўпламларини, «Ачиқ мевалар», «Туркистоннинг қора кунлари», «Ошоба фожияси» қиссаларини эринмай ўқиб чиқинг. Матбуотда эълон қилинган адабиёт, табиати муҳофаза қилинган доир ўткир, алам билан ёзилган мақолалари тўғрисида ҳам шу гапни айтишим мумкин.

Билмидим, олим дўстим ҳеч кимдан самийти сўзини аямайди. Учраб қолсак, сизларни бир Хумсонга олиб кетаман дейди. Керак бўлса ўзи ташкил қилади. Хумсон дегани Ўзбекистоннинг сўлим, тоғ қишлоғи. Бўндай жойларда ўсанларда сиққилик эмас, бағри кенглик кучли бўлади. Ана шундай кенг феъл дўстимиз биздан сўрамай-нетмай эллик ёшга кирди-қўйди. Ишонмай десанг, Шўро идораси муҳрлаб берган ҳужжат — бошпурти бор. Бизни қўяверинг, домла Мирмуҳсин, кечагина эллик йиллигини нишонлаган Уткир Хошимов, Омон Мухторлар ҳам «йўге» дегандек, иккиланиб қолишди.

Беозор дўстимнинг баҳори деганимда мен устозларга меҳру оқибат кўрсатишни, дўстларга бўлган самийтини кўзда тутдим. Илзай-илзай мен буниг сирини топдим. Садоқатли дўст қаримас экан.

Сафар БАРНОЕВ



Кўз қорачиги — Ватан!

Дунёда ватан, озодлик, эркинлик тушунчаларини истамайдиган халқ ўлмига, таназулга маҳкум. Ҳаётнинг фалсафаси ҳам шундай! Мен оқ-қорани танганимдан буён Ватанимизнинг мустақилликка эришиши мумкинлиги ҳақида асосан ёзувчи-шоирлардан, расму санъаткорлар даврасида эркинроқ фикр юритилиб айтилганлигининг гувоҳи бўлганман.

Дарҳақиқат, ҳар қандай тана ўзидаги жон учун Ватан вазифасини ўтайди. Буларнинг барида қисмат бор. Ватанга шикаст етса жон чиқади!

Тана жон учун ватан бўлса тана ҳам ватанга муҳтож. Бинобарин табиат борлиқдаги ҳар қандай мавжудотнинг яшамоғи учун ўзига хос муносиб Ватан яратган. Шу жумладан барча қатори ўзбеклар учун ҳам. Мазкур ҳақиқатдан келиб чиқсақ ўзбек кўз гавҳари бўлса Ўзбекистон бамисола кўз қорачиги! Бу қорачикка бегона кўз сизмайди.

Юртбошимизнинг бир гуруҳ ёзувчилар билан ўтказган суҳбати турмушимизнинг барча жабхаларига ижобий таъсир этди. Бу каби тадбирлар Президентимизнинг ниҳоятда зукколик билан халқпарвар сиёсат юритаётганлигидан далолатдир. Суҳбат чоғида айтилган миллий мафқурани яратиш миллат ва давлат келажагини белгилаш йўлида шунчаки айтилган сўзлар эмаслиги — мафқуранинг қудрати нималарга қодир эканлиги, бугун аста-секин намоён бўлмоқда. Тўғри, янги миллий ғоя, мафқурани яратиш учун хали кўп ишлар қилиниши лозим. Муस्ताқил давлатимизнинг ижтимоий, иктисодий, сиёсий тўзумга юз бұраётганлигида миллий мафқуранинг роли бекиндир.

Зиёдулло МҶМИНОВ,
Ўзбекистон Телерадио компаниясининг
катта муҳаррири

Улуғбек қабри очилишининг қисқача тафсилоти

Амриддин БЕРДИМУРДОВ



Ватан ягонадир

«Ватани севмак иймондандир», — дейилади ҳадисларда. Иймонли инсоннинг туққан онаси ҳам, Ватани ҳам биттадир. Ўзбекининг Ватани — Ўзбекистон ҳам шу жумҳуриятда яшаётган барча фуқаролар учун ягона Ватан бўлиб қолмоғи лозим. Ўз юртимизнинг истикболи учун эса барчамиз бирдай қайғуришимиз, фидойилик билан хизмат қилиб, фарзандлик бурчимизни оқлашимиз керак. Бунинг учун авваламбор миллий мафкурамизни яраттишимиз, шу асосда ёшларда ватанпарварлик туйғусини, ўз халқини садоқатини, миллий гурурини шакллантиришимиз лозим.

Ҳозир баъзи ёшлар вақтинчалик кийинчиликларни рўқча қилиб, кўпроқ савдо соҳасига ишга ўтиб кетаётдилар. Тўғри, мустақил мамлакат учун тижорлар ҳам керак. Лекин, ҳозирги техника тараққиёти асрида кўпроқ илм-фан йўлида, фидойилик кўрсатишимиз жоиздир. Бунга, дунёнинг тараққий этган, етакчи давлатларининг тажрибаси яққол мисол. Жумҳуриятимиз раҳбарияти ҳам етук мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор бераётди. Кўп-кўп ёшлар хоржий мамлакатларга ўқишга юборилди. Олий ва ўрта махсус билим юртларида ўқув тизимини яхшилаш ҳақида фармонлар чиқарилди.

Халқимизда «оққан дарё оқди» деган ҳикмати нақл бор. Ўзбек миллати ҳам, унинг юрти ҳам қадимий. Уларнинг дунёга ўрнак бўларлик давлатлари бўлган. Қадим Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан олму фузалолар, шоирлар, ҳарбий салоҳиятда етук саркаралар доимо элимизнинг фахри-ифтихори бўлган. Ило аждодлар қони авлодлар томирида ҳам жўш уражак. Улар ҳам Ўзбекистон номини шон-шарафга бурқатиб, рўйи заминнинг маънавий ва моддий оламига ўзига хос муҳим омилини яна қўшишлари муқаррар.

Кутубдин МУХИДДИНОВ,
техника фанлари номзоди

Маълумки, 1941 йилнинг июн ойида улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллик тўйи арафасида шоир яшаган даврни тарихий жиҳатдан ўрганиш керак деган баҳонада муаззам Самарқандда Гўри Амир хилхонасидаги улуғ Амир Темур ва унинг авлодларининг бир неча қабри очилган эди. Бу сохта баҳона Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советининг раиси А. Абдураҳмонов ва Ўзбекистон Компартиясининг биринчи қотиби Усмон Юсуповларнинг 1941 йилнинг 23 апрелида имзолаган «Алишер Навоий юбилейини ўтказиш тadbирлари тўғрисида» деган қарори билан қонунлаштирилган эди. Баҳонани қаран! Академик Т. Қори-Ниёзий раҳбарлигида махсус тузилган Ҳукумат экспедицияси қатнашчилари 21 июн куни Буюк Амир Темурнинг қабрини очишга журъат этдилар.

Улар дастлаб Қабр Мироншоҳнинг, сўнгра Мирзо Шохруҳларнинг қабрларини очишгач, 18 июн куни эса Улуғбекнинг қабрини очишга киришдилар.

Темурийлар хилхонасида соҳибқирон Амир Темурнинг оёқ томонида, буюк мунажжим олим, Мовароуннаҳрнинг илмий шон-шухратини оламга ёйган давлат арбоби, замона зулми оқибатида 56 ёшда шахид кетган Мирзо Улуғбек абадий уйқуда ётибдилар.

Буюк мунажжимнинг жасадини жойлаштириш учун яхлит кулранг мрамартошнинг ичини ўйиб, тобут қилинган. Қабрнинг ичи 2 метру 10 сантиметр, эни 68 сантиметр, чуқурлиги эса 61 сантиметрдир. Қабрнинг оғзи қалин мрамар тахта билан беркитилган бўлиб, унинг сиртига: «Бу нурли қабр, шахиднинг олий мақони, бу хушбўй боғ ва юксак турбат ул подшоҳнинг оромгоҳидирки, унинг бунда бўлуви туйфайли жаннат боғи мусарфо ва бўстони бахтиёрдир. У марҳум султон, халифат қувончи, дунё ва дин кўмакчисининг оромгоҳига Оллоҳ нур ёғдирсин. Улуғбек султондирки, у 796 ҳижрий йилда Султония шахрида туғилди ва 810 ҳижрий йилнинг зулҳижжа ойида Самарқанд дорул-амонида хилофат мустақиллигига эришди. Ва оллоҳнинг иродаси ила «ҳарким буйурилганича сузати» дейилганидек, унинг ҳаёти муддати ниҳоясига етгач, ва қазову қадар вақти келгач, ўли қарши чиқиб, ханжар тигини унга урди ва натижада шахид бўлиб, бағишлагувчи ва шафқатли Оллоҳ томон йўл олди. Бу ҳодиса наби ҳижратининг 853 йили рамазон ойининг унинчи куни содир бўлди» — деган ёзув битилган. Қабр очилганида унинг ичида Улуғбекнинг жасади қолдиқлари қуйидаги тартибда ётар эди: жасад чалқанча қилиб, чап елкасининг тагига озгина тупроқ ўйиб кўтарилган, юзи эса Макка томонга қаратилган ҳолатда ётқизилган. Бошининг тагига эса қизил газламадан тикилган халтачага тупроқ солиб қўйилган. Бош чаноғи танасидан нарироқда, юзи ерга қаратилган ҳолатда қўйилган эди. Бош чаноғига учта буйин умуртқаси ёпишиб турарди. Қўл ва оёқ бармоқлари тартибсизроқ, бошқа суяклар эса ўз табиий тартибда ётарди. Кўпчилик суяклар бир неча қават газлама билан ўралган бўлиб, газлама қабрнинг тубида — жасаднинг бош ва оёқ томонларида ҳам сақланиб қолган. Бу газламалар кафан сифатида жасаднинг устини қоплаб турарди. Кафанларнинг тагида нафис газламадан тўкилган чолварнинг ва белбоғсимон тасманининг қолдиғи сақланган. Шунингдек жасаднинг устида одамнинг тиззаларигача етадиган қўйлакнинг қолдиқлари ҳам сақлангандир. Улуғбек жасадининг ётиши, уни дафн қилинганидан сўнг бошқа безовта қилинмаганлигидан дарак бериб турибди. Суяклар анчайин яхши сақланган бўлиб, фақат чап қўлининг билак қисми тузалар емириши оқибатида сақланмаган. Мирзо Улуғбек ўғли Абдуллатифнинг буйруғи билан қотил Аббос томонидан ўлдирилгани маълумдир. Қадимшunosлар Улуғбек бош чаноғини диққат билан ўрганиб чиқиб, тигининг изи унинг пастки жағида ҳам қолганигини аниқладилар. Унинг фикрича зарб ниҳоятда кучли бўлиб, Улуғбек тиззаларнинг ҳолатида бўлган ва қотил у билан юзма-юз туриб, ўнгдан чап томонга қараб қилич солган. Умуртқадағи қолган тигининг изларига қараганда қилич жуذا ўткир ва қотил бу борада катта тажрибага эга бўлганлиги кўриниб турибди.

Экспедиция қатнашчилари Улуғбекнинг суякларини қабрдан чиқариб олганларидан сўнг, суяклар кимёвий усуллар билан таъмирланди ва тозаланди. Шундан сўнг қадимшunosлар унинг бош чаноғини текширишга киришдилар. Текширишлар натижа-сида маълум бўлишча, буюк олим ҳам мўғулий, ҳам овурувий ирқларга хос белгиларга эга экан. Мўғулий белгилар унга буюк бобосидан мерос бўлса, овурувий ирқий белгилар эса отаси Мирзо Шохруҳдан меросидир. Ҳаётлигида унинг қаддининг

баландлиги бир метру 66 сантиметр бўлган. Улуғбекнинг суяк қолдиқларини ўрганган олимлар уни табиатан нозик, қотмадан келган, соғлиги ҳам унчалик мустаҳкам бўлмаганигини, тинимсиз олиб борилган илмий ишлар, тожри ҳимоя қилиш мақсадида қилинган жангу-жадаллар ниҳоятда ҳоритиб қўйганлигини аниқлади.

Улуғбек қабри очилганидан сўнг, у ҳақида халқ ўртасида мавжуд турли-туман ривоятлар ва тарихий манбалардаги маълумотларни тўғрилигини аниқлашга имкон туғилди.

Юқориде айтиб ўтганимиздек, Улуғбек қабрида ҳар хил газлама қолдиқлари учратилган эди. Бу газламалар нима учун қўйилган? Маълумки, Мирзо Улуғбек шахид бўлиб ўлган. Шарият қондаларига кўра, марҳум шахид қайси кийимда ўлдирилган бўлса, худди шу кийимда дафн этилиши лозимдир. Шунингдек, шахид бўлган кишининг танасини ювиш, бошқа кийим кийдириш, мумиёлаш бутунлай тақиқланган. Қабрни сув босганлиги учун либослар жуذا ёмон сақланган. Шунга қарамай, таъмирчиларнинг заҳматкашлиги билан кийим-кечак қолдиқларини йиғиб олишга эришилди. Уларнинг аниқлашча, Улуғбекнинг чолвари ва кўйлагига пахта ва ипак аралаштирилиб тўқилган газламадан тикилган экан. Чунки, шариятга кўра мусулмон эркакларнинг ипакдан тикилган либос кийишлари ман қилинган, ипак унинг танасига тегмаслиги лозим бўлган. Фақат лашкарларига жанг пайтида ипакдан тикилган либосларни кийишлари мумкин бўлган, чунки ипак либос ҳар хил оғир жанг қурооларини танани эзиддан сақлаган. Ислому оламида етук қонуншунос сифатида тан олинган Аба Халифнинг фикрича, мусулмон эркакларга фақатгина аралаш матодан тикилган либосларинигина кийиш мумкин бўлган. Шунга кўра, Мирзо Улуғбекнинг либослари аралаш матодан тикилгандир. Қадимшunosларнинг аниқлашларича, Улуғбек танасида сон-саноксиз чивин тухумларининг қолдиқлари сақланиб қолган. Бу ҳолат буюк мунажжим ўлдирилганидан сўнг унинг танаси анча вақт мобайнида очиқ ҳавода қўлиб кетганлигини кўрсатиб турибди.

Урни келганида Мирзо Улуғбек умрининг жоғеали якуни ҳақида бир-икки оғиз сўз. Маълумки, Улуғбек Самарқанд тахтини отаси Шохруҳнинг жангу-жадаллари оқибатида қўлга киритган бўлса, ўз ўғли Абдуллатиф билан бўлган жанглар оқибатида эса қўлдан чиқарганди. Тоғу тахтини ўлигга берган буюк мунажжим, қолган умрини фалақити илмига бахшида қилишни ниёт қилди. Илми давом эттиришдан олдин ҳажга бориб келишни ихтиёр этди. Улуғбек узоқ Макка сафарига тайёрлана бошлаган пайтида унга қарши янги ва сўнгги фитна ҳам бошланди. Самарқанд тахтига, худди Амир Темур давридагидек, чингизийлар қавмига оид қандайдир гадоёвачча мўғул номмагина хон қилиб тайинланиб, барча бошқарув ишларини ўз қўлига олган Абдуллатиф отасини ўлдириш режасига ҳам бош-қош бўлди. Абдуллатиф ва унинг шериклари Улуғбекни очикдан-очик, оддий бир кишини ўлдиргандек ўлдиролмас эдилар. Шунинг учун улар бу ишни иложи

борича шариат қонун-қоидаларни доирасида амалга оширишга интилдилар. Улуғбек Самарқанддан жўнаб кетишдан олдин Абдуллатиф ўз ҳузурига Улуғбекдан «бесабаб жабр кўрганман», деб юрганларни йиғиб, «кимда-ким Улуғбекдан жабр кўрган бўлса, янги хоннинг олдига бориб, хун талаб қилсин» — деб ўргатди. Узини беайиб жабр кўрганман деб ҳисоблаганлар орасида сундуз қабилиси бошлигининг ўғли Аббос ҳам бор эди. Аббоснинг отасини Улуғбек золимлиги ва бошқа номақбул ишлари учун қатл эттирган эди. Қўғирчоқ хон дарҳол Аббосга хун олишга ижозат берди. Абдуллатиф ҳам тезда Самарқанд шайх-уламоларини тўплаб, «жабрдийда» Аббосга Улуғбекдан хун олишга фатво беришларини сўради. Йиғилганларнинг кўпчилиги бу ношаръий фатвога ўз мухрларини босишиб, Улуғбекнинг ўлдирилишига розилик бердилар. Фақат бир киши, Самарқанднинг қози калони Шамсиддин Муҳаммад Мискин бу фатвони тан олмади ва унга ўз мухрини босмади. Улуғбек тахтада турган пайтларида унга кўпгина тўғри маслаҳатлар берган бу ҳалол инсон, у тахтдан тушиб, хор бўлганда ҳам унга нисбатан хонлик қилмади, имони бутунлигини сақлади. Лекин у яқаланиб қолди, у мухрини босмагани билан бошқа шумниятлар ўз фикрларидан қайтмадилар. Шундай қилиб, улуғ олимни ўлдиришга фатво берилди. Бундан бехабар Улуғбек ҳамроҳлари билан кичик қарвон бўлишиб Маккага отланди. Самарқанд тахтада 40 йил ўтирган, бобоси Амир Темурдан кейин бу шаҳарни обод қилишга катта маблағ ва вақт сарфлаган улуғ мунажжим бу гўзал шаҳарга сўнги марта боқиб, от жиловини кунботар томон бурди. Улуғбекнинг сўнги онлари ҳақида, тарихчи Мирхонд воқеаларни бевосита ўз кўзи билан кўрган, Абдуллатифнинг буйруғи билан Улуғбекка ҳамроҳ қилиб белгиланган ҳожи Муҳаммад Хусрав тилидан ҳикоя қилган. Унинг гапига қараганда, Улуғбек Самарқанддан чиқиб, йўлга отланганда кайфияти анчайин яхши бўлган. Қарвон унча узоққа етмасидан, уларнинг орқасидан бир навқар етиб келиб, «хон уларни бирон ерда тўхтаб туришларини, Улуғбекни сафарга муносиб равишда жўнатиш учун кўшимча тадбирлар поёнига етказилишини кутиб туришини буюрганлигини» айтди. Бундай буйруқдан бироз жаҳли чиққан Улуғбек иложсиз кўшини қишлоқда тўхташга мажбур бўлди ва шериклари билан атрофдаги ҳовлига кирди. Ҳаво анчайин совуқроқ эди. Мирзо олов ёқиб, овқат қилишни буюрди, навқарлар ёққан гулхоннинг шуъласи атрофни ёритди. Улуғбек исиниш учун гулхонга ақинроқ сурилди. Бир учкун унинг чакмонига тушиб кўйдирди. Улуғбек бармоқлари билан чакмонининг куйган жойини ўчирар экан, гулхонга маъносинга боқиб: «Сен ҳам билдинг-а!» — деди. Шундан сўнг унинг кайфияти бузилди. Ҳожи Муҳаммад Хусрав уни ҳар хил сўзлар билан овунтиришга уринди. Шу маҳал эшик зарб билан очилиб, Аббос ва унинг бир шериги шахд билан ичкари киришдилар. Гап нимадалигини дарҳол англаган Улуғбек бирдангина ўрнидан туриб, унга ташланиб кўкрагига зарб билан туширди. Аббоснинг шериги эса унга ташланиб эғнидаги чакмонини ечиб олди. Аббос арқон олиб келиш учун чиққач, ҳожи Муҳаммад Хусрав эшикни ичкаридан занжирлаб олди...

Бу мuddатда Улуғбек ўлими олдиндан сўнги таҳорат олишга улгурди. Аббос қайтиб келиб, шериги билан Улуғбекнинг қўл-оёқларини боғлаб ҳовлига судраб чиқдилар. Кимдир ёниб турган машъалани тиззалаб турган Улуғбекнинг юзига яқинлаштирди. Қотил Аббос қиличчини қинидан суғириб, бир ҳамла билан буюк мунажжимнинг бошини узиб ташлади. Бу даҳшатли фожеани Улуғбекнинг шериги ҳожи Муҳаммад Хусрав ва бошқа навқарлар хоинона равишда бурчак-бурчаклардан кузатиб турдилар. Шундан сўнг қотиллар ҳам, хоинлар ҳам Самарқандга қайтиб кетдилар. Тарихчи Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, Улуғбек кичикроқ дарёнинг ёқасида 25 октябрь 1449 йилда ўлдирилган. Тарихчи тилга олган бу дарё Дарғом канали бўлиши, қотиллик эса ҳозирги Найман ёки Хишрав қишлоғида содир бўлган бўлиши мумкин...

Беғуноҳ отаси ва укасининг қонини тўккан шахзода Абдуллатиф тўғрисида тарихчилар анча-мунча маълумотларни ёзиб қолдирганлар. Тарихчиларнинг ёзишларича, Ҳиротда бувиси Гавҳардод Бегим қўлида тарбия кўрган Абдуллатиф отаси каби иқтидорли бўлиб, фалакиёт илми билан чуқур шугулланган, шэриятни севган, тарихий асарларни қўлаб мутолаа қилган. Тарихчи Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича кўра, ота ва бола ўртасида бошданок бир-бирларига ишонсизлик билан қараш мавжуд бўлган экан. Бунинг сабаби, Улуғбек ҳам, Абдуллатиф ҳам фалакиёт илмини яхши билганликлари туфайли, ўз тақдирларини ўрганганлар. Уларнинг ҳар иккаласининг тақдирлари отадан болага, боладан отага ҳавф-хатар бўлиши мумкинлигини кўрсатган экан. Ҳақиқатан ҳам кейинги воқеалар бу тақдирларнинг тўғри эканлигини кўрсатди. Мирзо Улуғбек ўз ўғли Абдуллатифнинг бевосита аралашуви туфайли ўлдирилди, ўз навбатида эса Абдуллатиф ҳам Улуғбек тарафдорлари томонидан 1450 йилнинг 9 майида ўлдирилди.

Мирзо Улуғбекнинг қабри очилиб, унинг суяклари чиқариб олинганидан сўнг қадимшунос-ҳайкалтарош М. Герасимов, унинг бош чаноғи асосида мунажжимнинг ҳужжатли портретини яратганди. Бу портрет ўша пайтда яхши қабул қилинган, чунки, таққослаш учун ҳеч нарса йўқ, олимлар ўртасида Улуғбекнинг ҳаётлигида чизилган бирорта сурати сақланмаган деган фикр ҳукмрон эди. Аммо кейинроқ аҳвол ўзгарди. 1969 йили академик Галина Пугаченкова тебурийлар даври тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга ноёб топилмакни кўлга киритишга эришди. Олима америкалик профессор Р. Эттингаузеннинг ёрдами билан Вашингтон санъат галереясида Мирзо Улуғбек ва унинг яқинлари тасвирланган ноёб миниатюрани топди. Ушбу миниатюрада беповён, кўм-кўк ўтлоқ устида ўрнатилган тўртбурчакли шийпончада оёғини муслмончасига чалиштириб ўтирган Улуғбек тасвирланган. Шийпончанинг устига гулли газлама қопланган бўлиб, пешонасига: «Улуғ Султон Улуғбек Кўрагон, унинг давлатига эганининг марҳамати бўлсин» — деб ёзилган. Суратнинг пастки қисмига насталиқ хати билан тўрт қатор ғазал битилган. Суратнинг умумий мавзуси лочин овига бағишланган. Маълумки, тебурий шахзолалар


ёшлигида ноқон овнинг бу усули билан боқиндан таниш бўлганлар, чунки лочин билан ов қилиш ҳарбий таълимнинг бир қисми бўлиб ҳисобланган. Тарихчиларнинг маълумотларига қараганда, Улуғбек ҳарбий ишларда унчалик моҳир бўлмаса ҳам лочин билан ов қилишни жуда севган ва ўлжалари сонини ёзиб юриш учун махсус қўндалик ҳам тутган.

Олиманинг аниқлашича, ушбу суратни мусаввир бевосита Улуғбекнинг қаршида туриб чизган. Суратдан бизга боқиб турган Улуғбекнинг кўзлари қийиқроқ, юзи сал чўзинчоқ қирғий бурун, сочсоқли бўлиқ ва ўша даврининг руҳига мослаб тарошланган, соқолига анчайин оқ оралаган. Унинг бош кийими худди қайиқ устига ўрнатилган чўзинчоқ чодирни эслатади ва бу шакли бош кийим Г. Пугаченкованинг фикрича, VII-XV асрларда Марказий Осиёдаги туркий қабилаларга хос бўлган. Суратда Улуғбекнинг ён томонидан, майсанинг устига тўшаланган гулли гиламларда унинг хотинлари, ўғиллари: Абдуллатиф ва Абдулазиз, мулозимлари ҳамда кўлларига лочинларни кўндириб олган икки қўшчи ҳам моҳирлик билан тасвирланган. Барча аёллар ва эркаклар ўз тутган маъқеларига мос равишда тебурийлар даврига хос бўлган либослар кийиб олганлар. Бу суратни олима 1441—1442 йилларда Самарқандда чизилган деб тахмин қилади. Бу пайтда ҳали Шоҳруҳ ҳаёт бўлиб, Улуғбекнинг бошига тожу-тахт учун машаққатли курашлар тушмаганидан, у суратда анча бардам ва руҳи тетик ҳолатда кўринади. Ушбу миниатюра моҳир мусаввир томонидан чизилган бўлиб, бизнинг кўнларимизгача буюк мунажжимнинг ёрқин сиймосини сақлаб келганилиги билан ниҳоятда қимматлидир. Ушбу миниатюрадаги Улуғбекнинг сурати билан қадимшунос М. Герасимов томонидан яратилган Улуғбекнинг ҳужжатли портрети ўртасида анчайин фарқ борлигини кўрсатмоқда.


Самарқанддаги Гўри Амир хилхонасидан қазиб олинган тебурийларнинг жасадларини ўрганиш билан боғлиқ ишлар 1942 йилнинг кузига келиб якунланди. Шунда Темур ва тебурийлар жасадларини қаерга дафн этиш масаласи пайдо бўлди. Жасадларни Ленинград шаҳрига, Давлат Эрмитажга элтиш керак, деган таклиф ўртага ташланди. Лекин, уруш туфайли юзага келган Ленинград қамали бунга имкон бермади. Шундан сўнг, жасадларни ўз жойига қайта дафн этишга мажбур бўлдилар. Аммо, қабрлардан чиқариб олинган кўпгина нарсалар қайта ўз жойига қўйилмади. Шу сабабли, бугунги кунда Улуғбекнинг белбоғ-камарининг қолдиги Тошкентда Ҳамид Сулаймонов номли Кўлбемалар институтида, кийимларининг парчалари Ойбек номли Ўзбекистон халқлари тарихи музейида, айрим парчалари эса Самарқанддаги Улуғбек мемориал музейида сақланмоқда... Мирзо Улуғбекка бўлган оддий инсоний меҳр-мурувват бу нарсаларни бир жойга йиғишни тақозо қилади, менимча... Келгуси йили улуғ мунажжим таваллудига 600 йил тўлади. Бу қўтлўғ маросимни муносиб равишда ўтказиш ҳаммамизнинг авлодлик бурчимиздир.

Улуғбек қабр тошидаги ёзувлар, СамДУ профессори Б. Валиқўжаевнинг бевосита ёрдами билан ўзбекчага ўғирилди.

1941 йил 22 июнда улуғ саркарда Амир Темурнинг макбараси очилди. Чандан унга: профессор С. Семёнов, адиб Саариддин Айний, академик Тошмухаммад Қориниёзий, қадимшунос М. Герасимов ва В. Шайкинлар.



Самарқанд. Гўри Амир.



Ашурали ЖҶРАЕВ

Кечиккан тавба

Ҳикоя

Бу воқеага анча йиллар бўлди. Лекин унинг бир ибратли жиҳати борки, эсламай иложим йўқ.

Ушанда учинчи синфда ўқирдим. Мактабимиз асосан тўрт йиллик бўлиб, бор-йўғи иккита синф хонасидан иборат эди. Хоналар анчагина тор бўлиб, бирида уч синф бола, уч фандан дарс тингларди. Ҳаммамизга тажангфелъ бир ўқитувчи дарс берарди. Унинг исми эсимда қолмаган. Фамилияси Шокирова эди. У кўзлари кичик, кўнғир сочларини ғалати бўёқларга бўяб юрарди. Хонанинг ўнг томонида ўтирган биринчи синф ўқувчиларига «Алифбе»дан, ўрта қаторда ўтирган учинчи синфга «Уқиш китоби»дан ва чап томонда ўтирган тўртинчи синфга «Арифметика»дан вазифа бериб, ўзи ҳўриллатиб қанд чой ичарди. Тушунмаганини сўраган ёки бехосдан гапириб юборган болани доскага чиқариб роса уришар эди. Жаҳди тез ва қўли каттик эди муаллиманимизнинг. Шапалоқ ё мушт тушган жойнинг оғриғи икки-уч кунгача кетмасди. Агар кулоқка ёпишса тамом — ўт чакнардди, ўт! Ундан ўлардай кўрққанамиз учун бошимизни эгиб, аста-аста нафас олиб ўтирардик.

У бир кунни дарс пайтида «Уқиш китоби»нинг орасидан арабча харфлар ва сўзлар ёзилган бир варақ

коғозни топиб олди. Олди-ю кичик кўзлари олайиб, пишкирди:

— Ким ёзган буни?

— Мен, — дедим дадил туриб. Лекин ҳозир шапалоқ тушса керак, деб юрагим шувиллаб кетди.

— Сен аблах хали арабчани биласанми? — у баттар тутоқиб кетди. — Қимдан ўргандинг бу ярама ёзувни? А? Ким ўргатди?

У мени судраб доскага олиб чикди. Екамдан ушлаб тортган эди, янги костюмим йиртилиб кетди.

— Ха, ярама, топдим. Сенга арабча ёзувни буванг, мулла Жўра ўргатган. Мулланинг боласи мулла бўларкан-да! Одамларни алдагани етмагандек, энди совет ёшларини бузаяптими, буванг? Сен фақат мактабимизга эмас, мендай илгор коммунист-ўқитувчи шаънига иснод келтирдинг. Шошмай тур, муллача, сенга ҳам, бувангга ҳам кўрсатиб кўяман. Тавбангга таянтираман сенларни, — деб мени дўппослай кетди. Юз-кўзларим аралаш ура бошлади. Ўнг кулоғимдан ушлаб, жон-жаҳди билан чўзган эди, кон отилиб кетди. Хуллас, ўзи уриб, ўзи кўйдди... Уч синф бола кўзлари жавдираб, кўрқув аралаш бизга термулиб ўтирди.

Ўша кеча иситмалаб чикдим. Тушларимда нуқул ўша бир варақ қоғозга ёзилган арабча харфларни, сўзларни кўраман, холос. Сўнг муаллиманинг вазоҳатли киёфаси пайдо бўлади. У варақдаги харфларни юлиб олиб жон-жаҳди билан тўрт томонга улоқтиради. Харфлар эса учиб келиб яна ўз ўрнида пайдо бўлаверади. Ўқитувчи харфлар билан олишавериб телба ахволга келиб қолди. Сўнг яна мени қалтақлай бошлади...

Менинг бу ахволда алаҳсиб ётганимни кўрган бобом бечора кишлоқ врачини чакириб келди. Врач уқол килиб, дори-дармон берди. Момом кўшнимизнинг яқинда фарзанд кўрган келинини чакириб, оғриётган кулоғимга сўт соғалди.

Икки кун шу ахволда ётдим. Учтинчи кун муаллиманинг шикоят аризаси бўйича уйимизга кишлоқ шўроси ранси, милиционер ва ҳўжалик партия ташкилотидан вақил келди. Улар дастлаб бобомни, сўнг мени обдон сўроқ қилишди. Бобомдан тилхат ёздириб олишди...

Раҳматли бобожоним менга арабчани ўргатаман, деб милицияга тергов берди. Бир ҳафтадан сўнг кишлоқ Шўроси мажлисида муҳокама қилинди. Ҳатто милиционер мактабга келиб, уч синф ўқувчилар гувоҳлигида мендан қайтиб арабча ёзувни ўрганмаслик ҳақида тушунтириш хати ҳам ёздириб олди...

Муаллима ўз «кахрамонлиги»дан ҳурсанд бўлиб юрди. Ҳатто йиғинларда мен билан бобомни фош этганимни мактабни гапирди. «Сендайларни газетга ёзиб фельетон қилиш керак. Шармандаларингни чиқариб, кишлоқдан хайдаш керак», деб дағдаға қилди. Чунки, у шу йўл билан кишлоғимиздан бир неча намозхон қарияларни қон-қакшатиб кўчиртириб юборган эди. Бобом «Худого солдим. Жазосини худо берсин!» дедилар. Мен эса... Орадан қанча-қанча сувлар оқиб кетди. Тўртинчи синфни тугатиш арафасида бошқа кишлоққа кўчиб кетдик. Бобожоним тўқсон ёшдан ошиб бандаликни бажо келтирдилар. Лекин у киши бир марта ҳам ўша ўқитувчи қилган ёмонлиқни эсламадилар...

Бир кунни поездда тасодифан учинчи синфда бирга ўқиган Бахтиёр исми совик синфдошим билан учрашиб қолдим. У қизғин гап орасида ўша даҳрий муаллиманинг тентираб юганини, жинни бўлиб қолганини бехосдан айтиб юборди...

Ота-онанг Ғанимат

Ўғил-қизга бериб меҳр-мурувват, Қаризанда кетар бедадан қуч-қувват, Ҳалол нонинг эрур доим қанд-новват, Бил,эй фарзанд ота-онанг ғанимат.

Ўзинг улғайгандек, кўксинг тоғ этма, Алла айтган волидангани койитма, Оқ сўт берган онанг дилин оғритма, Бил,эй фарзанд ота-онанг ғанимат.

Умр шамдир, ёниб бир кун йўчади, Яхшилик қил — элдан элга кўчади, Бузрукворинг ғуноҳингдан кечди, Бил,эй фарзанд ота-онанг ғанимат.

Ўқсанг асар Расулийнинг сўзларини Кўча-кўйда қизармайди озларинг, Ибрат бўлсин сен қолдирган изларинг — Бил,эй фарзанд ота-онанг ғанимат.

* * *

Олимжон ЖҶРАЕВ

Тўртликлар

Дўстларим чирогдир, мен-чи парвона, Уларсиз қизмас қасру қошона, Чин дўстлар бир ерда ўтирган маҳал Юракда қолмайди ғамдан нишона.

* * *

Ўзга юртлар бўлсин бир жаннатсимон, Ҳатто гулларида бўлмасин тикон, О, мен сенинг қаттиқ-қора тошингни Олтинга олишман, она Туркистон!!

* * *

Меҳнатсиз ғўзалмас гулзору яланг, Ҳаёт меҳнат билан касб этади ранг, Меҳнатсиз ҳаётни орзу этса қим, Албатта охири ҳоли бўлур танг.



* * *


— Булоқ, нечун сувинг қайноқ ва тоза?
— Чин Инсон қалбидан олдим андоза!
— Ҳўш, нечун қишу ёз берсан, уйғоқ?
— Сабаби Она-ер меҳридир ўртоқ!


* * *

Инсон қалбидир чексиз бир олам, Ундан жой олмиш тоғ, дарё, далам, Гоҳ маҳзун кезади, гоҳида хуррам, Уни тушунмасдан тош отма, болам.

* * *

Она-Ватан, сенсан менинг тилагим, Ишқинг ўти билан ёнар юрагим, Ҳиётат қилсам гар, жувонмарг бўлай Кесилсин тилиму синсин билгагим!





ПОЛВОНЛАР

Қадим-қадимлардан кураги ерга тегмаган полвонлар халқимизнинг фахри ифтихори саналган. Шу боисдан тўйларда, катта-катта маракаларда «фалончи полвоннинг қишлоғидан экан», «фалончи полвоннинг қишлоғини тўйга айтиш эсдан чиқмадимми?» деб, эслатиб туришган оқсоқоллар. Бу одат айрим жойларда ҳали ҳам бор.

Тўйлару, давраларда шу сабабдан икки полвон бир-бирини энгиш учун катта «жанг»га бел боғлаганда одамлар уларга яратган тангрининг ўзи қўласин, азиз-авлиёлар, пирлар мададкор бўлсин деб фотиҳа беришади.

1992 йилнинг декабри. Мамлакатимиз пойтахтидаги «Алпомиш» спорт саройида ўзбекистон кураши тоғландиган икки баҳодири — қашқадарёлик машҳур полвон Абдуқодир Пирматов билан сурхондарёлик Эрали Маҳмарасуловлар мамлакат мутлоқ ғолиблиги учун шохсупага чиқишди. Ҳакамнинг бошланглар, деган имо-ишорасидан сўнг, полвонлар бир-бирга яқинлашиб, курашни бошладилар.

Тўғриси, шу пайтгача бундай миллий кураш Ўзбекистон пойтахтида ҳали бирор марта, анча йиллардан буён ўтказилмаганди. Бу мусобақа рақибига тан беришни ўзларига эп кўрмайдиган довуракларнинг яккама-якка олишуви бўлди. Томошага тумонат одам

йиғилган. Мухлисларнинг «Яшанг полвонлар» деган қичқирқилари эшитилиб турарди. Томошабинлардан биров Абдуқодирга, бошқаси Эралига очикдан-очик тарафқашлигини кучайтиради. Полвонлар эса бир-бирларини доводиратиб ташламоқда. Ийқилишнинг андишаси, бир йўла икковининг ичига ўт қалаб турганлиги аниқ. Тарафқашлар ичиде ҳам рақобатланиш. Ҳар қайси ўз полвонини «қайраб» турибди: «Қодир, бўлсанг-чи ошна, отвормайсанми-а», «Бўш келма, Эрали, барибир ийқитасан»...

Ана-ана, Қодир полвон рақибини кенг ва гўштор, баланд елкалари узра кўтариб олди. Ҳозир, ҳозир... Яна бир ҳамла... ҳа-а-а... Йўқ-йўқ. Эрали полвон ҳам осонликча «синадиган»лардан эмас. Бели бақувват, қўли-оёғи жуда-жуда чаққон. Қодир бор имкониятларини ишга солиб кучаниб чиранишларига қарама-қарши куч ишлатиб иккаласи ҳам баб-бараварига полга қулаб тушди...

Зўрларнинг беллашуви худди шу таразда узоқ давом этди. Узларига қўшилиб тарафқаш мухлисларининг ҳам танасидаги шижоат аста-секинлик билан сўна бошлади. Ерларни дир-дир титратиб, тоғларни талқон қилгулик, баланд-баланд чинорларни илдизи билан суғуриб ташлагудек кучлар сарфланди. Ваҳима эмас-у, дарё-дарё терлар оқиб кетди. Ҳакамлар ўзаро қанча тиришиб тортишмасин барибир ўша кунги жангда ғолиб аниқланмай қолди...

Яна қайтадан беллашув белгиланган кун ҳам етиб келди. Бугун ҳаммаси ҳал бўлиши, полвонлардан бири узил-кесил ғалаба қилиши шарт. Ё Қодир полвон ё Эрали полвон... Беллашув бошқа кунга қолдирилгандан буён полвонлар жон осойишталигини-ю, оромини йўқотишди, албатта иккаласи ҳам бошқа ишни йиғиштириб машғулотлар домига сингиб кетишади...

Яна соат миллари белгиланган фурсат етиб кел-

ганини билдирди. Курашнинг ишқибозлари ҳам бу сафар Тошкент Давлат циркида йиғилган. Полвонлар ўз устозлари, тарафқашлари-ю, яқин дўсту-ёрларининг темир қуршовида. Бугун уларнинг биттаси энг зўр дея тан олиниси, иккинчиси эса майдондан бошини ҳам қилиб чиқиб кетиши керак. Мухлисларга ҳам фақат шу керак. Уларнинг ўй-хаёлида бўладиган ишнинг бўлгани маъқул. Яна бир неча сониялардан сўнг ўртадаги полвонларга тикилиб турганларнинг ҳамма-ҳаммаси ҳовирларидан тушиб юракларига сув сепа оладилар. Ойна-ю жаҳон-у радио тўлқинларида мамлакатнинг мутлоқ чемпиони тўғрисида бонг урилади...

Йўқ, бу гал ҳам мухлислар кутганчалик бўлмади. Яна дунё-дунё афсуслар бўлсинки, мамлакат мутлоқ чемпионлиги даъвосида шохсупага чиқишган бу икки полвоннинг ҳал қилувчи беллашуви, бир овоздан мамлакатнинг 1992 йилги қўш чемпиони, деб эълон қилинди...

Йиғилган мухлисларга полвонлар кураш услубининг бор маҳорат ва имкониятини кўрсатиб, иккаласи ҳам полвонлик номига муносиб иш тутди. Шундай қилиб чаптастларнинг бир-бирини ҳалол ва мардона энгиш учун қилган ҳаракатлари ва кучлари тенгма-тенг келди.

Бу икки полвонларнинг бири Абдуқодирни излаб борганимда уни жисмоний тарбия олийгоҳининг спорт залидан топдим (ҳозир у шу олийгоҳда ўқитувчи). Абдуқодир турли вазндаги оғир тошларни елкасига ортиб ўтириб машқ бажарарди. Ҳар эгилганда қўл ва оёқ суякларининг қисирлагани эшитилади. Машғулотни тугатгач полвон йўлни хонаси томон бошлади. Сухбатимиз қизигандан-қизиди. Унга ўғринча тикилиб-тикилиб қарайман. Елкаларига ҳавасим келади: икки энлик тахта қўйиб 7—8 киши жойлашиб ўтирса ҳам эгилмаса керак бу қомат. Айтадиган гаплари ҳам етти ўлчаб бир кесилгандай вазмин. Вақти-вақти билан мен ҳам савол назари билан гап ташлайман.

— Абдуқодир Ўзбекистоннинг мутлоқ чемпионлигини «иккига бўлишган» рақибингиз — Эрали полвон билан учрашдингизми?


— Эрали менинг рақибим эмас. Иккаламиз илгаридан танишмиш. Тўйларда, байрамларда ва бошқа ҳар хил расмий мусобақаларда қўл олишганимиз. Бироқ қўш чемпионликдан кейин кўришмадик ҳам, беллашмадик ҳам. Чемпионликни бўлиб олганимизга келсак, уни ҳам шу даражага лойиқ деб ҳисоблайман. Қолаверса ҳакамлар ҳам шунини лозим деб билишди.

— Ўзбекистоннинг энг кучли полвонлари деб кимларни тан оласиз.

— Эрали Маҳмарасулов, Рустам Эргашев, Фурқат Солиев, Шухрат Очиловлар. Халқимизнинг ишончини оқлашга лойиқ полвонлар.

Ҳа, бу полвонларнинг ҳар бири мустақил Ватанимизнинг ҳали ёш, мард қалқонлари! Улар ҳали Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги шарафини ҳимоя қилишиб, ўзбек халқининг шаънини юксакларга кўтаришига ишончимиз комил.

Нормурод МУСОМОВ.



Кураги ерга тегмаган полвонлар Абдуқодир Пирматов билан Эрали Маҳмарасулов.

Туркий халқлар бирлиги ва уларнинг маданиятлари тараққиётига хизмат қилган машҳур туркшунос олим ва аjoyиб шоир Бакир Чўбонзода нафақат кримтатар халқининг, балки бутун туркий миллатнинг ҳурматига сазовор бўлган зотлардан бирidir.

Машҳур олим 1893 йил, 5 майда Кримнинг Корасувбозор шаҳрида Куртвахоб деган чўпоннинг оила-сида дунёга келди.

Корасувбозор шаҳридаги бошланғич мактабда ўзининг қобилияти билан ажралиб турган чўпон бола аъло ўқийди ва шаҳардаги Хайрия жамиятининг ёрдамида ўқишини давом эттириш мақсадида Истанбулга йўлланма олади. 1909—1914 йиллари Истанбулнинг «Султония» (ҳозир Галатасарой) лицейида ўқиб, турк ва француз тилларини мукаммал ўрганади. Ундаги назмга бўлган ҳавас ҳам худди шу даврда уйғони. Дастлабки ёзган шеърларидан бирини Чўбонзода таҳаллуси билан чоп қилдиради.

Чўбонзода 1912 йили Истанбулда Абдурауф Фитрат билан танишади. Фитрат унинг ёрдамида Исмаил Гаспиринскийнинг «Дарулроҳат мусулмонлари» романини кримтатар тилидан форсийга ағдаради. Улар ўртасида бу дўстлик то 1938 йилгача, яъни Фитрат катагон йилларида жожеали қурбон бўлгунига қадар давом этади. Фитрат билан Чўбонзода бир-бирини ниҳоятда ҳурмат қилишарди. Улар биргаликда шарқ адабиётининг улуг даҳоси Мир Алишер Навоий ижодини тарғиб қилишда ниҳоятда меҳр-муҳаббат билан хизмат қилинган.

1914 йили Кримга қайтиб келган Бакир Чўбонзода Одесса ўқув юртиларидан бирида славян тилларини ўрганади. Туркий тилларга бўлган ҳавас уни 1915 йили Будапешт университетига чорлайди. Бу ерда ўша даврнинг машҳур профессорлари, туркшунос, Дьюда Немет ва арабшунос Игнац Гольдшернинг лекцияларини тинглайди. Машҳур олимлар Чўбонзонанинг туркшунослик билан жиддий шуғулланишига кўмаклашадилар.

Бакир 1918 йили университетни битиради ва «Кипчакларнинг «Кодекс-Куманикус» ёзма адабиёт ёдгорлиги ва туркий тилларда артикуляция муаммолари» мавзуда докторлик илмий даражасини ҳимоя қилади. Шу йили Будапешт ва Лозанна университетларининг профессори этиб сайланади ва Европанинг энг машҳур университетларида дарс беради, Венгрияда халқ ҳокимияти учун курашда фаол катнашади, инқилобий «Шарқ» газетасига муҳаррирлик қилади.

Бутун туркий тиллар билан бирга араб, форс, инглиз, француз, немис, венгер ва рус тилларини ўрганиб, туркшуносликда юқори обрўга эга бўлган олим 1920 йили Кримга қайтади. Крим мухтор жумҳурияти Марказий Ижроия Кўмитасига сайланади, халқ маорифи комиссарлигига раҳбарлик қилади. Таврида университетининг ректори бўлади, шарқшунослик факультетида туркий тилларнинг киёсий грамматикасидан дарс ўтади.

1926 йил мартда Бакир Чўбонзода Бокуда бўлиб ўтган туркшуносларнинг биринчи Бутуниттифок курултойининг ташкилотчиси бўлиб, машҳур олимлар билан бирга бу анжуманининг қарорларини тайёрлайди. Бу қарорлар туркий тилларда сўзлашган бутун халқларнинг янги алифбога ўтиш ҳаракатини авж олдирди.

Курултойдан кейин у Иттифок Марказий Ижроия Кўмитасининг 1927 йил июн ойида чақирилган биринчи пленумида янги турк алифбосини жорий қилиш мавзусида маъруза қилади. Чўбонзонанинг раҳбарлигидаги илмий кенгаш янги турк алифбоси Бутуниттифок Марказий Кўмитасининг Тошкентда (1928 йил, январь), Қозонда (1928 йил, декабрь), Олмаотода (1930 йил, май) ўтказилган пленумларига аниқ тавсиялар тайёрлайди. Бу тавсияларнинг жорий қилиниши, Совет Иттифокида яшаган кўпгина халқларнинг араб харфлари асосида тузилган алифбодан лотин алифбосига ўтишларини таъминлайди. 1925 йилдан бошлаб Озарбойжон тадқиқ қилиш ва ўрганиш жамиятининг ишларида фаол катнашади, туркшунослик бўлимига тарих ва тилшунослик гуруҳига бошчилик қилди. Бу жамият Озарбойжон давлат илмий-тадқиқот институтига айлантирилгандан кейин олим 1929 йилдан унинг аспирантурасига раҳбарлик қилди.

Унинг «Фузулий ва унинг адабиёт тарихидаги ўрни» мақоласи буюк озарбойжон шоирининг ижодини тўғри баҳолашда янги босқич бўлди: 1928 йили Бокуда чоп қилинган «Мир-Али-Шер» тўпламида

Туркий тилларнинг ғамхўри

Бакир Чўбонзонанинг 100 йиллиги муносабати билан

эълон қилинган «Навоий тилчи», «Навоийнинг тили ва тилшунослиги хақида» каби мақолаларида буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг ижодини кенг тадқиқ қилди. «Октябрь ва турк-татар адабиёти», «Кримтатар адабиётининг сўнги даври» каби асарларида Фирдавсий, Навоий, Фузулий, Охундов каби шарқ классик адабиёти вақиллари тўғрисида ёзган илмий мақолалари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

1926 йили янги алифбо муносабати билан илк бор Самарқандга келган олим ўзбек тили ва адабиётини кузатиб борди. Янги алифбо кўмитасига раҳбарлик қилган Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Кўмитасининг раиси Йўлдош Охунбоев янги алифбо бўйича Бутуниттифок кўмитасининг бошлиғи Бакир Чўбонзонани мамнунлик билан қабул қилди. Олим Самарқанд университетининг муаллимлари ва талабалари учун янги алифбо тўғрисида маърузалар ўқийди.

1928 йили Тошкентга янги турк алифбоси Бутуниттифок кўмитасининг анжуманида катнашиш учун келган Чўбонзода ўрта Осие Давлат дорилфунуни Фарғона ва Бухоро педагогика институтларида янги алифбонинг моҳияти тўғрисида маърузалар ўқийди. 1930—1934 йиллари бу институтлар ўзбек тили кафедраларига мудир бўлган олим ёш ўзбек тилшунос олимларини тарбиялашда фаол катнашади. 1928 йилдан Самарқандда нашр қилинган «Аланга» журналыда «Янги алифбонинг янги муваффақиятлари ва галдаги вазифалар», «Бирлашган алифбонинг яхшилаш масалалари» каби мақолалари босилди.

Ўзбек тили ва адабиётини жараёнини диққат билан кузатиб борган ва бу соҳада мақолалар ёзган Чўбонзода «Кримтатар адабиётининг сўнги даври» асарига инкилобдан кейин ижод қила бошлаган ўзбек адабларининг асарларига юксак баҳо берди. «Бойқаро ва унинг девони», «Ўзбек адабий тили хақида» каби илмий мақолаларида ўзбек тили ва адабиётининг миллий хусусиятлари, унинг классик меросини ўрганиш муаммоларига тўхтади. Чўбонзода хусусан Алишер Навоийнинг ижоди билан қизиқди, унинг асарларини нашр қилишга даъват этди.

Чўбонзода истеъдодли ёш олимлар, кейинчалик Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиклари Воҳид Зоҳидов, Воҳид Абдуллаев, профессор Ходид Зарифларнинг қобилиятларини аввалдан сезди ва уларга илмий кўмак берди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг биринчи президенти, академик Топмухаммад Қори Нисёий билан яқиндан таниш эди. У Ўзбекистонни юракдан севар, имкони бўлиши билан бу ўлкага ошқар, ўзбек олимлари ва адаблари ўр-



тасида кўп дўстлар орттирган эди.

1928 йили лотин алифбосида биринчи ўзбек журналы «Аланга» нашр этила бошланди. Журналга Боту (Махмуд Ходиев) муҳаррирлик қилар эди. Шу йиллари Самарқандга машҳур туркшунос профессорлар Евгений Эдуардович Бертелс, Александр Николаевич Самойлович, Бакир Чўбонзода, Исmoil Икмет, Азиз Губайдуллинлар тез-тез келардилар.

Самарқанд шаҳар ижроия кўмитасининг биносида ўша вақтларда Ўзбекистон илмий-тадқиқот институти жойлашган эди. «Аланга» ва «Маориф ва ўқитувчи» журналларининг редакциялари ҳам шу ерда эди.

Чўбонзода ва Бертелс бу бинода илмий ходимлар олдига навбатма-навбат учта маруза қилдилар. Мехмонлар шундан кейин икки журнал ходимлари билан Ботунинг муҳаррирлик хонасида учрашдилар. Бу учрашув туркий тилларнинг тараққиёти хақида баҳсга айланади. Чўбонзода Ботунинг шеърлар тўплами чоп қилиниши билан табриклайди.

Бу учрашувда Бакир оға Фарғона водийсига бориш нияти борлигини айтиди. А. Н. Самойлович ва И. Икмет унга қўшилишади. Ўзбекистон маориф комиссарининг муовини Боту мехмонларининг Фарғона сафарига ҳамроҳ бўлади. Дастлаб Қўқонда тўхташади. Чўбонзода Қўқон адабий муҳити билан қизиқди. Муқимий, Фурқат, Завқий каби шоирлар истикомат қилган жойларни зиёрат қилдилар. Фарғонада педагогика институти ўқитувчиларининг илтимоси билан тил назариси тўғрисида маъруза ўқийди. Андижон ва Наманган шаҳарларини томоша қилиб, Тошкентга қайтган Бакир Чўбонзода Ғози олим Юнусов хонадониди, дастурхон атрофида шоирлар Чўлпон ва Элбек, тилчи Каюм Рамазов билан танишади.

Профессор 1928 йили Ботунинг илтимоси билан ёзган «Янги алифбонинг янги муваффақиятлари ва галдаги вазифаларимиз» номи мақоласи «Аланга» журналынинг 12-сониди, 1930 йили 4-сониди «Бирлашган алифбонинг яхшилаштириш вазифалари» мақоласи босилди.

30-йиллари туркий халқлар яшаган ўлкаларда Бакир Чўбонзода кўтарган ғоялар тез тарқалган ва кўтаринчилик билан кутиб олинган. Бу кейинчалик уни «пантуркист» деб айбланиш сабабларидан бири бўлган.

Чўбонзода ҳеч қачон илмий мансаб, даража ортидан қувмаган, фан тараққиёти йўлида фидойиларча хизмат этган шоғирдини 1935 йилнинг декабрида диссертация ҳимоя қилмай туриб фан номзоди деган даражага ва доцентлик унвонига лойиқ деб тавсия

килади. Академикнинг тавсияси инобатга олинади ва Х. Саидга шундай илмий унвонлар муносиб деб топилди. Б. Чўбонзода шогирди тўғрисида шундай ёзади: «...Х. С. Хўжаевнинг 14 илмий асари борки, улардан туркий тил синтаксисига доир охирги асарини алоҳида қайд этиш лозим. Бу асарда Х. Саид шарқ ва рус тилшунослигининг назарияси соҳасидаги барча фикрлардан фойдаланган, туркий тил синтактик қурилишига доир бой материал тўпланган».

Ун тўрт босма тобок ҳажмидаги бу асар академикнинг тавсияси асосида Халқ Маориф Комиссарлигининг топириги билан ёзилган. Б. Чўбонзода-нинг ўзи уни тахрир қилган.

Ҳолид Саид устози Б. Чўбонзода каби турк, ўзбек, озарбойжон; араб, форс, рус тилларини яхши билгани учун М. Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарининг таржимаси унга топирилади. 1935 йил 1 сентябрдан бошлаб, 1937 йилнинг апрелида асарининг таржимаси тугатилади. Таржима Б. Чўбонзода-нинг илтимосига кўра, Ленинград, муҳаррирлар — академик И. Крачковский ва профессор С. Маловга тахрирга жўнатилиши режалаштирилади. Афсуски, орадан икки кун ўтмай Х. Саид ҳибсага олинади. Худди шу йиллари Х. Саид академикнинг кўмагида Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини озарбойжон тилига таржима қилиб, бу асар 1928—1929 йилларда икки марта нашр этилади.

Ҳолид Саиднинг тақдири ҳам Чўбонзода-нинг тақдири каби фожеали бўлди. 1937 йилнинг июнида ҳибсага олинган олим, шу йилнинг октябрда оти-лади. Бундан шунини билиш мумкинки, Чўбонзода

Абдулла Қодирий ижоди билан таниш бўлган, ўзбек романчилигининг илк намунасини озарбойжон китоб-хониға етказишга хисса қўшган...

Бакир Чўбонзода назмда 20-йилларда ижод қила бошлаган. Ижодининг илк даврида ёзган асарлари орасида «Онани қаерда» (1913) дostonи қримтатар адабиётида муҳим ўрин тутмоқда. 1928 йили Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида нашр қилинган «Бўрон» номли шеърый тўпламига унинг чет элларда, Кримда ва Озарбойжонда ёзган шеърларидан намуналар берилган.

Бакир Чўбонзодадан бизга бой илмий мерос қолди. Унинг туркий халқларнинг тиллари ва адабиёт-ларига бағишланган 330 дан ошми илмий асари бизга маълум. Академик туркий тиллар ва туркшу-носликнинг бутун муаммолари билан шугулланди. Туркий тилларнинг классификацияси ва уларнинг тузилиши хусусиятлари, мўғул, тунгус-манчжур ва урал тилларига муносабатини кўрсатди ва илк бор буни тадқиқотларда тарафлаштирди.

Машҳур олимнинг асарлари анъанавий тарихий йўналишда битилган. Аниқ тил мавжуд ёдгорликлар ва шевалардаги турлу-туман ҳолатлар тилшуносни доимо қизқитди, бу унга туркий тилларнинг ўзаро муносабатларини белгилашда, келажакда туркий халқларнинг қиёсий-тарихий грамматикасини тузиш-да ва бу соҳада туркшуносларнинг ҳамкорликда қиладиган ишларининг самараси бўлар, деб умид қилди.

Чўбонзода туркий тилларни ўрганиш соҳасида қўлга киритган ютуқларининг якуни сифатида

қиёсий-тарихий грамматика ва умумий туркий луғат тузишининг муҳимлигини ўртага сурди. Унинг фикри-ча, туркшунослик бўйича тўлиқ илмий тўпламлар йиғилмаганлиги туркшуносликнинг ривожига тўс-қинлик қилар, илмий-тадқиқот ишларининг самарали ўсшига салбий таъсир кўрсатарди. Олимнинг бу фикри ҳозир ҳам туркшуносликда ҳал этилмаган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўз асарларида даврнинг муҳим талабларини қўйиши билан бошқалардан ажралиб турган Чўбонзо-да қримтатарлар, озарбойжон, ўзбек ва бошқа тур-кий халқлар тиллари ва адабиётларига бағишланган асарларида, тил қурилиши тўғрисидаги маърузала-рида адабий тиллар ва туркий халқларнинг мил-лий атамаларини ишлаб чиқишни кўп таъкидлаган.

Бакир Чўбонзода-нинг илмий меросини ўрганиш шунини тасдиқлайдики, унинг ижоди ғоят сермахсул бўлиб, асарларида доимо тадқиқотни тарафлашти-ришга интилиш, ҳулосалари ва қарашларини аниқ ҳамда тўғри шакллантириш кўзга ташланади. Бу эса олимга боқий умр бағишлаб, асарларининг аҳа-миятини яна ҳам юксалтиришга хизмат этди.

Бакир Чўбонзода туркий халқлар маданиятлари-нинг равнақи йўлида фидокорона хизмат қилди ва миннатдор авлодларнинг хотирасида туркшунослик фанининг жонқуяр заҳматқошларидан бири бўлиб қолди.

Сафтер НАҒАЕВ,
қримтатар адиби

АЖДОДЛАР ЎГИТИ

Муҳаммад АВФИЙ

Оқибатли кўшни

Абдураҳмон Авзоғий арафа кунини кечқурун уйда эди. Кимдир ҳовли эшигини қоқди. Чиқиб қараса кўшнини экан. У камбағал ва сербола одам эди. Мўлтираб элиниб-ёловорди:

— Э, хожа, мана эртага ҳайит. Лекин киссада қора чақа ҳам йўқ. Бир оз пул бериб туролмайсизми?

— Қани суриштириб кўрайлик-чи, — деди у кўшнисига ва дарвозани ёпмай уйга қайтиб кирди ва хотини билан маслаҳатлашди. Хотини бор-йўғи йиғирма беш дирҳам оқчамиз бор, бир қисмини майли кўшнисига берайлик, қолган қис-мини эртага ўзимиз ҳайитлик қилай-лик, — деди.

— Йўқ! — деди у хотинига, — кўш-нига оқчамиз ҳаммасини берайлик, шундай қилсак савобининг бир қисми барибир бизга тегади.

Мақтанчоқнинг қисмати

Бир кун арининг кўзи зўр машақ-қат билан ишига дон судраб бораётган чумолига тушди. Таъмағирлиги тутиб унга деди:

— Э, чумоли! Узингни бу қадар азоб-га қўйишингдан муддао нима? Бу балонини не сабабдан ихтиёр қилдинг? Менинг ҳаётим, емиш-ичишимга қараб уни тутсанг бўлмайдингми? Подшоҳлар дастурхонидаги ҳар қандай таом мен-сиз ейлмайди. Шамолни миниб учаман, истеган ерга қўнаман, найзамни ёвнинг жигарига санчаман. Хуллас, нимани кўнглим тиласа шунини ейман.

Сўнг парвоз қилди ва тўғри қассоб-нинг дўконига бориб қанорадаги осиб қўйилган гўшга қўнди. Қассоб қўлида пичоғини тутиб турган эди, уни мўлжал-га олди ва нимталаб ташлади. Шу ерда пойлаб турган чумолилар эса уни суд-раб кетдилар.

Сувники—суга кетиб

Басралик бир одамнинг бир неча соғин қўйи бор эди. Лекин ҳар кунини соғиб қўйилган сутни кўришпалак ичиб қўяр эди. Қўй эгаси бўлса сутга сув қўшиб, бозорга олиб бориб сотарди. Кўнлардан бир кун чўпон ҳалиги одам-га деди: «Э, хожа, бундай қилма. Оқи-бати ёмон бўлади». Лекин у қўлоқ сол-мади — сутга сув қўшаверди. Бир кун қўйлар тоғ ёнбағрида ўтлаб юрардилар. Бирдан довул кўтарилди, жала қўйди. Тоғдан сел келиб қўйларни оқизиб кет-ди. Кечқурун қишлоққа чўпоннинг бир ўзи қайтиб келди. Хожа ундан қўй-ларини суриштирди. Чўпон жавоб қил-ди: «Сутга қўйилган сувлар бир-бири-са қўшилиб сега айланди ва қўйлар-инини оқизиб кетди».

МАҲДИЙ

Асирнинг тадбиркорлиги

Бир пайт уч юз асирни амир Муъин ибн Зойднинг ҳузурига олиб келдилар. Амир уларнинг барчасини ўлмага ҳужм қилди. Шу пайт асирлар орасидан бир

кўҳлик йиғит отилиб чиқиб амирга му-рожаат қилди:

— Э, улуг амир, ўлимимиз олдинда бизга сўв беришсин.

Амир мулозимларга асирларга сўв беришни буюрди. Шундан кейин ўша йиғит ўрнидан туриб, амирга қуллуқ қилди ва деди:

Ҳикматлар

Муъин ЖУВАЙНИЙ

Қобилият эгасининг бошини сила-маслик — зомиллик, истеъдоди йўқни тарбиялаш — жоҳиллик.

Жоҳилнинг бешта қилиғи бор: дар-ғазоблик, беҳуда сўзлаш, манфаат кўз-ламай тортиқ қилмаслик, ортиқча мақ-танни, дўст билан душманни фарқ қил-маслик.

Иззат талаб бўлма — уягга қолсан, таом мазалик экан, деб кўп еми охири заҳар таъминки тортасан.

Тўрт эзеуликнинг қадрини тўрт тоифа биллади: ёшлик қадрини — кекса, сало-матлик қадрини — бемор, хотиржамлик қадрини — бечора, тириклик қадрини — ўлик.

Мансабдор мол тўплайди, оқил — фазилат.

Диёнатли дўстнинг нафси ўлик бў-лади, чунки ҳамсафари хусусида кўпроқ қайғуради.

Душман билан ҳамсуҳбат бўлганинг-да ҳам ўзингни ундан баланд тутма.

Оқилнинг кўре одам билан суҳбатда бўлиши жоҳилнинг айшу ширатга мур-касидан кетишига ўхшайди.

Оғир кунларда ёнингда турган одам-гина инъомага сазовордир.

Маънавий меросимиздан

— Э, Улуг амир, бугун сенинг меҳ-монинг бўлди. Меҳмонга мурувват ва иззат-икром кўрсатиш мезбоннинг бур-чи, Сен ўз бурчинга содиқ экансан.

— Рост сўзладинг, йиғит, — деди амир унга, — асирларнинг ҳаммасига ҳаёт бағишладим.

Узини адоватдан эҳтиёт қила олган, шону шавкатга эгаман, деб рақибини камситмаган одамгина доно ҳисобла-нади.

Адоват хавфини сезгудай бўлсанг — ундан ўзингни олиб қоч, муҳаббат ис-тини сезсанг — сахийлик эшигини оч.

Бағритош дўстни — душман ҳисоб-лаш лозим.

Ўзинг муқаррар тоат-ибодат қилма-ганиндан кейин бошқадан буни талаб қилиб нима қиласан?

Султоннинг хизматида бўлсанг ҳам, суҳбатидан ўзингни тий.

Идрокли, сўзга вафодор, ўзидан кичик билан хушмуомала одамгина доно одамдир.

Кўр — нодондан дурустроқ.

Истеъдодлик одамга — дағаллик, қо-билиятсизга — мансаб ярашмайди.

Уч ҳунар бошқа уч нарса билан қў-йилмайди: ҳақиқат — сўз билан; шиф-қат — газаб билан; ширин таом — ҳирс билан.

Пасткашни асло тарбият қила кўр-ма — баттар бўлса бўлади, лекин ўн-ламайди. Шундай одамни тарбият қил-гинки, сени чақаман деб келаятган чаён-нинг нишига ўзини кўндаланг қилсин.

Karilpa va Dimna

Буюк мутафаккирлар инсон камолотига алоҳида эътибор бериб келганлар. Шарқда «Қалила ва Димна» номи билан шухрат қозонган ҳиндларнинг «Панчатантра» («Беш ҳикмат»), «Тўтинома» номи билан машҳур бўлган «Шу-касанти», Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу билги» («Бахт-саодатга йўлловчи билим»), Муслиҳиддин Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Носириддин Рабғузийнинг «Қисса Рабғузий», Алишер Навоийнинг «Маҳбубул-қулуб» («Кўнгилларнинг севгани») ва бошқа ўнлаб дурдона асарлар асрлар давомида фазанд тарбиясида дастур васифаси ўтаб келмоқда. Бу ганжина асарлар неча-неча авлодга поклик, ростгўйлик, жувонмардлик фазилатларини сингдириб келаётгани сир эмас. «Қалила ва Димна» туркий тилларга ҳам таржима қилинган.

Бу ноёб ёдгорликнинг форсчадан туркийга биринчи тар-

жимаси Абул Маолий нуҳасидан Маъсуд номли шахс (Усмоғли туркларидан) амалга оширган бўлиб, ундан кейингиси Умарбек Шаҳзода Ойдин (вафоти 1347 йил) қаламига мансубдир. Ана шу иккинчи туркий таржимани номаълум шоир шёрга солган ва уни Султон Мурод I га тақдим қилган.

Ушбу дурдона асарнинг ўзбек тилига қилинган биринчи таржимаси тахминан XIII асрга мансуб, унинг ягона нуҳаси Лондондаги «Индия оффис» китобхонасида сақланади.

1960 йили озарбойжон олими Р. Султонов «Қалила ва Димна»ни ўз она тилига таржима қилиб, нашрдан чиқаради. Шу нашр ҳозирга қадар туркий тилларда мавжуд ва босмадан чиққан таржималар орасида энг эътибор-лисидир.

«Қалила ва Димна»нинг энг катта фазилати шундан иборатки, у яратилгандан бери ўтган барча замонларда,

хўлида кечагина Ёзилган асардек, ўз таъсир кучини йўқотмай келмоқда. Шарқ халқларида кенг тарқалган ундаги ҳикमतлар, ўғит ва пандлар, ажойиб ҳикоятлар, масал, мақол ва маталлар авлодлардан авлодларга ўтиб, янада шухрат топтомоқда.

Бу асарнинг ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётига таъсири ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Асарнинг биргина XIX асрнинг ўзида уч марта нашр этилиши, кейинги йилгирма беш йил орасида ҳам уч марта босмадан чиқарилиши адабий-маънавий ҳаётимизда муҳим ҳодиса эканлиги шубҳасиздир.

Шундай қилиб, бу ноёб, шох асар ўзбек халқининг ҳам мулкига айланиб кетди.

Азир журналхон! Инсонни камолотга, саодатга қорловчи асар — «Қалила ва Димна»дан бир бобни сизнинг эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз. Бу ғоятда ибратлидир.

Рожа бараҳманга деди: — Бошқаларга зулм қилиб, ўзига бахтсизлик юзлангандан кейингина тавбасига таянган одам ҳақидаги масални эшитдим. Энди шундай бир қисса айтиб берсангки, унда ўз хунарини қўйиб, бошқа бир хунарга ёпишган, сўнгра бу янги машғулнинг улдасидан чиқа олмасдан ўзининг аввалги хунарига қайтишни истаган, лекин уни ҳам эълай олмади, аросатда қолган одам ҳақида ҳикоя қилсанг.

Бараҳман деди: — Ҳар ишнинг ўз одами бор. Ким ўз қўлидан келадиган ишни ташлаб, қўлидан келмайдиган бери ишга ёпишса, албатта, муваффақият-сизликка учраб, расво бўлади, кейинги лудаймон ёрдам бермайди. Дейдиларки: «Хуна ёлдан чикма-са-да, лекин нозик томонлари унутилади». Инсон ўз ишни ахшилаб ўрганиб, уни ҳеч қачон қўлдан бермаслиги керак. Бўлмагур хаёлларга берилиб, шохдан-шоҳга кўнмаслиги, ҳар қандай гулнинг гўзаллигига учмаслиги керак. Бунга мисол қилиб, қуйидаги ҳикояни келтирса бўлади.

Рожа сўради: — У қанақа ҳикоя?

Хикоят. Бараҳман деди: — Қинчу деган вилоятда тоғути ибодат билан машғул бўлган бир зоҳид яшар эди. Бир кун унинг уйига меҳмон келди, зоҳид уни самийи қутиб олди. Хол-аҳвол сўрашгач, меҳмоннинг қаердан эканлигини ва қаерга кетаётганлигини сўрашди.

Меҳмон жавоб берди: — Саргузаштларим жуда узун. Сизга малол келмаса, айтиб берай.

Зоҳид деди: — Кимки қиссага қулоқ солса, албатта, ундан ўзига ҳисса олади. Қўрган-билганларингизни ва ҳар бир сафардан олган фойда ва зарарингизни сўзлаб беринг.

Меҳмон деди: — Менинг аслим фарангдир. Ўз юртимда оғир меҳнат билан тирикчилигимни ўтказаман. Менинг бир дехкон дўстим бор эди. У менга ёрдам қилиб, қарзга қалла бериб турар, пулимни бер, деб шоширмас эди. Бир кун мени ўз боғига чақириб, меҳмон қилди ва қизгин сўхбат асосида мендан сўради: — Сен ўз касбингдан қанча фойда оласан? Сармоянг қанча-ю, фойданг қанча?

Мен ўз аҳволимни қисқача баён қилиб дедим: — Дўконимдаги дастмоям йилгирма харвор¹ қалладир, ундан оладиган фойдам оиламга етиб туради.

Дехкон деди: — Йўғ-э, фойданг кўпроқ бўлса керак?

Мен дедим: — Сенинг хунаринг қанча фойда беради?

У жавоб берди: — Менинг дастмоям кам бўлмаса ҳам фойдаси бениҳоядир. Озгина уруғ сепиб, кўп ҳосил оламан.

Мен хайрон бўлдим ва дедим: — Қандай қилиб? **Дехкон деди:** — Таажжуб қилма, бир дона бошқоқ ҳеч нарса эмас, лекин ундан анча бугўди ундириб олас бўлади. Қасбим жуда фойдали. — Дехконнинг бу сўзларини эшитгандан сўнг дўконни беркитиб, дехкончилик қилмоқчи бўлдим.

Бунга маҳалламиздаги бир шайх эшитиб қолиб, мени чақиртирди ва деди: — Сен ўз касб-корингга қаноат қил. Ундан ортингни истама. Хирс шумлик келтиради.

Мен дедим: — Эй шайх, мен фойдаси кўпроқ иш билан шугуullanмоқчиман. Шунда тирикчилигим осонлик билан ўтади деб ўйлайман.

Шайх деди: — Кўп муддатдан бери шу касбинг билан кўнунг ўтиб турибди. Дехкончилик куч ва меҳнат талаб қилади. Соддалик қилма ва ўз ишингни ташлама. Кимки ўз касбини ташлаб, номуносиб ишга ёпишса, қарғанинг бошига тушган савдо унинг ҳам бошига тушади.

Мен сўрадим: — Қарғанинг бошига нима савдо тушибди?

Хикоят. Шайх деди: — Бир кир ювувчи бор эди. У ҳар кун сув лабида кир ювар ва ўша сувда курт-кумурскаларни тутиб ёв юрадиган бир фозни кўрар эди. Бир кун бир лочин семиз қакликни тутиб келиб, гўштидан бир өз еди-да, қолганини ташлади. Буну кўриб, фоз ўзига ўзи деди: — Бу қуш қичкина жуссаси билан катта қушларни тутиб ейди, мен бўлсам шу шакл ва ҳайбатим билан майда-чуйда нарсаларга қаноат қилиб юрибман. Энди катароқ кабутар, қакликлар тутишга ҳаракат қилай.

Шу вақт бир кабутар сув лабига қўнмоқчи бўлган эди, фоз унинг кетидан қувди. Аммо кабутар чап бериб учиб кетди. Фоз сув лабига йиқилди, тумшуги лойга ботиб қолди. Қулулишга ҳаракат қилиб зўр берган сари баттарроқ бота бошлади, кир ювувчи югуриб келиб уни ушлаб олди-да, уйига олиб кетди. Йўлда учраган бир дўсти ундан сўради:

— Қўлингиздаги нима?

Кир ювувчи деди: — Бу лочин ишини қилмоқчи бўлган фоз. Ўз эҳтиёжидан ортиқча нарса кетидан югуриб ўз ҳаётини барбод қилди.

Бу масални шунинг учун келтирдимки, билиб қўй: ўз ишинг билан машғул бўлмай, сенга тўғри келмайдиган хунарга ёпишмоқчи бўлсанг, оқибати худди шундай бўлади.

Шайх бу масални айтиб бергандан кейин дехкончиликни яна ҳам ортиқроқ орзу қила бошладим. Унинг сўзларини қулоққа олмадим. Ўз ишимни ташлаб, дехкончилик билан шугуullanана бошладим. Дон сепиб, ҳосилни қутиб ўтирдим. Бу орада оиламнинг рўзғори танг бўлиб қолди, чунки дўкондан ҳар кун озгина фойда қўлга қиритиб, уйга ҳаражат қилар эдим, энди эса ҳосил олгунча ярим йил қутишим керак бўлди.

Ўз-ўзимга дедим: — Катта хато қилдим. Улуғлар сўзига қулоқ солмадим. Яхшиси бировдан озроқ пул қарз олиб, аввалги ишимни бошлаб юборай. Шундан кейин шаҳарда ўзига тўқ бир одамдан пул қарз олиб, яна дўкон эшигини очдим. Гумашта солдим. Ўзим гох дехкончилик билан, гох дўкон иши билан шугуullanар эдим. Шу аҳволда икки ой ўтди. Бир кун далага чиқиб кетган эдим, гумашта ҳиёнат қилиб дастмоямни уриб кетибди. Қўлимда қолган пул қарзни тўлашга ҳам, кун кечирिशга ҳам етмас эди. Фурсатни ғанимат билиб, бир кун кечаси шаҳардан қочиб кетдим. Кўп ранжу аламлилар тортиб, узок жойларга бордим. Бир қанча вақт ўтгандан кейин бола-чакам ўлиб кетганини эшитдим. Уй-жийон ва қолган бисотимни қарз бергандар бўлишиб олиб-

дилар. Мана, энди мен ватанга қайтмоқдан ноумид бўлиб, манзилма-манзил саргардон бўлиб юрибман. Бу саргузаштларимнинг бир шингилгинасикидир.

Зоҳид деди: — Сўзларинг ростга ўхшайди. Неча йиллаб ватандан узоқда — жудодик дардини тортиб, сафар машаққатини чекибсан, аччиқ-чучуқни тотиб, яхши тажрибалар орттирибсан. Бундан кейин фароғат билан яшагайсан.

Сўхбатдан сўнг зоҳиднинг буйруғи билан келтирилган хурмони ея бошладилар.

Меҳмон деди: — Бизнинг ерларда жуда ширин ва лаззатли мевалар кўп. Хурмо бир оз бадҳазм бўлса ҳам, лекин ғоят ширин мевадир. Афсуски, бизнинг вилоятларда ўсмайди.

Зоҳид деди: — Хоҳлаган нарсасига муҳтож бўлгани бахтли деб бўлмайди. Орзу қилган нарсасига эришмаган одам саодатдам эмас. Елғиз орзу қилиш билангина қаноатланиб, унга эришиш учун ҳаракат қилмаслик ақлга ҳилофдир.

Зоҳид ўткир нотик эди. Арабий тилини яхши биларди. Унинг бу тилда жуда чиройли сўзлаши меҳмонга ёқди. Меҳмон бу тилни билмаса ҳам кўпинча шу тилда сўзланг, деб зоҳиддан илтимос қилар эди. Зоҳид фасоҳат ва балоғат билан меҳмонга шу тилда гапирар эди. Охири меҳмон уни ўрганишни орзу қилиб қолди.

Бир кун у зоҳидга деди: — Емон кўздан асрасин, жуда чиройли гапирасиз. Мен шу вақтгача бундай фасоҳатли бир сўз, бундай балоғатли бир жумла эшитмаган эдим... Сиздан илтимос қиламан: менга шу тилни ўргатсангиз.

Зоҳид деди: — Жоним билан. Бизнинг тилимизни ўрганишни хоҳлаганингиз учун фахрланаман, агар жазмингиз қатъий бўлса, мен меҳнатимни аямаяман.

Меҳмон узок муддат бу тилни ўрганиш билан машғул бўлди. Кўп вақт сарф этди, кўп азият чекди. Лекин ҳеч нарса чиқмади.

Бир кун зоҳид унга деди: — Бу жуда қийин иш... Кучи етмаган ишга ёпишган ва ўзига ярашмаган қийин қийган одам қулги бўлади. Кимки она тилини унутиб, ота-боболарининг одат ва анъаналарини тарк этса, шундай бўлади.

Меҳмон деди: — Аждодларининг зарарли одатларига тақдир этмоқ ҳам нодонликдир. Фазилат эгаларининг билим ва хунарларини ўрганишмоққа интилиш эса етукликдан далолат беради.

Зоҳид деди: — Мен ўз бурчимни бажардим. Айтиш мумкин бўлган гапларнинг ҳаммасини гапириб ўтдим. Сиз тагин қаклик юришини ўрганишмоқчи бўлгангизга ўхшаб қолманг.

Меҳмон сўради: — Унга нима бўлган экан?

Хикоят. Зоҳид деди: — Бир кун бир фоз бир қакликни қўрди. Унинг ноз ва ғамза билан юриши фозга ёқиб қолди. У ҳам қакликнинг юришини ўрганишмоқчи бўлиб, унинг изидан қолмасдан бутун ҳаракатларига тақдир қилди, лекин бундан ҳеч нарса чиқмади. У қакликнинг юришини ҳам ўргана олмади, ўз юришини ҳам унутди.

¹ Харвор — бир эшак кўтарадиган юк. (Оғиррак ўлчови).


Бугун қайта кўрдим эгинида атлас,
 Ҳамон паришонсан, ўта хомушсан.
 Аммо сен эндичи ўнгимда эмас,
 Котиб ухлаганда кўринган тушсан.

Рўбарў келарсан яна юзма-юз,
 Кўриб юрагимдан недир узилди.
 Аллақандай қудрат қалба ёша кез,
 Туген бўлиб бирдан сафбас тизлди.

Билсайдинг қанчалар соғиндим нигор,
 Балки кетмасидинг ҳижронга ташлаб,
 Овуниб, ўксиниб эслайман ҳумор,
 Кўрсанг келармидинг кўзларинг ёшлаб.

Ўғлим қизгинам шодон чопгандай,
 Мен ҳам чопайинми, чопмайми олға.
 Улар бойчечаклар излаб топгандай,
 Сенга чечакларни этайми совға?..

Узун қулочларим ёйгандим энди,
 Отилмоқчи бўлиб ўзим бағрингга.
 «Ота» деб чопишар эҳ, улар келди,
 «Бу Сизга» гул тугиб мана, олдимга.



Уларга термулдинг аламми, дардми,
 Учқун чақнаб кетди бирдан кўзингда.
 Нелигин билмадим оҳми, ҳасратми,
 Недир портлаб кетди заҳил юзингда.

Икки қатра ёшдай уйқаш улар ҳам,
 Сен зимдан термулдиб ичдан йиғладинг.
 Чеҳрангда кулдингу кулдингу муҳаб,
 Хаста юрагимни кулиб тигладинг...

У

«Менинг фарзандларим» дединг ҳайтовур,
 Қучиб лабларингни босдинг ҳайларга.
 Қуюнга айланди шунча тасаввур,
 Шу кўй жавоб бўлди сўроқ гапларга.

Ҳайратдан мен томон Фотма ва Ҳусан,
 Ажбасиниб боқди, шиманиб боқди.
 Менинг фарзандларим сенга хусусан,
 Ўз фарзандинг янглиг дилингда ёқди.

«Кетамиз» — тортишди улар қўлимдан,
 Биз кетар чоғда ҳам бир сўз айтмадинг.
 Видолашмоқ оғир нега йлимдан,
 Нодир кетманг дея нега тортмадинг.

Ахир қўл силкашиб кетдик чеккадан,
 Қолиб юрагимга ваҳима солдинг.
 Қизил қум сепилган текис йўллада,
 Қулиб ортимиздан термулиб қолдинг...

Хоразм.

АРМОН

I

Сенга таниш обод, меҳмондўст ҳовлим,
 Анжомлари ўша ўзинг кўргандай.
 Бир оз паришонроқ бугун ҳаёлим,
 Бошқа ҳамма нарса ўзармасандай.

Ўзинг эккан гуллар ҳануз санобар,
 Хоналарга ҳудин сочиб турибди.
 Бироқ у гулларга ўзга бир дилбар,
 Нозлаиб, меҳрини қўйиб юрибди...

II

Севишга севаман юрак-юракдан,
 Лекин боқолмайман кўзларингга тик.
 Оҳ сени кўрганда узоқ-узоқдан,
 Ёмон ўртанаман бу не кўрғилик...

Эсласам сен билан ўтказган онлар,
 Энг ажиб дамларим, энг даҳшати ҳам.
 Тушдай ўтиб кетган йиллар армонлар,
 Қайта келармиди чорлаган билан?

Илтижо ўтинчлар, ёлвориб кимдан,
 Қимлардан қутмадинг, қутмадинг имдод.
 Айбни менга тўнкаб нега сен мендан,
 Кўз юмиб кетмадинг, кетмадинг ҳамдард.

III

Хат ташлаб кетибсан ёр кетар кунинг,
 Бефарзанд ҳаётга айролиқ тилаб.
 Мени узлат томон итқитган тушинг,
 Омад тилолмасанг сочинми силаб.

Она бўлмоқликдан азизроқ мақсад,
 Борйикан фарзандсиз аёллар учун.
 Бувакка тобланган хассос муҳаббат,
 Яна нима экан ўшандай учқун?

Ундай ҳароратли, унингдай ёниқ,
 Муҳаббат билишмас бефарзанд қалблар.
 Шу нимжон гўдақнинг лабидай ақиқ,
 Ундан тотли шарбат қўмсамас лаблар...



Маълумки, қорақурт заҳарли ҳашарот ҳисобланади. У Тянь-Шань тизмасининг денгиз сатҳидан беш минг метр баланд жойларида, қояларда, тоғ ўтлоқларида, Қорақум ва Қизилқум биёбонларда учрайди. Мутлақо беозор, ушқоқдек, кўзга аранг кўринадиган, баъзан анчагина катта бўлиши ҳам мумкин бўлган бу ҳашаротнинг заҳари ниҳоятда кучли бўлиб, улар чақиб олганда одам ҳаёти фожиали туғаш мумкин. Масалан, кўкрак, бош ёки юзни чаққанда у жуда хавфли, бармоқ, товондан чаққанда эса унчалик эмас, олдини олса бўлади.

Тошга айланган ҳайвонлар ва ўсимликларнинг қолдиқлари шундан далолат берадики, қорақуртсимонлар ер юзидан 40 миллион йилдан кўпроқ вақтдан бери яшайди. Уларнинг 30 мингтадан зиёд тури аниқланган.

Энди бу гаройиб жониворлар ўзида қандай сир сақлашга тўхтайлди. У уя ясашга қодир. Ундан ҳавога тарқаладиган протеин моддаси ҳаётий эҳтиёжларини қондиршига хизмат қилади. Масалан, қорақуртнинг қуруқ иллари уя ясаш, ёпишқоқ иллари бурама чизик ўтказиш, инаксимон иллари пилла ту-

Ажойибот-гаройибот

ҚОРАҚУРТНИНГ СИРЛАРИ

хумлари қўйиш, қалинроқ иллари эса ўлжасини тутиш учун керак.

Биохимиклар, биоорганиклар, биофизиклар, табиий ўргимчак уясини синтетик йўл билан олиш устида бош қотирмоқдалар. Лекин гап бошқа ёқда. Қорақурт уяни шу даражада тўқийдики, унинг танасида биохимёвий жараён сифати ўзгаради.

Қорақуртнинг сирлари кўп. Масалан, никоҳ тўйида «қраксига тушганидан кейин ургочиси эркагини еб қўяди. Шуниси қизиқки, никоҳ тўйида юзлаб «куёв» тўпланади. Улар никоҳ қилинадиган жуфтига яқинлашмиш ва бу йўлда нобуд бўлишга шай туришади. Улардан бири, яъни омадлиси «келин»га етиб олиш билан у ёқда келганларга тўхташ тўғрисида «буруқ» беради. Бу ҳам қорақуртнинг бир сиридир.

Бизнинг шароитда яшовчи ва «Эризус нигер» деб аталувчи қорақуртнинг фанга ҳали маълум бўлмаган сир-асрорлари бор. Масалан, болалари пилласидан чиққандан кейин онасининг елкасига миниб оладилар. Она авлодини асраб-авайлайди, зарур иқлим шароитларини яратиб беради. Бу қорақурт болалари илк бор туллашига қадар давом этади. Лекин шуниси қизиқки, биринчи туллаш даври боласи онасини еб бўлгандан кейингина юз беради. Она гўштидаги оқсил ривожланишининг кейинги босқичи — боласининг биринчи туллаши учун хизмат қилади. Бу ҳаёт қонуни. Мазкур жараён амалга ошмагунча ривожланиш бўлмайди.


Уя ясаш санъати тўғрисида ҳайратланмасдан гапириб бўлмайди. Қорақуртлар ўз «иморат»ларини шу қадар

маҳорат билан «қуришади»ки, тан бермай илож йўқ. Бурчаклари аниқ, иллари тўғри тортилган, уларнинг қалин ёки юпқалиги бир хил.

Энг сирли томони — қорақурт заҳрининг биохимёвий тизилишидир. Олимлар тағин ҳам шифобахш доридармонлар яратишга, одам танаси ҳужайраларини нур уришдан сақлаш йўлларини топишга муваффақ бўлар эдилар. Аммо бу ҳозирча сирлигина қолмоқда.

Кези келганда шуни айтиш керакки, бир грамм қуруқ заҳар олиш учун қанча эризус нигер (қорақурт)ни тутиш кераклигини ҳамма ҳам билмас керак. Жуда кўп тўтлади. Ҳолбуки, бундай қорақурт табиятда кам учрайди. Бир грамм қорақурт заҳри эндиликда 10 миллион сўм туради. Шундан бўлса керак, олимлар бу масала устида ҳамон бош қотиряптилар. Аммо, қорақурт яшайдиган манзиллар йилдан йилга камайиб бормоқда. Уларнинг ўзига хос экологик тизимлари инсон томонидан бўзиб юборилмоқда.

Қозоқчадан Қидирбой ТҮЛАБОВЕВ таржимаси



Император ўғлининг тўйи

Япония, яъни кун чиқар мамлакатининг аҳолиси ўз тарихида яна бир қувончли воқеанинг шоҳиди бўлиб турибди. Бугун бу мамлакат императори Акихито оиласида катта тўй ўтказилмоқда. Мамлакат ҳоқонининг тўнғич 33 ёшли ўғли Нарухито уйланоқда. Япония миқёсида катта шов-шувли бу тўйга кўп ва узоқ тайёргарлик кўрилди. Айниқса, келин танлаш машаққатли кечди. Куёвтуранинг талабларига мос келадиган қиз топиш учун кўп вақт сарфланди. Ниҳоят ақлда доно, ҳуснда тенги йўқ ва қадди-бас-ти келишган 29 ёшли Массакко бу бахтга муяссар бўлиб турибди.

Куёвбола Англиянинг Оксфорд университетини битирган, инглиз, француз ва рус тилларини билади. Келин эса Япония Ташқи ишлар вазирлигида етакчи мутахассис бўлиб ишлайди. Бу тўйга катта умид билан қаралаётганлигининг ўзига хос сабаби ҳам бор. Японияда императорлик лавозими шохсупаси олий ҳоқон оиласининг бош ўғли учун мерос ҳисобланади. Келгусида Нарухито император бўлиб сайланиши қонунийдир. Келин эса унинг маслаҳатгўйи ва умр йўлдоши, яъни бизнинг тилимиз билан айтганда малика даражасига эришади.

Келин ва куёвнинг никоҳ маросими ўқилиши учун ўта эҳтиёткорлик чоралари кўрилди. Никоҳ ўқиладиган сарой атрофини 30 минг полициячи қўриқлаган бўлса, уни икки юз мингдан зиёд томошабин кузатиб турди.

Ҳамма умидли ёш келин ва куёвга бахт-саодат, қўша-қўша фарзанд ва пиру-бадавлатлик тиламоқда.

Абдулла ПУЛАТОВ

Лотин ёзувидан машқ

22

Ҳамдамлар кибр ила сўзлар сўзин,
Чаманда гул дея билурлар юзин,
Туну кун соям-ла сўзлашурман мен,
Еш бўлса кўргандек кўзгуда ўзинг.

22

Hamdamlar kibr ila sozlar sozin,
Chamanda gul deya bilurlar yuzin,
Tunu kun soyam-la sozlasurman men,
Yos bola korgandek kozgida ozin.

23

Шикоят қилма, эй таъмагир попок,
Тупроқдан ор этма, чунки ўзим хок.
Чўпни ҳам элтолмас бу сувдан ҳеч ким,
Гавҳар сенга бўлсин, мена бас қошок.

23

Sikoyat kilma, ey ta magir popok,
Tuprokdan or etma, chunki ozim hok.
Chopni ham eltolmas bu suvdan hec kim,
Gavhar senga bolsin, menga bas hosok.

24

Тун — иккикат хотин, не тугар экан?
Замона ҳукмидан не ёғар экан?
Умр аввалида не келди, кўрдик,
Кўрармиз — охири не бўлар экан?

24

Tun — ikkikat hotin, ne tugar ekan?
Zamona hikmidan ne yogar ekan?
Umr avvalida ne keldi, kordik,
Korarmiz — ohiri ne bolar ekan?

25

Ёмон билан улфат бўлма, юр йироқ,
Йўлингга дон сочиб, қўяди тузок.
Ёйни эгри кўриб, тўғрилигидан —
Уқ ундан қанчалик қочганига бок.

25

Yomon bilan ulfat bolma, yur yirok,
Yolingga don sochib, koyadi tuzok.
Youni egri kogib, tog'riligidan —
Ok indan kançalik koçganiga bok.

26

Токи бору гайрату мардликдан асар,
Аҳлу аёлингни этма дарбадар,
Мева шохи агар девордан ошса,
Йўловчилар унга бешак қўл чўзар.

26

Toki bor gayrati mardlikdan asar,
Ahli ayolingni etma darbadar,
Meva sohi agar devordan ossa,
Yulovçilar inga besak kol çozar.

27

Оқил ақли ҳисса гирифтор бўлмас,
Ҳасад қилган билан тилло хор бўлмас.
Номард ит кабидир, мард буюк дарё,
Дарё ит дамидан ҳеч мурдор бўлмас.

27

Okil akli hisga giriftor bolmas,
Hasad kilgan bilan tillo hor bolmas,
Nomard — it kabidir, mard buyuk daruo,
Daryo it damidan heç murdor bolmas,

28

Филдай қучинг бўлса ҳам мўр бўлиб кўрин,
Молинг ошиб-тоиса ҳам ур бўлиб кўрин,
Ҳамманинг айбини билганинг ҳолда,
Ҳеч нарса билмагандай, кўр бўлиб кўрин.

28

Filday kuçing bolsa ham mor bolib korin,
Moling osib-tossa ham ur bolib korin,
Hammaning aybini bilganing holda,
Heç narsa bilmaganday, kor bolib korin.

Тозалик бор жойда барака бор



Тонг. Тоғлар ортидан шафақдек товланиб чиқаётган кўёш заррин нурларини рўйи замин узра тарашига шайланмоқда. Бутун олам янги кун умиди билан уйғонмоқда.

Тонг сахарда биринчи бўлиб турган қиз-жувонлар ишни тозаликдан бошлайдилар. Улар остонадан кунчага қадар уй атрофини сув сепиб супуриб, чинидек тозалаб қўйишади. Бу орасталик, тозаликни кўрган кишининг баҳри дили очилади. Тонгдаги яхши кайфият эса инсонга кун бўйи йўлдош бўлади.

«Тозалик бор жойда барака бор», дейди халқимиз. Шунинг учун тозалikka жуда катта эътибор берилган. Маҳаллаларда дарвозасининг олди супурилмаган хонадонлар, хурматга нолайқ деб топилган. Янги тушган келинчакка ҳам унинг саранжом-саришталигига, орасталигига қараб яхши-ёмон баҳо берилган. Айниқса ўзбек оилаларида қизларга ёшлигидан тозалikka қатий риося қилишга ўргатиб борилган. Шундан бўлса керак, кишлоқларимизда махсус белгиланган фаррош бўлмаса-да, кўча ва кўча бўйлари доимо тоза ва озода бўлади. Лекин кейинги вақтларда жамоат жойларининг тозаликига эътибор бироқ сусайган. Айниқса, бу катта шаҳарларда кўзга яққол ташланади. Авваллари, фаррошлар эрта сахардан туриб ҳаммаёқни саранжом-саришта қилишарди. Кейинги пайтларда эса улар ҳам иш вақтини ўзгартиргандай. Қоқ тушда яъни кўчада одамлар гавжум бўлган пайтида чангни тўзатишиб, кўча супуришади. Уст-бошингизга чангнинг гарди қўниб, кайфиятингиз хира бўлади. Бу аҳволдан айниқса хорижлик меҳмонлар олдида музлам бўлаётирмиз. Дунёнинг энг кўҳна — Самарқанд, Бухоро, Хива каби юртимиз шаҳарларини не орзу-умидлар билан кўриш ниятида келган сайёҳлар ўтмишда юсак маданиятга эришган кишиларнинг, авлодлари яшаётган шаҳарларнинг ҳозирги ҳолатига ҳам қизиқиши шубҳасиз. Истайсизми, истамайсизми, меҳмонлар халқимиз ҳақида шахримиз кўчаларига қараб баҳо беришади. Қолаверса, Тошкент нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Шарқнинг энг йирик маданий марказларидан бири. Ҳар кун пойтахтимизга дунё-

нинг турли бурчакларидан минглаб сайёҳлар келиб кетишади. Улар эса энг аввало шаҳар ободончилигига, орасталигига, аҳолисининг қай даражада маданиятлигига эътибор беришади.

Афсуски, бу масалада бизларнинг мақтов эшитишга арзийдиган ишимиз йўқ. Кўчалар ифлос, йўллар нотекис, йўлакдаги ариқлар ахлат билан тўлган. Бу манзарани шаҳарнинг марказий кўчаларида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек бу ҳолат фақат пойтахтимиз Тошкентга тааллуқли эмас. Жумҳуриятимизнинг Андижон, Наманган, Фарғона каби шаҳарларида ҳам шу ҳолнинг гувоҳи бўлиш мумкин.

Қадимда ажодларимиз шаҳар озодалигига алоҳида эътибор беришган. Чунки ёзи жазирама бўладиган ўлкаимизда, шаҳарда бепарволик оқибатида тўпланиб қолган ахлат турли касалликларнинг тарқалишига асосий манба бўлган. Натижада, вабо, ич терлама ва бошқа юқумли касалликлар оқибатида минглаб кишилар ҳаётдан бевақт кўз юмишган. Бугунги кунда ҳам ойлаб олиб кетилмай тўпланиб қолган ахлатлар ва ифлос ариқлар турли хил хасталикларга сабаб бўлаётир.

Энг ачинарлиси, бизлар тараққий этдик, маданиятли бўлдик деб, ҳаёт учун зарур бўлган, боболаримиздан қолган яхши анъаналарни унутдик. Тўғри бунга маълум сабаблар ҳам бор. Масалан, кўп қаватли уйларнинг қурилиши, турли миллат вакиллари-нинг бир жойда яшashi, ободончилик учун мутасадди ташкилотларнинг борлиги.

Илгарилари ҳашар йўли билан ариқлар бир йилда икки марта тозаланади. Ҳозир бу ишни на мутасадди ташкилотлар, на аҳоли бажаради. Ариқлар ифлосликдан бижғиб ётибди. Аҳоли яшайдиган кўп қаватли уйларнинг йўлакларидан чанг сансалорликдан тўпика келади.

Биз баъзан Европа давлатларидаги шаҳарларнинг тозалиги ҳақида оғзимиздан сув келиб гапираемиз.

Аслида, шаҳарни тоза тутиш Шарқ халқларига хос бўлган. Масалан, яқин ўтмишда биргина Бухоро шаҳридаги юздан ортиқ ховузга аҳоли бир бегона чўп туширмаган.

Коммунистик тарбиянинг салбий маҳсулларидан бири эса, боболар қадриятларини унутишга даъват бўлди. Оқибатда биз оиладан ташқаридаги одоб-ахлоқ, юриш-туриш маданиятини унутдик. Жамоат жойларида бир-биримизга кўпол муомала қиламиз.

Бекатда туриб бир разм солинг. Автобусдан, троллейбусдан ёки трамвайдан тушаётган йўловчи қўлидаги чиптасини дуч келган жойга ташлайди-да, яна йўлида давом этади. Ахир чипта ташлаш учун махсус жой бор. Еки бўлмасам, йўловчи чекиб турганди. Бирданига унинг кетиши учун зарур транспорт келиб қолди. У ҳам чекиб тугатилмаган папиросини дуч келган жойга итқитади. Шундай қилиб, ахлатлар пайдо бўлиб шаҳар кўрки бузилади.

Тўпланган ахлатлар — тозалик душмани. Лекин ўша тўпланган ахлатни «кашф» этаётганлар кимлар? Ўзимиз-ку ахир! Шундай экан, нега бир-биримизни назорат қилмаймиз? Тартибсизлики авж олдираётган кишиларни нега ялтирмаймиз? Қолаверса эшигимиз олдида пайдо бўлган ахлат уюмини йўқотишда ҳашар йўлидан ҳам фойдаланишимиз мумкин-ку! Қачонгача ўзимиз истиқомат қилаётган, кеча-кундуз кириб-чиқадиغان йўлагу ҳовлиларимизни ҳам биров супуриб бериши керак. Ахир шу кўча, шаҳар сиз билан бизники-ку!

Яратганга шукур мустақил бўлдик. Дунё халқлари эндигина ўзбек халқини ва Ўзбекистонни танимоқда. Улар фақат бизларнинг бойликларимизга эмас, шахримиз қиёфасига, маданиятимизга, одоб-ахлоқимизга ҳам ҳавас қилишсир. Озода, саришта кўчаларимизга суқланиб боқсин.

Маълупра НАБИЕВА

СҮМРАЙГАН БАШАРА

Бу кунлардан айтсам гар,
Расталардан юрсам гар
Ноинсофи кўп экан,
Ушқиради баччагар.
Дунё сўгмас кўлига,
Чунтак тўла пулига.
Пештахталар хувуллар
Савдо қилар йўлига.
Нарсалар-чи, демам йўқ,
Савдогарнинг қорни тўқ.
Борини ҳам гойибдан
Пуллаб қарар кўзи лўқ.
Нархи-нархга уланар,
Шалкалари тўланар,
Итдек хуриб чайқовчи
Харидорга ташланар.
Ночор қолиб харидор,
Бозор қилади «бозор»
Судралади бўш хуржун,



Тўлмоғи жуда душвор.
Бунча нархи баланд хой,
Инсоф борми, Тўймасбой,
Супирмадик ердан пул
Қолиб кетди сўлкавой,
Савдогарнинг баччаси,
Ҳисоблашар поччаси.
Сўмрайган сур башара
Дўк уради каттаси.
Олсанг ол, йўкса жўна!
Бизнинг йўрик шунақа!
Фахрийларни шиламиз
Бойга бериб «бунақа».
Чайқовчилар изғийди,
Кўча-кўйда бижғийди.
Харидорчи шўрлик жим,
Бўш чўнтакни мижғийди.

Н. АФАНДИ



— Кеп қолиғи, зинаворлар таомини мазали қилади.

АЙШНИ НОДОН СУРИБ...



Нафсига ўт тушган,
Безрайган, хира.
Сўмрайган башара
Чанг босган шира.

Пули қутиртирган,
Тумшуги баланд,
илми зиёдани,
Қилмайди писанд.

Каттами, кичикми,
Унга барибир.
Қўли жуда эгри
Кўнгли жуда кир.

Нақ бўғзидан олиб,
Кўксини ёриб,
Юрагин сўғириб
Қилинса тафтиш.

Инсоф деганидан
Заррача топиш —
Қийин бўлса керак
Бу ҳам бир хоҳиш.

Хар ҳолда, нафсига
Қурт тушган каслар.
Кўпайди ҳар жойда,
Қаланги, паслар.

Пул бўлса отасин
Сотиб юборар.
О, Ватан туйғуси,
Уларга бекор.

Юзлари девордай
Ҳеч ифодасиз.
Фақат сўкинади,
Қорни тўк, семиз...

Унинг лўғатида
Яхши сўзи йўқ.
Сўмрайган башара
Икки кўзи лўқ.

А. НУР

КОСОН ҚОЧИРИМЛАРИ

Қассобнинг қасами

Қоралуп бекати ёнида жойлашган гўшт дўкони қассоби Болта Пичоқбоев эчки гўштини қўй гўшти деб алдаб, килосини беш юз сўмдан — ярим килодан мўлроғи калла гўшти-ю қуруқ суяк, чандир ва қийқимлардан иборат бир кило мол гўштини тўрт юз сўмдан пуллаб турган чоғида қўлга тушди.

— Бундай бемаза бузоқнинг гўштини энди бошқа зинҳор-базинҳор емайман! — деб оғзини тўлдириб қасам ичди, тумшугидан илинган қассоб.

Шу гапдан сўнг уни қўлга туширган халқ назоратчиси Қуллуқбой Орқабоев қассобга сирли қош қоқиб, кўз учиргач, икки кило лаҳм гўштини текинга олди-ю ими-жимиди жуфтани ростлаб қолди.

Тўғрироғи, Пичоқбоев каби «қатъий сўзли» қассоблар сони Орқабоевга ўхшаганлар орқасидан кун сайин ортиб бормоқда. Лекин улар бугунги кунда ҳар қадамда халқ нафратига, харидорлар қарғишига учрамоқда. Бундай нафрат ва қарғишлар Орқабоевларга ўхшаганлар орқасидан ҳам тўпга солиниб отилмоқда.

Жарима солинди

Манший хизмат идорасининг ҳайдовчиси Бемаҳалбек Лойқабоев Марказий катта кўчага чошгоҳ чоғи сув селип,

йўловчиларнинг уст-бошларини ифослантиргани ва йўл ҳаракатига халақит берганлиги учун, йўл назоратчиси томонидан оғоҳлантирилиб юз сўм жарима солинди.

Аниқлашга киришилди

Дехқон бозори ёнидаги гўшт дўконларидан бирида осийлиқ турган қўй танасининг чап сони устига мол дўхтири босган муҳрдаги ёзув қассобнинг диққатини тортди-ю сиёҳи чапланиб кетган ёзувни ҳижолаб ўқий бошлади:

«Муҳр босилган сон меники, ё ўзини, ё пулини берасан. Шундай қилсанг, ҳасал мол ёки ҳатто, эшак сўйсанг ҳам муҳр босиб беравераман. Акс ҳолда...»

Айни пайтда муҳрни мол дўхтирининг ўзи ясаганими ёхуд босқа биров ясаб берганими, аниқлашга киришилди.

«Ҳалоллик»

Бош магазиндан чет эл камзул-шимини сотиб олган харидор сотувчига миннатдорчилик маъносидида юз сўм ортиқча ташлаб кетган экан. Буни сезиб қолган сотувчи нотаниш «сахий» харидорни бекатга яқинлашганида қувби етиб, юз сўмини қайтариб бергач, кўнгли таскин топди.

Нормамат ТОҒА


Косон

Тахририятга келган бир босма тобқоча бўлган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилгани шарт.

Босмаҳонага туширилди 09.07.93 й. Босишга рухсат этилди 16.08.93 й.

ТИЛСИМ



ЭНИГА: 5. Тоғли-Бадахшон муҳтор вилояти маркази. 6. Қуёш тизимидаги сайёра. 11. Тарихчи ва шоир Шарафиддин Али Яздий асари. 14. Қуръоннинг маълум боби. 16. Давлат ва айрим кишилар томонидан диний мақсадлар учун ажратилган мол-мулк. 19. Овчилик ашёси. 20. Тўқимачиликда тола тайёрлашдаги жараёнлардан бири. 21. Бозорлардаги дўконлар қатори. 22. Марказий Осиёдаги хонликларда қумушдан зарб қилинган пул бирлиги. 27. Туркиянинг шаҳрининг қадимий номи. 29. Эртак ва маталларда қўлланиладиган сана. 31. Самарқанддаги XVII аср ўрталарида қурилган мадраса, обьект. 35. Саудия Арабистонидаги тарихий вилоят. 36. Хулқ-атвор, тарбия мажмуи.

БЎЙИГА: 2. Фарғона вилоятидаги шаҳар. 3. Бирор масала юзасидан аниқ фикр, ҳулоса. 7. Камёб чўл жонивори. 8. Қуръондан кейинги муқаддас манба. 9. Ўзбекистон жанубидаги туман. 10. Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани ҳудудидаги Шош шаҳарлари харобаларидан бири. 12. Шарқ мусулмон мамлакатларида мавжуд бўлган давлат тузуми. 13. Ҳиндистонда 1658—1707 йиллар давомида ҳукмдорлик қилган Бобурийлар сулоласи вақили. 23. Бирор нарсага бўлган интилиш, хоҳиш. 24. Жанубий Осиёдаги давлат пойтахти. 25. Узумдан тайёрланадиган ўткир ҳидли суяқлик, таом ҳуруши. 26. Марказий Осиёдаги қадимий шаҳар. 32. Масжидда намозни бошқариб борувчи рўҳоний. 33. Шарқ мумтоз адабиётида номланган афсонавий учқур от.

ОЙЛАР БЎЙИЧА: 1. Андижон вилоятидаги шаҳар. 4. Хитойнинг ғарбидаги дарё. 15. Ганчдан нақш ясовчи санъаткор, уста. 17. Қадимги ионон файласуф олимнинг Шарқдаги номи. 18. Тошкентнинг қадимий дарвозаларидан бири. 28. Мамлакатимиз вилояти маркази. 30. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достони қаҳрамони. 34. Тёншондаги, Иссиққўлдан бошланадиган шарқдаги даровон.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

6—7-сонда чиққан тилсимнинг жавоби

Энига: 1. Биллур. 3. Кучала. 7. Партов. 8. Фозгон. 10. Худайчи. 11. Рушон. 15. Оқтош. 17. Миробод. 18. Қорамол. 19. Сунбула. 23. Қорилик. 24. Қарши. 26. Хирож. 30. Улгуржи. 31. Тоғлиқ. 32. Табиат. 33. Раққос. 34. Қиймат.

Бўйига: 1. Баркаш. 2. Лавҳа. 4. Чигир. 5. Ангирт. 6. Умархон. 7. Пудрат. 9. Наҳшаб. 12. Оҳорлаш. 13. Тилоғоч. 14. Соғуний (Алихонтўра). 16. Қурумди. 20. Сукрот. 21. Миссури. 22. Ҳижрат. 25. Рўзгор. 27. Рўҳият. 28. Ҳуқуқ. 29. Хитой.

Муқованинг биринчи бетиди:

Буюк саркарда АМИР ТЕМУР

Рассом Малик НАБИЕВ асари.

Муқованинг иккинчи бетиди:

Жонажон Ўзбекистон мамлакатимиз мустақиллигининг икки йиллиги катта тантана, шоду хуррамлик билан ўтди. Барча жаҳонларда жасорат кўрсатаётган юртдошларимиз мўл-кўччилик, бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқдалар.

Машраб НУРИНБОЕВ сурат лавҳалари.

Қоғоз бичими 70×60¹/₄. Офсет усулида босилди. Қоғоз тури босма № 1. Шартли босма тобқ 6,16. Нашр ҳисоб тобоғи 8. Шартли рангли намуналар 18,8. 25865 нусхада чоп этилди. Буюртма № 2121. Баҳоси сотувда 25 сўм.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.



Сувчи — ғўзани яшнатувчи.



Маккажўхори дони ҳам бир хазина.

Хосил мўл бўлди.



TWM

